GEOMETRIYA

1996-2005-YIL YECHIMLARI

III БОБ
ЕЧИМ ВА КЎРСАТМАЛАР

1) [2001_02_43]
Икки нуктани бирлаштириб битта кесма хосил киламиз. Учинчи нуктани бу кесма учлари билан бирлаштириб, яна иккита кесма хосил киламиз. Бу учта нуктани тўртинчи нукта билан бирлаштириб, яна учта кесмага эга бўламиз. Натижада 1+2+3=6 та кесма хосил бўлади.

2) [2004_01_518]
Олдинги тест ечимига каранг.

3) [1996_10_38]
Икки нуктадан битта тўғри чизик ўтади. Уларга яна битта нукта кўшсак, тўғри чизиклар сони 2 тага ошади, тўртинчи нуктани кўшганда, тўғри чизиклар сони 3 тага ошади. Олтинчи нуктани кўшганда, 5 та янги тўғри чизик кўшилади. Демак, $5+4+3+2+1=15$ та тўғри чизик ўтказиш мумкин.

4) [1996_01_36]
Икки нуктадан битта тўғри чизик ўтади. Уларга яна битта нукта кўшсак, тўғри чизиклар сони 2 тага ошади, тўртинчи нуктани кўшганда, тўғри чизиклар сони 3 тага ошади. Нихоят 7-нуктани кўшганда 6 та янги тўғри чизик кўшилади. Демак, $6+5+4+3+2+1=21$ тўғри чизик ўтказиш мумкин.

5) [1996_09_87]
Икки нуктадан битта тўғри чизик ўтади. Уларга яна битта нукта кўшсак, тўғри чизиклар сони 2 тага ошади, тўртинчи нуктани кўшганда, тўғри чизиклар сони 3 тага ошади. 9-нуктани кўшганда 8 та янги тўғри чизик кўшилади. Демак, $8+7+6+5+4+3+2+1=\frac{8\cdot 9}{2}=$
$=36$ тўғри чизик ўтказиш мумкин.

6) [2002_07_51]
n та нукталарни бир-бири билан бирлаштириб, $1+2+3+...+(n-1)=\frac{(n-1)n}{2}$ та кесма хосил килиш мумкин. У холда $n=20$ дан кесмалар $\frac{(20-1)\cdot 20}{2}=$
$=19\cdot 10=190$ та эканлигини топамиз.

7) [2001_04_10]
$\frac{(7-1)\cdot 7}{2}=3\cdot 7=21$ та кесма.

8) [2001_01_64]
Кесманинг биринчи бўлаги узунлиги $3x$ десак, иккинчиси узунлиги $4x$ бўлади. $3x+4x=4{,}2$ дан $x=4{,}2:$ $:7=0{,}6$. У холда $3x=3\cdot 0{,}6=1{,}8$ ва $4x=4\cdot 0{,}6=2{,}4$.

9) [1998_11_80]
Кўшни **бурчаклар** йиғиндиси 180° га тенг ва уларни α ва β **билан** белгиласак, у холда $\alpha+\beta=180° \Rightarrow \beta=180°-\alpha=180°-30°=150°$. Жавоб: 150°, 150°, 30°.

10) [2004_01_460]
Олдинги тест ечимига каранг.

11) [1996_01_37]
Тўртта кўшни бурчак биргаликда тўлик бурчак ташкил этади. 4-бурчак 360°–315°=45° га тенг ва 90° дан кичик. Демак, у кўшни бурчакларнинг кичиги. Жавоб: 45°.

12) [2004_01_441]
Олдинги тест ечимига каранг.

13) [1996_09_88]



Тўртта кўшни бурчак биргаликда тўлик бурчак ташкил этади. 4-бурчак $360°-265°=95°$ га тенг ва у 90° дан катта. Демак, у кўшни бурчакларнинг каттаси.
Жавоб: 95°.

14) [2000_03_72]
Берилган бурчак ва унга кўшни бурчаклардан бири биргаликда тўлик бурчак ташкил этади ва улар йиғиндиси $180°=\pi$ га тенг. У холда кўшни бурчак $\frac{19}{16}\pi-\pi=\frac{3}{16}\pi$ га, берилган бурчак $\pi-\frac{3}{16}\pi=\frac{13}{16}\pi$ га тенг.

15) [2001_12_5]
Икки тўғри чизикнинг кесишишидан хосил бўлган бурчаклар йиғиндиси 360° га тенг. Ундан бу бурчаклардан бири $360°-200°=160°$, иккинчиси $200°-180°=20°$ лигини топамиз. Уларнинг каттаси кичигидан $160°-20°=140°$ га ёки $\frac{140}{20}\cdot 100=700\%$ га катта.

16) [1999_03_44]
$\angle AOD$ ва $\angle COB$ лар вертикал бурчаклар ва $\angle AOD=\angle COB=\frac{230°}{2}=115°$. У холда
$\angle AOC=180°-\angle AOD=180°-115°=65°$.



17) [1997_04_43]
Бурчаклардан бирини x десак, иккинчиси $4x$ га тенг бўлади. $x+4x=180° \Rightarrow 5x=180 \Rightarrow x=180:5=36 \Rightarrow$
$\Rightarrow 4x=4\cdot 36=144°$.

18) [2004_01_457]
Олдинги тест ечимига каранг.

19) [1996_12_39]
Бурчаклардан бирини $3x$ билан белгиласак, иккинчиси $7x$ га тенг бўлади. Уларнинг йиғиндиси 180° га тенг бўлгани учун

$3x+7x=180° \Rightarrow 10x=180° \Rightarrow x=180:10=18° \Rightarrow$
$\Rightarrow 3x=18\cdot 3=54°;\ \ 7x=7\cdot 18=126°.$

20) [2004_01_447]
Олдинги тест ечимига қаранг.

21) [1997_06_27]
Бурчаклардан бири $3x$ десак, иккинчиси $7x$ га тенг бўлади. $3x+7x=180 \Rightarrow 10x=180 \Rightarrow$
$\Rightarrow x=180:10=18° \Rightarrow 3x=3\cdot 18°=54°.$

22) [2003_06_71]



Бурчаклардан бири $5x$ бўлса, иккинчиси $4x$ га тенг бўлади. Улар қўшни бурчаклар бўлгани учун уларнинг йиғиндиси $180°$ га тенг ва $5x+4x=180° \Rightarrow$ $9x=180° \Rightarrow x=20° \Rightarrow 4x=80°.$

23) [1999_04_36]
Қўшни бурчакни x десак, берилган бурчак $\frac{3}{7}x$ га, улар йиғиндиси $x+\frac{3}{7}x=180°$ бўлади. Ундан $\frac{10}{7}x=180°$ ёки $x=180°\cdot\frac{7}{10}=18°\cdot 7=126°$ ва $\frac{3}{7}x=\frac{3}{7}\cdot 126°=3\cdot 18°=54°.$

24) [1996_03_37]
Бурчакларидан бирини $2x$ билан белгиласак, иккинчиси $3x$ га тенг бўлади. Уларнинг йиғиндиси $180°$ га тенг бўлгани учун
$2x+3x=180° \Rightarrow 5x=180° \Rightarrow x=180:5=36°.$
$2x=2\cdot 36=72°;\ \ 3x=3\cdot 36=108°.$

25) [1996_11_38]
Бурчаклардан бирини $5x$ билан белгиласак, иккинчиси $7x$ га тенг бўлади. Уларнинг йиғиндиси $180°$ га тенг бўлгани учун
$5x+7x=180° \Rightarrow 12x=180° \Rightarrow x=180:12=15°.$
$5x=5\cdot 15=75°;\ \ 7x=7\cdot 15=105°.$

26) [2000_05_51]
$\alpha=2x$ десак, $\beta=7x$ ва $\alpha+\beta=180°$ дан
$2x+7x=180° \Rightarrow x=180°:9=20°$ ва
$\alpha=2x=2\cdot 20°=40°,\ \beta=7\cdot x=7\cdot 20°=140°.$
$\beta-\alpha=140-40=100°.$

27) [2001_02_38]
$\alpha+\beta=0{,}8\beta+\beta=1{,}8\beta=180°$ дан $\beta=180°:1{,}8=100°$. У ҳолда $\alpha=0{,}8\cdot\beta=0{,}8\cdot 100°=80°$. Демак, $\beta-\alpha=100°-$ $-80°=20°.$

28) [1999_08_12]
Қўшни бурчакни x десак, берилган бурчак $0{,}44x$ бўлади. Улар йиғиндиси $180°$ лигидан $x+0{,}44x=180°$ ёки $x=180°:1{,}44=125°$. У ҳолда $180°-x=180°-$ $-125°=55°.$

29) [1996_03_36]
Бурчаклардан бирини x билан белгиласак, иккинчиси $x+16$ га тенг бўлади. Уларнинг йиғиндиси $180°$ га тенг бўлгани учун $x+x+16=180 \Rightarrow 2x=180-16 \Rightarrow$ $\Rightarrow x=164:2=82°.\ \ x+16=82+16=98°.$

30) [1996_12_38]
Қўшни бурчаклардан бирини x билан белгиласак, у ҳолда иккинчиси $x+18$ га тенг бўлади. Уларнинг йиғиндиси $180°$ га тенг бўлганлиги учун $x+(x+18)=180 \Rightarrow 2x=180-18 \Rightarrow x=162:2=81° \Rightarrow$ $\Rightarrow x+18=99°$. Жавоб: $81°$; $99°$.

31) [1996_11_37]
Қўшни бурчаклардан бирини x билан белгиласак, у ҳолда иккинчиси $x+20$ га тенг бўлади. Уларнинг йиғиндиси $180°$ га тенг бўлгани учун $x+(x+20)=180° \Rightarrow 2x=180°-20° \Rightarrow x=160°:2 \Rightarrow$ $\Rightarrow x=80°;\ \ x+20=80+20=100°.$

32) [1997_01_27]
Қўшни бурчаклардан бирини x билан белгиласак, у ҳолда иккинчиси $x+24$ га тенг бўлади. Уларнинг йиғиндиси $180°$ га тенг бўлганлиги учун $x+(x+24)=180 \Rightarrow 2x=180-24 \Rightarrow x=156:2=78°.$
Жавоб: $78°$.

33) [2004_01_448]
Олдинги тест ечимига қаранг.

34) [1997_11_27]
Бурчаклардан бирини x десак, иккинчиси $x-32$ бўлади. У ҳолда $x+x-32=180$ дан $2x=180+32$ ёки $x=212:2=106°$.

35) [2004_01_449]
Олдинги тест ечимига қаранг.

36) [1996_10_39]
Қўшни бурчакларни α ва β билан белгиласак, у ҳолда
$$\begin{cases}\alpha+\beta=180°\\ \alpha-\beta=40°\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}2\alpha=220°\\ \alpha+\beta=180°\end{cases} \Rightarrow$$
$$\Rightarrow \begin{cases}\alpha=110°\\ \beta=180°-\alpha=180°-110°=70°.\end{cases}$$
Жавоб: $70°$.

37) [2004_01_442]
Олдинги тест ечимига қаранг.

38) [2003_07_37]
$\sin\alpha=\frac{3}{5}$. $\cos(180-\alpha)=-\cos\alpha=-\sqrt{1-\sin^2\alpha}=$
$=-\sqrt{1-\frac{9}{25}}=-\sqrt{\frac{16}{25}}=-\frac{4}{5}.$

39) [1998_10_81]
x ва $2x$ бурчаклар қўшни бурчаклар бўлгани учун уларнинг йиғиндиси $180°$ га тенг.
$x+2x=3x=180° \Rightarrow x=180°:3=60°.$

40) [1998_03_34]
Аввал α ва 2α бурчакларни топиб оламиз, сўнгра x ва 2α бурчакларнинг қўшни бурчаклигидан фойдаланиб x ни топамиз: $\alpha+2\alpha=90° \Rightarrow \alpha=30° \Rightarrow 2\alpha=60° \Rightarrow x=$ $=180°-2\alpha=180°-60°=120°.$

41) [1996_12_92]
α бурчакни *b* тўғри чизиққа перпендикуляр билан икки бурчакка ажратсак, улардан бири 90°, иккинчиси 60° бўлади. α=90°+60°=150°.

42) [2004_01_436]
Олдинги тест ечимига қаранг.

43) [1996_13_32]
120° ли бурчакни *b* тўғри чизиққа перпендикуляр бўлган тўғри чизиқ билан икки бурчакка ажратсак, улардан бири 90° га, иккинчиси эса α га тенг бўлади. Демак, $\alpha = 120° - 90° = 30°$.

44) [2004_01_438]
Олдинги тест ечимига қаранг.

45) [1996_03_91]
x ва $3x$ лар қўшни бурчаклар бўлгани учун $x + 3x = 180° \Rightarrow 4x = 180° \Rightarrow x = 45°$ α ва x бурчаклар биргаликда 90° ни ташкил этади. Ундан $\alpha = 90° - x = 90° - 45° = 45°$.

46) [2004_01_434]
Олдинги тест ечимига қаранг.

47) [1996_09_26]
x ва $4x$ лар қўшни бурчаклар бўлгани учун $x + 4x = 180° \Rightarrow 5x = 180° \Rightarrow x = 36°$.

48) [1998_08_39]
Бурчаклардан бирини α, иккинчисини β билан белгиласак, у ҳолда тест шартига кўра,
$$\begin{cases}\alpha + \beta = 180° \\ \alpha = 17\beta\end{cases} \Rightarrow 17\beta + \beta = 180° \Rightarrow \beta = 10°.$$



49) [1998_01_39]
Бурчаклардан бирини α, иккинчисини β билан белгиласак, у ҳолда тест шартига кўра,
$$\begin{cases}\alpha + \beta = 180 \\ \alpha - \beta = 60\end{cases} \Rightarrow 2\alpha = 180 + 60 \Rightarrow \alpha = 240 : 2 = 120°.$$



50) [1997_05_41]
Бурчакнинг биссектрисаси уни тенг иккига бўлади, шунинг учун α=15°+15°=30°.

51) [2004_01_445]
Олдинги тест ечимига қаранг.

52) [1997_09_41]
Бурчакнинг биссектрисаси уни тенг иккига бўлади, шунинг учун α=2·45°=90°. Жавоб: 90°.

53) [2004_01_443]
Олдинги тест ечимига қаранг.

54) [1998_06_33]
Бурчакнинг биссектрисаси уни тенг иккига бўлади, шунинг учун, $2\alpha + 2\beta = 180° \Rightarrow \alpha + \beta = 90°$.



55) [2004_01_459]
Олдинги тест ечимига қаранг.

56) [1998_06_32]
Қарама-қарши бурчаклари бир-бирига тенг бўлганлиги сабабли 2α+2β+2γ=360°=>α+β+γ=180°.



57) [2004_01_458]
Олдинги тест ечимига қаранг.

58) [1996_13_40]
Фалес теоремасига кўра,
$$\frac{OA}{OB} = \frac{AC}{BD} \Rightarrow \frac{OA}{6} = \frac{2}{2{,}4} \Rightarrow OA = \frac{2 \cdot 6}{2{,}4} = \frac{12}{2{,}4} = 5.$$

59) [2004_01_439]
Олдинги тест ечимига қаранг.

60) [1996_12_100]
Фалес теоремасига кўра, $\frac{BD}{AC} = \frac{BO}{AO} \Rightarrow \frac{BD}{2} = \frac{6}{5}$;
$$BD = \frac{2 \cdot 6}{5} = \frac{12}{5} = 2{,}4.$$

61) [2004_01_437]
Олдинги тест ечимига қаранг.

62) [1996_09_38]
Фалес теоремасига кўра,
$$\frac{OB}{OD} = \frac{OC}{OA} \Rightarrow OC = \frac{OA \cdot OD}{OB} = \frac{5 \cdot 9}{4} = \frac{45}{4} = 11{,}25.$$

63) [2004_01_440]
Олдинги тест ечимига қаранг.

64) [1996_03_98]
$$\frac{OB}{OA} = \frac{BD}{AC} \Rightarrow BD = \frac{OB \cdot AC}{OA} = \frac{4 \cdot 1{,}5}{3} = 2.$$

65) [2004_01_435]
Олдинги тест ечимига қаранг.

66) [1996_03_17]
Учбурчакнинг томонлари x, $x - 3$ ва $x+2$ га тенг. Унинг периметри, яъни томонлари йиғиндиси $P=x+(x-3)+(x+2)=3x-1$ га тенг.

67) [1996_11_18]
Учбурчакнинг томонлари x, $x-4$ ва $x+3$ га тенг. Унинг периметри, яъни томонлари йиғиндиси $P = x + (x-4) + x + 3 = 3x - 1$ га тенг.

68) [1996_12_18]
Учбурчакнинг томонлари x, $x-2$ ва $x+3$ га тенг. Унинг периметри, яъни томонлари йиғиндиси $P=x+(x-2)+$ $+x+3=3x+1$ га тенг.

69) [1996_03_97]
Берилган кесмалардан учбурчак ясаш мумкин бўлиши учун уларнинг ихтиёрийси қолган иккитаси йиғиндисидан кичик бўлиши керак:

$$\begin{cases}1+a+1-2a>2\\1+a+2>1-2a\\1-2a+2>1+a\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}-a>0\\3a>-2\\-3a>-2\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}a<0\\a>-2/3\\a<2/3\end{cases} \Rightarrow \left(-\frac{2}{3};0\right)$$

70) [1996_09_33]
Берилган кесмалардан учбурчак ясаш мумкин бўлиши учун уларнинг ихтиёрийси қолган иккитаси йиғиндисидан кичик бўлиши керак:

$$\begin{cases}1+2a+1-a>2\\1+2a+2>1-a\\1-a+2>1+2a\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}a>0\\3a>-2\\3a<2\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}a>0\\a>-\dfrac{2}{3}\\a<\dfrac{2}{3}\end{cases} \Rightarrow \left(0;\ \frac{2}{3}\right)$$

71) [1996_12_99]
Берилган кесмалардан учбурчак ясаш мумкин бўлиши учун уларнинг ихтиёрийси қолган иккитаси йиғиндисидан кичик бўлиши керак (ўз навбатида бу кесмаларнинг узунлиги мусбат бўлиши керак).

$$\begin{cases}1+4a>0\\1-a>0\\2a>0\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}a>-1/4\\a<1\\a>0\end{cases} \Rightarrow 0<a<1.$$

$$\begin{cases}1+4a+1-a>2a \Rightarrow a>-2\\1+4a+2a>1-a \Rightarrow a>0\\1-a+2a>1+4a \Rightarrow a<0\end{cases} \Rightarrow \varnothing.$$

a нинг ҳар қандай қийматида ҳам бу кесмалардан учбурчаклар ясаб бўлмайди.

72) [1996_13_39]
Берилган кесмалардан учбурчак ясаш мумкин бўлиши учун уларнинг ихтиёрийси қолган иккитаси йиғиндисидан кичик бўлиши керак:

$$\begin{cases}1+a+1-a>1,5\\1+a+1,5>1-a\\1-a+1,5>1+a\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}2>1,5\\a+2,5>1-a\\2,5-a>1+a\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}2>1,5\\2a>1-2,5\\-2a>1-2,5\end{cases} \Rightarrow$$

$$\Rightarrow \begin{cases}a>-1,5:2\\a<-1,5:(-2)\end{cases} \Rightarrow a\in(-0,75;\ 0,75).$$

73) [2005_01_274]
Учбурчак тенгсизлиги $a+b>c$ га кўра $|a-b|<c<a+b$. У ҳолда $18-12<x<18+12$ дан $6<x<30$ ёки $x\in(6;\ 30)$. Ундан

$$\frac{18+12x}{2}\in\left(\frac{18+12+6}{2};\ \frac{18+12+30}{2}\right)=(18;\ 30).$$

74) [1998_04_42]
a, b ва c кесмалардан учбурчак ясаш мумкин бўлиши учун $a+b>c$; $a+c>b$; $b+c>a$ тенгсизликлар бир вақтда бажарилиши керак. Агар кесмалардан бири 1 га тенг бўлса, у ҳолда бу тенгликлардан ҳеч бўлмаганда бири бажарилмайди. Қолган 4 та кесмалардан учтадан олиб, юқоридаги тенгсизликларни текширамиз:
3; 5; 7 бажарилади;
3; 5; 9 бажарилмайди, чунки (3+5<9);
3; 7; 9 бажарилади;
5; 7; 9 бажарилади.
Жавоб: 3.

75) [1997_07_64]
a, b ва c кесмалардан учбурчак ясаш мумкин бўлиши учун $a+b>c$; $a+c>b$; $b+c>a$ тенгсизликлар бир вақтда бажарилиши керак. a ва b нинг масалада берилган қийматларини қўйиб, тенгсизликлар тузамиз ва уларни ечамиз: $\begin{cases}0,8+c>1,9\\0,8+1,9>c\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}c>1,1\\c<2,7\end{cases} \Rightarrow 1,1<c<2,7 \Rightarrow c=2.$

76) [1997_09_57]
a, b ва c кесмалардан учбурчак ясаш мумкин бўлиши учун $a+b>c$; $a+c>b$; $b+c>a$ тенгсизликлар бир вақтда бажарилиши керак. a ва b нинг тестда берилган қийматларини қўйиб, тенгсизликлар тузамиз ва уларни ечамиз: $7,9-0,5<c<7,9+0,5$; $\Rightarrow 7,4<c<8,4$. Жавоб: 8.

77) [2000_08_66]
Узунликлари $a\le b\le c$ бўлган кесмалардан $a+b>c$ шарт бажарилганда, учбурчак ясаш мумкин. Периметри 15 га тенг бўлиб, томонлари бутун сон бўлган учбурчаклар 4, 4, 7; 3, 5, 7; 4, 5, 6; 3, 6, 6 ва 5, 5, 5. Тўғри жавоб йўқ.

78) [2003_02_44]
Учбурчакнинг ўткир бурчакли бўлиш шарти $a^2+b^2>c^2$ (c – энг катта томон) ни текширамиз. Бу шарт фақат томонлари 5, 6, 7 бўлган учбурчак учун бажарилади: $5^2+6^2=25+36=61>49=7^2$.

79) [2004_01_491]
Олдинги тест ечимига қаранг.

80) [2003_01_41]
5 та кесмадан 3 тасини $C_5^3=\dfrac{5\cdot4\cdot3}{1\cdot2\cdot3}=\dfrac{20}{2}=10$ хил усулда танлаб олиш мумкин. Улардан биттаси: 3; 4; 7 дан учбурчак ясаб бўлмайди. Қолганларини ўтмас бурчакли учбурчак шарти $a^2+b^2<c^2$ (бу ерда c – энг катта томон) нинг бажарилишига текширамиз. Улардан 5 таси: (3; 4; 6); (3; 5; 6); (3; 5; 7) ва (4; 5; 7) лар учун бу шарт бажарилади, қолган 4 таси (3; 4; 5); (4; 5; 6); (4; 6; 7) ва (5; 6; 7) лар учун бу шарт бажарилмайди.

81) [1998_12_87]
Ўткир бурчакли учбурчак учун $a^2+b^2>c^2$. $b=a+4$; $c=b+4=a+8$ десак, $a^2+(a+4)^2>(a+8)^2 \Rightarrow$
$a^2+a^2+8a+16>a^2+16a+64 \Rightarrow a^2-8a-48>0 \Rightarrow$
$\Rightarrow (a-12)(a+4)>0 \Rightarrow a>12$. Демак, $a=13$.



82) [2004_01_482]
Олдинги тест ечимига каранг.

83) [1998_04_44]
Ўтмас бурчакли учбурчакда $c^2>a^2+b^2$. $b=a+5$; $c=b+5=a+10$ десак, у холда $(a+10)^2>a^2+(a+5)^2=>$ $=> a^2+20a+100>a^2+a^2+10a+25=>a^2-10a-75<0=>$ $=>(a-15)(a+5)<0=> a\in(-5;\ 15)$. Демак, $a=14$.

84) [2004_01_481]
Олдинги тест ечимига каранг.

85) [1997_05_43]
Тест шартига кўра,
$x+2x+3x=180°=>6x=180°=>x=180°:6=30°=>$
$=> \angle B=2x=2\cdot 30°=60°$.

86) [1997_09_43]
Тест шартига кўра, $\begin{cases}\alpha=5k\\ \beta=6k\\ \gamma=7k\end{cases}$. Бундан $\alpha+\beta+\gamma=180°=>$
$=>5k+6k+7k=180°=>18k=180°=>k=10°=>7k=70°$.

87) [1999_06_3]
Учбурчакнинг бир бурчаги $2x$ десак, колганлари $3x$ ва $10x$ бўлади. У ҳолда $x+3x+10x=180°$ дан $x=180°:15=12°$, $2x=24°$, $3x=36°$; $10x=120°$.

88) [2001_02_39]
Шартга кўра, $\alpha=20°$; $\beta=20°+d$; $\gamma=\beta+d=\alpha+2d=$ $=20°+2d$. $\alpha+\beta+\gamma=180°$ дан $20°+20°+d+20°+$ $+2d=180°$. Ундан $3d=180°-60°$ ёки $d=120°:3=$ $=40°$. Демак, $\gamma=20°+2d=20°+2\cdot 40°=100°$.

89) [1996_07_36]
Тест шартига кўра,
$x+2x+x+40=180=>4x=140=>x=35°$; $2x=2\cdot 35°=70°$.
$x+40=35+40=75°$.

90) [1997_10_36]
Учбурчак бурчакларини α, β, γ билан белгилайлик. У ҳолда $\alpha=2x$; $\beta=3x$; $\gamma=3x-60$.
$\alpha+\beta+\gamma=180$ лигидан $2x+3x+3x-60=180=>$
$=>8x=240=>x=30°$; $3x-60=90-60=30°$. Жавоб: 30°.

91) [1997_03_36]
Тест шартига кўра,
$3x+4x+4x+4=180$; $11x=180-4$; $11x=176$.
$x=176:11=16$; $4x+4=4\cdot 16+4=68°$.

92) [1997_07_36]
Учбурчак бурчакларидан бири $5x$ десак, колганлари $9x$ ва $5x-10$ га тенг бўлади. У ҳолда
$5x+9x+5x-10°=180°=>19x=180°+10°=>$
$x=190°:19=10°$. $5x-10°=5\cdot10°-10°=40°$.

93) [1996_06_18]
$\angle A=180°-120°=60°$; $\angle C=80°$;
$\angle B=180°-\angle A-\angle C=180°-60°-80°=40°$;
$\angle ACD=180°-\angle B=180°-40°=140°$.



94) [1998_02_45]
Учбурчакнинг иккита ички бурчаги йиғиндисини топамиз: $\alpha+\beta=360°-240°=120°$. У ҳолда $\gamma=180°-$ $-(\alpha+\beta)==180°-120°=60°$ га тенг бўлади.

95) [2000_06_34]
Учбурчакнинг ташқи бурчаклари йиғиндиси 360° га тенг. Демак, учинчи бурчак $360°-(120°+160°)=$ $=360°-280°=80°$.

96) [2000_03_73]
Учбурчакнинг бир учидаги ички ва ташқи бурчаклари ўзаро қўшни бурчаклар ва учбурчакнинг учинчи ички бурчаги $180°-108°=72°$. Ички бурчаклардан бири $5x$ бўлса, иккинчиси $4x$ бўлади. $5x+4x+72°=180°$ дан $9x=180°-72°$ ёки $x=108°:9=12°$. Демак, $4x=4\cdot 12°=48°$.

97) [2001_08_36]
Учбурчакнинг бурчакларидан бири α десак, $\beta=\alpha+30°$ ва $\gamma=180°-120°=60°$ бўлади. $\alpha+\beta+\gamma=$ $=180°$ дан $\alpha+\alpha+30°+60°=180°$ ёки $\alpha=90°:2=$ $=45°$, $\beta=\alpha+30°=45°+30°=75°$.

98) [2003_02_45]
Тест шартига кўра, $2\alpha+2\beta=70$. Ундан $\alpha+\beta=35°$. $\alpha+\beta+\gamma=180°$ дан $\gamma=180-(\alpha+\beta)=180-35=145°$. У ҳолда $\gamma+\varepsilon=180°$ дан $\varepsilon=180-\gamma=180-145=35°$, бу ерда γ ва ε бир учдаги ички ва ташқи бурчаклар.

99) [2002_08_23]
Биссектрисалар кесишишидан ҳосил бўлган бурчаклардан каттаси $180°-40°=140°$. AOB учбурчакдан (O – биссектрисаларнинг кесишиш нуқтаси) $\frac{A}{2}+\frac{B}{2}+140°=180°$. Ундан $\frac{A+B}{2}=180°-140°=40°$ ёки $A+B=80°$. У ҳолда $C=180°-(A+B)=$ $=180°-80°=100°$.



100) [2001_08_38]
$\frac{B}{2}+\frac{C}{2}+128°=180°$ дан $\frac{B+C}{2}=180°-128°$ ёки $B+C=52°\cdot 2=104°$. У ҳолда $A=180°-(B+C)=$ $=180°-104°=76°$.

101) [1996_12_35]
Учбурчак α, β, γ бурчаклари йиғиндиси $\alpha+\beta+\gamma=180°$ бўлганлиги учун

$$cos\gamma = cos(180° - (\alpha+\beta)) = -cos(\alpha+\beta) = -\frac{1}{2}.$$

102) [1996_11_57]
Учбурчак α, β, γ бурчаклари йиғиндиси $\alpha+\beta+\gamma=180°$ бўлганлиги учун

$$cos\gamma = cos(180° - (\alpha+\beta)) = -cos(\alpha+\beta) = -\frac{1}{4}.$$

103) [1996_03_55]
Учбурчак α, β, γ бурчаклари йиғиндиси $\alpha+\beta+\gamma=180°$ бўлганлиги учун

$$cos\gamma = cos(180° - (\alpha+\beta)) = -cos(\alpha+\beta) = -\frac{1}{3}.$$

104) [1997_04_46]
Учбурчак α, β, γ бурчаклари йиғиндиси $\alpha+\beta+\gamma=180°$ бўлганлиги учун

$$sin\gamma = sin(180° - (\alpha+\beta)) = sin(\alpha+\beta) = \frac{1}{3}.$$

105) [1997_09_106]
Учбурчак α, β, γ бурчаклари <u>йиғиндиси</u> $\alpha+\beta+\gamma=180°$ бўлганлиги учун $ctg(\alpha+\beta)=\frac{1}{6}$ лигидан $ctg\gamma=ctg(180-$ $-(\alpha+\beta))=-ctg(\alpha+\beta)=-\frac{1}{6}$. Жавоб: $-\frac{1}{6}$.

106) [2000_08_62]
$A+B=180°-C$ дан $sin\frac{A+B}{2}=sin\frac{180°-C}{2}=$ $=sin(90°-\frac{C}{2})=cos\frac{C}{2}$.

107) [2002_06_54].
Икки синус йиғиндиси формуласига кўра, $sin\alpha+sin\beta=2sin\frac{\alpha+\beta}{2}cos\frac{\alpha-\beta}{2}$. Уни $\sqrt{2}cos\frac{\alpha-\beta}{2}$ билан солиштириб, $2sin\frac{\alpha+\beta}{2}=\sqrt{2}$ га эга бўламиз.
Ундан $\frac{\alpha+\beta}{2}=arcsin\frac{\sqrt{2}}{2}=45°$ ёки $\alpha+\beta=2\cdot45°=90°$.
Ундан $\gamma=180°-(\alpha+\beta)=180°-90°=90°$.

109) [2000_02_39]
$\angle A=60°$ дан $B+C=180°-60°=120°$. $AB>BC$ дан $A<C$ ёки $C>60°$. У холда $B=120°-C<120°-$ $-60°=60°$ ва $B>0$. Жавоб: $0<B<60°$.

109) [2000_05_52]
$\gamma=\alpha+\beta=90°$ шарт бажарилганда, учбурчак тўғри бурчакли, $\gamma>\alpha+\beta$ да учбурчак ўтмас бурчакли, $\gamma<\alpha+\beta$; $\alpha<\beta+\gamma$, $\beta<\alpha+\gamma$ шартлар бажарилганда учбурчак ўткир бурчакли бўлади.

110) [1998_07_47]
Тест шартига кўра, ўхшашлик коэффициенти $k=2\sqrt{3}$ га тенг. У холда юзалар нисбати $k^2=(2\sqrt{3})^2=4\cdot3=12$ га тенг бўлади. Жавоб: 12.

111) [1998_12_47]
Юзалар нисбатидан ўхшашлик коэффициентини топамиз: $k^2=\frac{S_2}{S_1}=\frac{9S_1}{S_1}=9 => k=3$. У холда узунлиги 3 га тенг томонга мос келувчи томон узунлиги $3k=3\cdot3=9$ га тенг.

112) [1998_07_45]
Учбурчакнинг ўрта чизиклари унинг томонларидан 2 марта кичик бўлгани учун бу учбурчакларнинг ўхшашлик коэффициенти $k=2$ бўлади. У холда берилган учбурчак периметри: $P_2=2P_1=2\cdot65=130$.



113) [1997_04_44]
Хар гал хосил бўлаётган учбурчак олдингисига ўхшаш бўлиб, ўхшашлик коэффициенти 2 га тенг бўлади:
$p_1=1$; $p_2=2\cdot p_1=2$; $p_3=2p_2=2\cdot2=4$; $p_4=2p_3=2\cdot4=8$.



114) [2002_02_40]
Катта учбурчакнинг катта томони узунлиги $13x$ десак, кичик учбурчакнинг катта томони $11x$, улар айирмаси $13x-11x=2x=1$ бўлади. Ундан $x=0,5$ ва $13x=13\cdot0,5=6,5$.

115) [1996_07_46]
Учбурчакларнинг юзлари нисбатидан ўхшашлик коэффициентини топамиз.
$k^2=\frac{S_2}{S_1}=\frac{24}{6}=4$, бундан $k=2$.

$k=\frac{P_2}{P_1}$ дан $P_2=2P_1$ ва тест шартига кўра, $P_2=P_1+6$ ёки $2P_1=P_1+6$. Демак, $P_1=6$ ва $P_2=2\cdot6=12$.

116) [1997_03_46]
Периметрлар нисбатидан ўхшашлик коэффициентини, сўнгра юзалар нисбатини топамиз: $k=\frac{P_1}{P_2}=\frac{36}{24}=1,5$.

$\frac{S_1}{S_2}=k^2=2,25 => S_1=2,25S_2$. Тест шартига кўра,
$S_1-S_2=2,25S_2-S_2=1,25S_2=10=>S_2=10:1,25=8$.

117) [1997_07_46]
Периметрлар нисбатидан ўхшашлик коэффициентини, сўнгра юзалар нисбатини топамиз:
$k=\frac{p_2}{p_1}=\frac{36}{18}=2$. $\frac{S_2}{S_1}=k^2=2^2=4 => S_2=4S_1$
Тест шартига кўра, $S_2+S_1=S_1+4S_1=5S_1=30=>S_1=6$.

$S_2=30-S_1=30-6=24$.

118) [1997_10_46]

Юзалар нисбатидан ўхшашлик коэффициентини топамиз: $k^2=\frac{S_2}{S_1}=\frac{32}{8}=4$, бундан $k=2$.

Тест шартига кўра, $P_1+P_2=P_1+kP_1=P_1\cdot(1+2)=3P_1=48$ ёки $P_1=48:3=16$. Жавоб: 16.

119) [1998_12_102]



Тест шартига кўра, (S_2 – катта учбурчак юзи),

$$k^2=\frac{S_2}{S_1}=\frac{2}{1}=2 => k=\sqrt{2} => \frac{a_2+a_1}{a_1}=\sqrt{2} =>$$

$$=> \frac{a_2}{a_1}+1=\sqrt{2} => \frac{a_2}{a_1}=(\sqrt{2}-1):1.$$

120) [1999_07_35]

ABC ва DBE учбурчаклар ўхшаш бўлиб, ўхшашлик коэффициенти $k=\frac{AC}{DE}=\frac{6}{2}=3$. У ҳолда $k=\frac{AB}{DB}$ дан $AB=k\cdot DB=3\cdot3=9$.

121) [1997_04_54]

Тест шартидан фойдаланиб, аввал ўхшашлик коэффициентини, сўнгра юзалар нисбатини топамиз:

$$k=\frac{AB}{BD}=\frac{AB}{AB-AD}=\frac{8}{8-2}=\frac{8}{6}=\frac{4}{3}.$$

$$\frac{S_1}{S_2}=k^2=\left(\frac{4}{3}\right)^2=\frac{16}{9}=1\frac{7}{9}.$$

122) [1997_12_38]

Ўхшашлик коэффициенти k га тенг бўлган учбурчакнинг юзлари нисбати k^2 га тенглигидан: $P_{MBN}=42$; $P_{ABC}=84$; $S_{MBN}=27$.

$$\frac{S_{ABC}}{S_{MBN}}=\left(\frac{P_{ABC}}{P_{MBN}}\right)^2. \quad \frac{S}{27}=\left(\frac{84}{42}\right)^2. \quad S=27\cdot4=108.$$

Жавоб: 108.

123) [1997_02_39]

Ўхшашлик коэффициенти k га тенг бўлган учбурчакларнинг юзлари нисбати k^2 га тенглигидан:

$$k=\frac{P_{ABC}}{P_{MBN}}=\frac{3}{1}; \ S_{ABC}=144;$$

$$\frac{S_{ABC}}{S_{MBN}}=\left(\frac{P_{ABC}}{P_{MBN}}\right)^2 => \frac{144}{S_{MBN}}=\frac{9}{1} => S_{MBN}=\frac{144}{9}=16.$$

Жавоб: 16.

124) [2005_01_316]

Олдинги тест ечимига қаранг. Жавоб: 32.

125) [2001_08_44]

Учбурчаклар ўхшаш бўлиб, ўхшашлик коэффициенти $k=\frac{5+3}{5}=\frac{8}{5}$. Юзлар нисбати k^2 каби бўлиб, ундан $S=k^2S_1$. Иккинчи бўлак юзи $S_2=S-S_1=k^2S_1-S_1=(k^2-1)S_1$ бўлиб, тест шартига кўра, $S_2-S_1=(k^2-1)S_1-S_1=(k^2-2)S_1=56$. Ундан $((\frac{8}{5})^2-2)S_1=56$, $(\frac{64}{25}-2)S_1=56$, $\frac{14}{25}S_1=56$,

$S_1=56\cdot\frac{25}{14}=4\cdot25=100$. У ҳолда берилган учбурчак юзи $S=k^2\cdot S_1=\frac{8^2}{5^2}\cdot100=\frac{64}{25}\cdot100=64\cdot4=256$.

126) [2004_01_561]

Олдинги тест ечимига қаранг.

127) [1997_09_108]

$ABCD$ квадратнинг BD диагонали AFE учбурчакнинг ўрта чизиги, демак $S_{AFE}=4S_{ABD}=2S_{ABCD}=2\cdot3=6$.

128) [1998_02_46]

Квадратнинг бир учи гипотенузанинг ўртасида ётишидан учбурчак тенг ёнли эканлиги келиб чиқади. Квадратнинг томонини a билан белгиласак, учбурчак катетлари $2a$ га тенг бўлади ва Пифагор теоремасига кўра, $(2a)^2+(2a)^2=c^2=>8a^2=24^2\cdot2=>a^2=12^2=>a=12$. $P=4a=4\cdot12=48$.

129) [2002_07_14]

Учбурчак ичига чизилган квадрат томони a га тенг бўлсин. Квадрат ёнидаги учбурчак ҳам тўғри бурчакли бўлиб, унинг катетлари $6-a$ ва a га тенг бўлади. Бу учбурчак берилган учбурчакка ўхшаш, шу сабабли $\frac{6-a}{a}=\frac{6}{3}$. Ундан $3(6-a)=6a$, $9a=18, a=2$. У ҳолда квадрат периметри $P=4a=4\cdot2=8$.



130) [1998_10_25]

Аввал ўхшашлик коэффициентини, сўнгра ундан фойдаланиб, иккинчи учбурчак юзини топамиз: $AB:BM=(2+4):2=6:2=3=>S_2=3^2\cdot S_1=9\cdot16=144$.

131) [1998_12_45]

Берилган учбурчакдан 4 марта кичик учбурчак периметри 48:4=12 га тенг. Бундай учбурчаклардан катта учбурчак ичида 6 та бор. Уларнинг периметри $6\cdot12=72$ га тенг.

132) [1999_04_44]

Ўтказилган тўғри чизиқлар натижасида ўхшаш учбурчаклар ҳосил бўлади. Уларнинг томонлари нисбати $2:(2+3):(2+3+4)=2:5:9$ каби, юзлари нисбати $2^2:5^2:9^2=4:25:81$ каби нисбатда бўлади. Энг кичик учбурчак юзи $4S$ десак, иккинчи учбурчак юзи $25S$; учинчиси юзи $81S$ га тенг бўлади. У ҳолда биринчи трапеция юзи $25S-4S=21S$, иккинчи трапеция юзи $81S-25S=56S$ га тенг бўлади. Демак, ҳосил бўлган фигуралар юзларининг нисбати $4:21:56$ каби бўлади.



133) [2001_04_9]
Берилган учбурчак ва ҳосил бўлган учбурчаклар ўзаро ўхшаш бўлиб, уларнинг мос томонларининг нисбати $\sqrt{3}:\sqrt{12}:\sqrt{27}=\sqrt{3}:2\sqrt{3}:3\sqrt{3}=1:2:3.$ У ҳолда берилган учбурчакнинг мос томони $a=a_1+a_2+a_3=a_1+2a_1+3a_1=6a_1$ бўлиб, унинг юзи $S=6^2\cdot S=36\cdot 3=108.$



134) [2003_10_57]
Учбурчак периметри $P=20+20+30=70$ м бўлиб, учбурчакни ўраш учун 70:5=14 та устун керак.

135) [2004_01_463]
Олдинги тест ечимига каранг.

136) [1996_07_37]
Берилган учбурчакни баландлик билан бўлиш натижасида ҳосил бўлган иккита учбурчакларнинг периметрлари қўшилганда дастлабки учбурчакнинг периметри ва баландлик узунлигининг иккилангани йиғиндиси келиб чиқади:
$2h=(14+18-24)=32-24=8;$ h=8:2=4.



137) [1997_03_37]
Берилган учбурчакни биссектриса билан бўлиш натижасида ҳосил бўлган учбурчакларнинг периметрлари қўшилганда дастлабки учбурчакнинг периметри ва биссектриса узунлигининг иккилангани йиғиндиси келиб чиқади: $a+b+c=30$

$$\left.\begin{array}{l}a+l+c_a=16\\ b+l+c_b=24\end{array}\right\} \Rightarrow a+b+2l+c_a+c_b=40 \Rightarrow 2l=40-$$
$$-(a+b+c)=40-30=10.\ l=10:2=5.$$



138) [1997_07_37]
Берилган учбурчакни медиана билан бўлиш натажасида ҳосил бўлган иккита учбурчакларнинг периметрлари қўшилганда дастлабки учбурчакнинг периметри ва медиана узунлигининг иккилангани йиғиндиси келиб чиқади:

$$\begin{cases}a+m+c=18 & a=6 \Rightarrow m+c=18-a=18-6=12.\\ b+m+c=24 & b=24-(m+c)=24-12=12.\end{cases}$$



139) [1997_10_37]
Берилган учбурчакни баландлик билан бўлиш натижасида ҳосил бўлган иккита учбурчакларнинг периметрлари қўшилганда дастлабки учбурчакнинг периметри ва баландлик узунлигининг иккилангани йиғиндиси келиб чиқади. $x+y=c$ десак,

$$\begin{cases}a+h+x=18\\ b+h+y=26\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}a+x=13\\ b+y=21\end{cases} \Rightarrow a+b+(x+y)=34;$$

$a+b+c=34.$
Жавоб: 34.

140) [2003_06_75]
$P_{ABC}=AB+BC+CA=AB+BD+AD+BC+CD+BD-$
$-2BD=P_{ABD}+P_{BCD}-2BD=16+23-2\cdot 4=39-8=31.$



141) [1999_04_35]
$\angle CAD=\angle ACD$ лигидан $AD=CD$. У ҳолда
$P_{ABC}-P_{ABD}=(AB+BC+AC)-(AB+BD+AD)=$
$=(AB+BC+AC)-(AB+BD+DC)=$
$=(AB+BC+AC)-(AB+BC)=AC.$
Демак, $AC=37-24=13.$



142) [2003_05_25]
Учбурчак тенгсизлиги $a+b>c$ га кўра $|a-b|<c<a+b.$ У ҳолда $15-9<x<15+9$ дан $6<x<24$ ёки $x\in(6;\ 24).$ Ундан $P=9+15+x=$

$= 24 + x \in (30;\ 48)$ ва $p = \frac{P}{2} \in (15;\ 24)$.

143) [1996_13_36]
Синуслар теоремасига кўра,
$$\frac{\sqrt{2}}{sin30^\circ} = \frac{x}{sin45^\circ} => \frac{\sqrt{2}}{1/2} = \frac{x}{\sqrt{2}/2} => \frac{\sqrt{2}}{1} = \frac{x}{\sqrt{2}} =>$$
$$=> x = \frac{\sqrt{2}\cdot\sqrt{2}}{1} = 2.$$

144) [1998_10_48]
Синуслар теоремасига кўра,
$$\frac{c}{sinC} = \frac{a}{sinA} => c = \frac{sinC}{sinA}\cdot a = \frac{sin30^\circ}{sin45^\circ}\cdot 12\sqrt{2} =$$
$$= \frac{1}{2}\cdot\sqrt{2}\cdot 14\sqrt{2} = 14.$$

145) [1997_06_33]
Учбурчакнинг катта бурчагини топамиз:
$2x+3x+x=180=>6x=180=>x=180:6=30^\circ$; $3x = 3\cdot 30^\circ = 90^\circ$.
Синуслар теоремасидан фойдаланиб, учбурчакнинг катта томонини топамиз:
$$\frac{c}{sin90^\circ} = \frac{a}{sin30^\circ} => c = \frac{sin90^\circ}{sin30^\circ}\cdot a = \frac{1}{1/2}\cdot 5 = 2\cdot 5 = 10.$$

146) [2002_04_49]
Синуслар теоремасига кўра, $\frac{c}{sin\gamma} = \frac{a}{sin\alpha}$. Ундан $\frac{c}{a} = \frac{sin\gamma}{sin\alpha}$. $\alpha + \beta + \alpha = \alpha + 2\alpha + 3\alpha = 6\alpha = 180^\circ$ дан $\alpha = 30^\circ$; $\gamma = 3\alpha = 90^\circ$. У ҳолда $\frac{c}{a} = \frac{sin90^\circ}{sin30^\circ} = \frac{1}{0,5} = 2.$

147) [1997_06_75]
Учбурчакнинг учинчи бурчаги 180–(103+47)=180–150=30° га тенг. Синуслар теоремасига кўра,
$$\frac{17}{sin30^o} = 2R => \frac{17}{0,5} = 2R = 2R = 2\cdot 17 => R = 17.$$

148) [1997_01_71]
Учбурчакнинг учинчи бурчаги 180–(105+45)= =180–150=30° га тенг. Синуслар теоремасига кўра,
$$\frac{10}{sin30^o} = 2R => \frac{10}{0,5} = 2R => 2R = 2\cdot 10 => R = 10.$$

149) [1997_07_39]
Учбурчакнинг учинчи бурчагини топамиз:
$\alpha=45^\circ$; $\beta=75^\circ$ $\gamma=180^\circ-(\alpha+\beta)=180^\circ-(45^\circ-75^\circ)=$
$=180^\circ-120^\circ=60^\circ$.
Синуслар теоремасидан ташқи чизилган айлана радиусини топамиз:
$$\frac{b}{sin\beta} = 2R => R = \frac{b}{2sin\beta} = \frac{3\sqrt{3}}{\frac{2\sqrt{3}}{2}} = \frac{3\sqrt{3}}{\sqrt{3}} = 3.$$



150) [1997_10_39]
Учбурчакнинг учинчи бурчаги 180–(75+60)= =180–135=45° га тенг. Синуслар теоремасидан ташқи чизилган айлана радиусини топамиз:
$$\frac{2\sqrt{2}}{sin45} = 2R => \frac{2\sqrt{2}}{\frac{\sqrt{2}}{2}} = 2R;\ 2R=4.\ R=2.$$ Жавоб: 2.

151) [2002_04_46]
$\frac{c}{sin150^\circ} = 2R$ дан $c = 2Rsin150^\circ = 2\cdot 1\cdot\frac{1}{2} = 1.$

152) [2002_04_48]
Синуслар теоремасига кўра, $\frac{a}{sin\alpha} = 2R = d$. Ундан $sin\alpha = \frac{a}{d} = \frac{3}{3\sqrt{2}} = \frac{1}{\sqrt{2}}$ ёки $\alpha = arcsin\frac{1}{\sqrt{2}} = 45^\circ.$

153) [2002_04_47]
$$\frac{a}{sin\alpha} = 2R \text{ дан } R = \frac{a}{2sin\alpha} = \frac{\sqrt{2}}{2\cdot sin45^\circ} = \frac{\sqrt{2}}{2\cdot\frac{\sqrt{2}}{2}} = \frac{\sqrt{2}}{\sqrt{2}} =$$
$= 1.$

154) [2001_09_24]
$\alpha = 2x$ десак, $\beta = 3x$, $\gamma = 7x$ дир ва $\alpha + \beta + \gamma = 180^\circ$ дан $2x + 3x + 7x = 180^\circ$, $12x = 180^\circ$ ёки $x = 180:12 = 15^\circ$. Ундан $\alpha = 2x = 30^\circ$; $\beta = 3x = 45^\circ$; $\gamma = 7x = 105^\circ$.
$$\frac{a}{sin\alpha} = 2R \text{ дан } R = \frac{a}{2sin\alpha} = \frac{a}{2\cdot sin30^\circ} = \frac{a}{2\cdot 0,5} = a.$$

155) [2001_11_44]
ABC тўғри бурчакли учбурчакда $\angle A = 180^\circ - 150^\circ = 30^\circ$. $\frac{a}{c} = sinA$ дан $c = \frac{a}{sin30^\circ} = \frac{12,5}{0,5} = 25.$ Тўғри бурчакли учбурчакка ташқи чизилган айлана диаметри гипотенузага тенг. Жавоб: 25.

156) [2002_12_61]
Олдинги тест ечимига қаранг.

157) [1997_01_69]
Учбурчакнинг бурчакларини топиб, унинг тўғри бурчакли эканлигини аниқлаймиз:
$x+2x+3x=180^\circ=>6x=180^\circ=>x=30^\circ=>3x=90^\circ$.
Учбурчак томонларини топамиз:
$$a = 2\sqrt{3} => \frac{a}{c} = sin30^o => c = \frac{a}{sin30^o} = 2a = 4\sqrt{3}.$$
$$b = c\cdot cos30^o = 4\sqrt{3}\cdot\frac{\sqrt{3}}{2} = 6.$$
Учбурчакнинг периметрини топамиз:
$a + b + c = 2\sqrt{3} + 4\sqrt{3} + 6 = 6(1+\sqrt{3})$. Жавоб: $6 + 6\sqrt{3}$.

158) [1997_06_73]
Учбурчакнинг бурчакларини топиб, унинг тўғри бурчакли эканлигини аниқлаймиз:
$x+2x+3x=180^\circ=>6x=180^\circ=>x=30^\circ=>3x=90^\circ$; $2x=60^\circ$.
Учбурчак томонларини топамиз:
$$a = csin30^\circ = 0,5\cdot 4\sqrt{3} = 2\sqrt{3};$$
$$b = ccos30^\circ = \frac{\sqrt{3}}{2}\cdot 4\sqrt{3} = 3\cdot 2 = 6.$$

Учбурчак периметрини топамиз:

$p = a+b+c = 2\sqrt{3}+6+4\sqrt{3} = 6+6\sqrt{3}$.

159) [2001_12_29]

$sin105° = sin(90°+15°) = cos15° = \sqrt{1+cos30°} =$

$= \sqrt{1+\frac{\sqrt{3}}{2}} = \sqrt{\frac{2+\sqrt{3}}{2}}$. $\frac{AB}{sin45°} = \frac{BC}{sin105°}$ дан

$AB = BC\frac{sin45°}{sin105°} = \sqrt{2+\sqrt{3}} : \sqrt{\frac{2+\sqrt{3}}{2}} \cdot \frac{\sqrt{2}}{2} = \sqrt{2}.\frac{\sqrt{2}}{2} = 1.$

160) [2002_11_57]

$\frac{AC}{sinB} = \frac{AB}{sinC}$ да $sinB = \sqrt{1-cos^2B} = \sqrt{1-\frac{1}{9}} = \frac{2\sqrt{2}}{3}$. Ундан $\frac{AC}{2\sqrt{2}/3} = \frac{4}{2/3}$. $AC = 4\cdot\frac{2\sqrt{2}}{3} : \frac{2}{3} = \frac{8\sqrt{2}}{3}\cdot\frac{3}{2} = 4\sqrt{2}.$

161) [1998_08_36]

$sin\alpha = \frac{h}{c} = \frac{BD}{AB}$ эканлигидан фойдаланиб, синуслар теоремасини қўллаймиз:

$\frac{a}{sin\alpha} = 2R \Rightarrow a = 2Rsin\alpha = 2R\frac{h}{c} = 2\cdot5\cdot\frac{4}{5} = 8.$

162) [1999_07_33]

Косинуслар теоремасига кўра,

$AC^2 = AB^2 + BC^2 - 2\cdot AB\cdot BC\cdot cosB =$

$= 3^2+4^2-2\cdot3\cdot4\cdot\frac{2}{3} = 9+16-16 = 9$. Демак, $AC = 3$.

163) [1998_05_33]

Косинуслар теоремасига кўра,

$c^2=a^2+b^2-2abcos\alpha=3^2+6^2-2\cdot3\cdot6cos\alpha=25 \Rightarrow -36cos\alpha=-20$

$\Rightarrow cos\alpha = \frac{20}{36} = \frac{5}{9}$.



164) [1996_03_95]

Косинуслар теоремасидан фойдаланиб, $cos\alpha$ ни топамиз.

$3^2=4^2+2^2-2\cdot2\cdot4cos\alpha \Rightarrow 16cos\alpha=16+4-9=11 \Rightarrow cos\alpha = \frac{11}{16}$.

$sin\alpha$ ни топамиз:

$sin\alpha = \sqrt{1-cos^2\alpha} = \sqrt{1-\frac{121}{256}} = \sqrt{\frac{135}{256}} = \frac{\sqrt{135}}{16}$.

165) [1996_12_95]

Косинуслар теоремасидан фойдаланиб, $cos\alpha$ ни топамиз:

$3^2 = 2^2+4^2-2\cdot2\cdot4\cdot cos\alpha \Rightarrow cos\alpha = \frac{-11}{-16} = \frac{11}{16}$.

$sin\alpha = \sqrt{1-\frac{11^2}{16^2}} = \frac{\sqrt{256-121}}{16} = \frac{\sqrt{135}}{16}$.

Энди $tg\alpha$ ни топамиз: $tg\alpha = \frac{\frac{\sqrt{135}}{16}}{\frac{11}{16}} = \frac{\sqrt{135}}{11}$.

166) [2002_11_58]

Косинуслар теоремасига кўра, $CA^2 = AB^2 + BC^2 - 2AB\cdot BC\cdot cosB$. Ундан $cosB = \frac{CA^2-AB^2-AC^2}{-2AB\cdot BC} =$

$= \frac{8^2-6^2-7^2}{-2\cdot6\cdot7} = \frac{64-36-49}{-84} = \frac{21}{84} = \frac{1}{4}$. У ҳолда

$sinB = \sqrt{1-cos^2B} = \sqrt{1-\frac{1}{16}} = \sqrt{\frac{15}{16}} = \frac{\sqrt{15}}{4}$.

167) [2003_12_81]

Косинуслар теоремасига кўра,

$AB^2 = AC^2 + BC^2 - 2AB\cdot AC\cdot cosC \Rightarrow 2^2 = 3^3 + 4^2 -$

$-2\cdot3\cdot4cosC \Rightarrow cosC = \frac{9+16-4}{24} = \frac{21}{24} = \frac{7}{8}$.

Ундан $sinC = \sqrt{1-cos^2C} = \sqrt{1-\frac{49}{64}} = \sqrt{\frac{64-49}{64}} = \frac{\sqrt{15}}{8}$.

168) [2003_09_53]

$sin^2B + cos^2B = 1$ дан $cosB = -\sqrt{1-sin^2B} = -\sqrt{1-\frac{5^2}{13^2}} =$

$= -\sqrt{\frac{12^2}{13^2}} = -\frac{12}{13}$. Косинуслар теоремасига кўра,

$AC^2 = AB^2 + BC^2 - 2AB\cdot BC\cdot cosB = 13^2 + 2^2 -$

$-2\cdot13\cdot2\cdot(-\frac{12}{13}) = 169+4+4\cdot12 = 221$ ёки $AC = \sqrt{221}$.

169) [1998_05_35]

Ўхшашлик коэффициенти 2 га тенглигидан:

$DE=2 \Rightarrow AC=2DE=2\cdot2=4$; $BC=2BE=2\cdot3=6$;

Косинуслар теоремасига кўра,

$AB^2=AC^2+BC^2-2BC\cdot ACcos\gamma=$

$4^2+6^2-2\cdot4\cdot6\cdot cos60° = 16+36-48\cdot0,5 =$

$= 52-24 = 28.$

$AB = \sqrt{28} = \sqrt{4\cdot7} = 2\sqrt{7}$.



170) [1996_06_40]

Косинуслар теоремасига кўра,

$a^2 = b^2 + c^2 - 2bccos\alpha \Rightarrow -2cos\alpha = 1 \Rightarrow cos\alpha = -\frac{1}{2} \Rightarrow$

$\Rightarrow \alpha = \frac{2\pi}{3} = 120°$.

171) [1997_02_40]

Косинуслар теоремасига кўра,

$m^2 = n^2 + k^2 - 2nk\cdot cos\alpha \Rightarrow \sqrt{2} = -2cos\alpha \Rightarrow$

$\Rightarrow cos\alpha = -\frac{\sqrt{2}}{2} \Rightarrow \alpha=135°.$

172) [1997_08_39]
Косинуслар теоремасига ва тест шартига кўра,

$a^2 = b^2 + c^2 - 2abcos\alpha;\ a^2 = b^2 + c^2 + \sqrt{3}ab \Rightarrow$

$\Rightarrow -2cos\alpha = \sqrt{3} \Rightarrow cos\alpha = -\frac{\sqrt{3}}{2} \Rightarrow \alpha = 150°.$

173) [1997_12_39]
Косинуслар теоремасига ва тест шартига кўра,

$\begin{cases} a^2 = b^2 + c^2 - \sqrt{3}\cdot bc \\ a^2 = b^2 + c^2 - 2bc\cdot cos\alpha \end{cases} \Rightarrow 2cos\alpha = \sqrt{3}$

$cos\alpha = \frac{\sqrt{3}}{2} \Rightarrow \alpha = 30°.$ Жавоб: 30°.

174) [1998_10_27]
Косинуслар теоремасига ва тест шартига кўра,

$\begin{cases} a^2 = b^2 + c^2 - 2bc\cdot cos\alpha \\ a^2 = b^2 + c^2 + bc \end{cases} \Rightarrow -2cos\alpha = 1 \Rightarrow$

$\Rightarrow cos\alpha = -\frac{1}{2} \Rightarrow \alpha = 120°.$

175) [1998_09_50]
Косинуслар теоремасидан γ бурчакни топамиз:

$\alpha=30°;\ a=12;$

$c^2 = a^2 + b^2 - 2abcos\gamma = 144 + b^2 + 12b \Rightarrow$

$\Rightarrow -2\cdot 12\cdot b\cos\gamma = 12b$

$\Rightarrow -2cos\gamma = 1 \Rightarrow cos\gamma = -\frac{1}{2} \Rightarrow \gamma = 120°.$

α ва γ бурчакларни билган ҳолда β ни топамиз:

$\beta=180°-\alpha-\gamma=180°-30°-120°=30°.$

$\alpha=\beta$ дан $a=b$ лиги келиб чиқади (учбурчак тенг ёнли). Буни билган ҳолда косинуслар теоремасидан c ни топамиз:

$b=a=12 \Rightarrow c^2=a^2+a^2+12a=3\cdot 144=3\cdot 12^2 \Rightarrow c=12\sqrt{3}.$



176) [2004_01_483]
Олдинги тест ечимига қаранг.

177) [2003_04_46]
Учбурчак медианасини топиш формуласидан

$m_c = \frac{1}{2}\sqrt{2a^2 + 2b^2 - c^2} = \frac{1}{2}\sqrt{2\cdot 11^2 + 2\cdot 12^2 - 13^2} =$

$= \frac{1}{2}\sqrt{242 + 288 - 169} = \frac{1}{2}\sqrt{361} = \frac{1}{2}\cdot 19 = 9{,}5.$

178) [2005_01_275]
Олдинги тест ечимига қаранг. Жавоб: 8,5.

179) [1998_01_42]
Учбурчакнинг медианасини топиш формуласига кўра,

$m_a = \frac{1}{2}\sqrt{2b^2 + 2c^2 - a^2} = \frac{1}{2}\sqrt{2\cdot 13^2 + 2\cdot 19^2 - 22^2} =$

$= \frac{1}{2}\sqrt{338 + 722 - 484} = \frac{1}{2}\sqrt{576} = \frac{1}{2}\cdot 24 = 12.$

180) [1998_08_42]
Учбурчакнинг медианасини топиш формуласидан фойдаланамиз:

$m_a = \frac{1}{2}\sqrt{2b^2 + 2c^2 - a^2} \Rightarrow 4m_a^2 = 2b^2 + 2c^2 - a^2 \Rightarrow$

$a^2 = 2b^2 + 2c^2 - 4m_a^2 = 2\cdot 11^2 + 2\cdot 23^2 - 4\cdot 10^2 = 1300 -$

$- 400 = 900 \Rightarrow a = 30.$

181) [2001_07_55]

$4m_a^2 = 2c^2 + 2b^2 - a^2$ формуладан

$a^2 = 2c^2 + 2b^2 - 4m_a^2 = 2\cdot 7^2 + 2\cdot 11^2 - 4\cdot 6^2 =$

$= 98 + 242 - 144 = 196 = 14^2.$ Ундан $a = 14.$

182) [2003_07_61]
Учбурчак медианасини топиш формуласи $m_c = \frac{1}{2}\sqrt{2a^2 + 2b^2 - c^2}$ дан $4m_c^2 = 2a^2 + 2b^2 - c^2$ ёки

$c^2 = 2a^2 + 2b^2 - 4m_c^2 = 2\cdot 7^2 + 2\cdot 11^2 - 4\cdot 6^2 =$

$= 98 + 242 - 144 = 196.$ У ҳолда $c = \sqrt{196} = 14.$

183) [2005_01_270]
Учбурчак медианаси формуласи

$m_c = \frac{1}{2}\sqrt{2a^2 + 2b^2 - c^2}$ дан $4m_c^2 = 2a^2 + 2b^2 - c^2$ ёки

$c^2 = 2a^2 + 2b^2 - 4m_c^2 = 2\cdot 7^2 + 2\cdot 11^2 - 4\cdot 21 =$

$= 98 + 242 - 84 = 256.$ У ҳолда $c = \sqrt{256} = 16.$

184) [2005_01_276]
Учбурчак медианаси формуласи

$m_c = \frac{1}{2}\sqrt{2a^2 + 2b^2 - c^2}$ дан $4m_c^2 = 2a^2 + 2b^2 - c^2$ ёки

$c^2 = 2a^2 + 2b^2 - 4m_c^2 = 2\cdot 7^2 + 2\cdot 11^2 - 4\cdot 7^2 =$

$= 98 + 242 - 196 = 144.$ У ҳолда $c = \sqrt{144} = 12.$

185) [2002_08_25]

$4m_a^2 = 2c^2 + 2b^2 - a^2;\ 4m_b^2 = 2a^2 + 2c^2 - b^2;\ 4m_c^2 =$

$= 2a^2 + 2b^2 - c^2$ ларни қўшиб, $4(m_a^2 + m_b^2 + m_c^2) =$

$= (-a^2 + 2a^2 + 2a^2) + (2b^2 - b^2 + 2b^2) +$

$+ (2c^2 + 2c^2 - c^2) = 3(a^2 + b^2 + c^2)$ га эга бўламиз.

Ундан $m_a^2 + m_b^2 + m_c^2 = \frac{3}{4}(a^2 + b^2 + c^2).$ Жавоб: $\frac{3}{4}.$

186) [2003_12_82]
ABC учбурчакда $\angle A=30°+30°=60°$, $\angle C=45°$. У ҳолда $\angle B=180°-\angle A-\angle C=180°-60°-45°=75°$. ABK учбурчакда $\angle BAK=30°$, $\angle B=75°$. У ҳолда $\angle BKA=180°-\angle BAK-\angle B=180°-30°-75°=75°$. Демак, ABK учбурчак тенг ёнли ва $AB=AK=\frac{13\sqrt{2}}{4}$. ABC учбурчакка синуслар

теоремасини кўллаймиз: $\frac{AB}{sinC}=\frac{BC}{sinA}=>$

$BC=\frac{sinA}{sinC}\cdot AB=\frac{sin60^\circ}{sin45^\circ}\cdot\frac{13\sqrt{2}}{4}=\frac{\sqrt{3}/2}{\sqrt{2}/2}\cdot\frac{13\sqrt{2}}{4}=\frac{13\sqrt{3}}{4}.$



187) [1998_10_82]

Учбурчакнинг биссектрисаси, унинг учинчи томонини икки ён томонига пропорционал бўлакларга ажратишидан фойдаланамиз:

$\frac{AC}{AD}=\frac{BC}{BD}=>\frac{5}{3}=\frac{7}{BD}=>BD=\frac{3\cdot7}{5}=\frac{21}{5}=4{,}2.$

188) [1998_03_35]

Учбурчакнинг биссектрисаси, унинг учинчи томонини икки ён томонига пропорционал бўлакларга ажратиши:

$\frac{AC}{AD}=\frac{BC}{BD}=>\frac{AD}{6}=\frac{BD}{7}$; $BD=\frac{7}{6}AD$;

$AD+BD=18=>AD+\frac{7}{6}AD=18=>$

$=>\frac{13}{6}AD=8=>AD=\frac{6\cdot8}{13}=\frac{48}{13}.$

189) [2001_12_6]

Учбурчак учининг биссектрисаси унинг асосини ён томонларига пропорционал бўлакларга ажратади. Бу бўлаклар тенг бўлса, ён томонлар a ва b лар ҳам тенг бўлади. У ҳолда $\frac{a^2+b^2}{ab}=\frac{a^2+a^2}{a^2}=2.$

190) [2000_02_35]

a ва b томонлар орасидаги бурчак биссектрисаси $c=40$ томонни $a:b=2:3$ нисбатда бўлади. Улардан биринчисини $2x$ десак, иккинчиси $3x$ бўлади ва $2x+3x=40$ дан $x=40:5=8$ ва $3x=3\cdot8=24$.

191) [199[illegible]_08_43]

Узунлиги 12 бўлган томонни 6:9 нисбатда бўламиз: $6x+9x=12$ дан $x=12:15=0{,}8$ ва $9x=9\cdot0{,}8=7{,}2$.

192) [2001_01_52]

$AC=28+12=40$ бўлиб, $AB:BC=28:12=7:3$. Ундан $AB-BC=AB-\frac{3}{7}AB=\frac{4}{7}AB=18$ ва $AB=\frac{7}{4}\cdot18=$

$=31{,}5$. $BC=\frac{3}{7}\cdot31{,}5=3\cdot4{,}5=13{,}5$. $P=AB+BC+CA=$

$=31{,}5+13{,}5+40=85.$

193) [2003_11_31]

Учбурчак биссектрисаси карши томонни ён томонларига пропорционал бўлакларга ажратади. Ундан $\frac{AB}{AC}=\frac{9}{12}$ ёки $AB=\frac{3}{4}AC$. У ҳолда $AC-AB=4$ дан $AC-\frac{3}{4}AC=4=>\frac{1}{4}AC=4=>AC=4\cdot4=16$ ва $AB=\frac{3}{4}AC=\frac{3}{4}\cdot16=12.$ Учбурчак периметри $P=16+12+12+9=49.$

194) [2002_07_37]

$l=\frac{2a\cdot b}{a+b}cos\frac{\gamma}{2}=\frac{2\cdot9\cdot12}{9+12}\cdot cos45^\circ=\frac{2\cdot108}{21}\cdot\frac{\sqrt{2}}{2}=\frac{36}{7}\sqrt{2}.$

195) [2002_10_34]

Учбурчакнинг биссектрисаси карама-карши томонни ён томонларига пропорционал бўлакларга ажратади. Улардан бирини $3x$ десак, иккинчиси $4x$ бўлади. Биссектриса ажратган учбурчакларнинг баландликлари бир хил бўлгани учун бу учбурчакларнинг юзалари ҳам 3:4 нисбатда бўлади. $3S+4S=5$ дан $S=5/7$, $3S=15/7$, $4S=20/7$.

196) [1996_01_47]

Учбурчакнинг b томонига туширилган баландлик $h=asin\alpha$ га тенг бўлади. Шунинг учун учбурчак юзи $S=\frac{1}{2}bh=\frac{1}{2}basin\alpha$ га тенг.



197) [1996_03_47]

Учбурчакнинг баландлигини топамиз:

$h=AB\cdot sin45^\circ=5\cdot\frac{\sqrt{2}}{2}=\frac{5\sqrt{2}}{2}.$

Топилган баландликдан фойдаланиб, учбурчак юзини топамиз: $S=\frac{1}{2}AC\cdot h=\frac{1}{2}\cdot10\cdot\frac{5\sqrt{2}}{2}=\frac{50\sqrt{2}}{4}=\frac{25\sqrt{2}}{2}.$



198) [1996_11_48]

Учбурчак юзини $S=\frac{1}{2}b\cdot c\cdot sin\alpha$ формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз: $S=\frac{1}{2}AC\cdot h=$

$=\frac{1}{2}\cdot AC\cdot AB\cdot sinA=\frac{1}{2}\cdot5\cdot4\cdot sin45^\circ=10\cdot\frac{\sqrt{2}}{2}=5\sqrt{2}.$

199) [1996_12_50]

Учбурчак юзини $S=\frac{1}{2}b\cdot c\cdot\sin\alpha$ формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз: $S_{ABC}=\frac{1}{2}AB\cdot AC\cdot sinA=$

$=\frac{1}{2}\cdot3\cdot6\cdot sin45^\circ=9\cdot\frac{\sqrt{2}}{2}=\frac{9\cdot\sqrt{2}}{2}.$

200) [1997_12_37]
Учбурчак юзини ҳисоблаш формуласи $2S = b \cdot c \cdot sin\varphi$ га кўра, $2 \cdot 6 = 3 \cdot 8 \cdot sin\varphi \Rightarrow sin\varphi = \frac{12}{24} = \frac{1}{2} \Rightarrow \varphi = 30°$, $\varphi = 150°$.

201) [2000_02_36]
Учбурчак юзини топиш формуласи $S = \frac{1}{2} AB \cdot AC \cdot sinA$ га кўра, $S = \frac{1}{2} \cdot 5 \cdot 12 \cdot sinA = 30sinA = 15$. Ундан $sinA = = \frac{15}{30} = \frac{1}{2}$ ва $\angle A = 30°$.

202) [1997_04_55]
Юзалар фарқини ҳисоблаймиз:
$\Delta S = S_1 - S_0 = \frac{1}{2} a_1 h_1 - \frac{1}{2} a_0 h_0 = \frac{1}{2} \cdot \frac{120}{100} a_0 \cdot \frac{80}{100} h_0 - \frac{1}{2} a_0 h_0 = = \frac{1}{2} \cdot 1{,}2 \cdot 0{,}8 a_0 h_0 - \frac{1}{2} a_0 h_0 = \frac{1}{2} a_0 h_0 (0{,}96 - 1) = -0{,}04 S_0$.
Жавоб: 4% камаяди.

203) [2001_03_9]
ABC ва ABD учбурчакларнинг AB асоси бир хил бўлиб, унга туширилган баландликлари нисбати $\frac{AD}{AC} = \frac{AD}{AD + DC} = \frac{1}{1+7} = \frac{1}{8}$ каби нисбатда бўлади. У ҳолда ABD учбурчак юзи ABC никидан 8 марта кичик ва $48 : 8 = 6$ га тенг.

204) [1999_01_49]
BDE учбурчак тўғри бурчакли бўлиб $(4^2 + 3^2 = 16 + 9 = 25 = 5^2)$, юзи $S = \frac{1}{2} \cdot 4 \cdot 3 = 6$. ABC учбурчакнинг асоси BC эса BDE учбурчак асосидан $\frac{BC}{BE} = \frac{3+2}{3} = \frac{5}{2}$ марта, катта бу томонга туширилган баландликлар нисбати $\frac{h_2}{h_1} = \frac{BA}{BD} = \frac{5+4}{5} = \frac{9}{5}$. У ҳолда $S_{ABC} = \frac{9}{5} \cdot \frac{5}{3} \cdot S_{BDE} = \frac{9}{3} \cdot 6 = 18$ ва $ADEC$ тўртбурчак юзи $18 - 6 = 12$.

205) [1999_09_38]
Учбурчакнинг асослари нисбати $\frac{BA}{BM} = \frac{BM + MA}{BM} = = \frac{3+5}{3} = \frac{8}{3}$ каби, бу томонларга туширилган баландликлари нисбати $\frac{BC}{BN} = \frac{BN + NC}{BN} = \frac{4+2}{4} = \frac{6}{4}$ каби. У ҳолда уларнинг юзлари нисбати $\frac{8}{3} \cdot \frac{6}{4} = \frac{48}{12} = \frac{4}{1}$ каби бўлади. Жавоб: 4:1.

206) [1999_03_46]
AKN учбурчак асоси AK узунлиги ABC учбурчак асоси AB нинг $\frac{1}{3}$ қисмини, баландлиги эса $\frac{2}{3}$ қисмини ташкил этади. У ҳолда AKN юзи ABC юзининг $\frac{1}{3} \cdot \frac{2}{3} = \frac{2}{9}$ қисмини ташкил этади ва $18 \cdot \frac{2}{9} = 2 \cdot 2 = 4$ га тенг.

207) [2002_03_58]
Медианалар улар кесишган нуқтада 2:1 нисбатда бўлинади. Шунинг учун C учдан AB томонгача бўлган масофа (баландлик узунлиги) 3 га тенг ва $S = \frac{1}{2} AB \cdot CD = \frac{1}{2} \cdot 8 \cdot 3 = 12$.

208) [2001_05_30]
BCD учбурчакда $\angle C = 45°$, $\angle D = 90°$. У ҳолда $\angle B = 180 - 90 - 45 = 45°$. Ундан $CD = BD = 2$ ва $AD = AC + CD = 2 + 6 = 8$.
$S = \frac{1}{2} b \cdot h = \frac{1}{2} AC \cdot BD = \frac{1}{2} \cdot 6 \cdot 2 = 6$.



209) [1999_10_47]
ACD учбурчак юзи $S_{ACD} = \frac{1}{2} AC \cdot ADsin30° = = \frac{1}{2} \cdot 8 \cdot 6 \cdot \frac{1}{2} = 12$. AD медиана BC томонни тенг иккига бўлади ва шунинг учун $S_{ABC} = 2S_{ACD} = 2 \cdot 12 = 24$.

210) [2000_09_51]
AOD учбурчак асоси AD нинг узунлиги ABC учбурчак асоси AB узунлигидан икки марта, бу томонга туширилган баландлик B учидан туширилган баландликдан уч марта кичик. Демак, ΔABC юзи ΔAOD юзидан 6 марта кичик. У ҳолда $S_{ABC} = 6 \cdot 2{,}8 = 6 \cdot \frac{14}{5} = \frac{84}{5}$. ΔBFC нинг асоси BF эса ΔABC асоси AB дан икки марта кичик ва баландликлари бир хил. Демак, $S_{BFC} = \frac{1}{2} S_{ABC} = \frac{1}{2} \cdot \frac{84}{5} = \frac{42}{5}$.

211) [1999_08_45]
Шартга кўра, $2S = ah_a = bh_b = ch_c = 6h_a = 3h_b = = c\frac{h_a + h_b}{2}$. $6h_a = 3h_b$ дан $h_b = 2h_a$.6 $h_a = c\frac{h_a + h_b}{2}$ дан $6h_a = c\frac{h_a + 2h_a}{2}$ ёки $6h_a = \frac{3}{2} h_a c$. Демак, $c = 6 \cdot \frac{2}{3} = 4$.

212) [1999_04_43]
Синуслар теоремаси $\frac{a}{sin\alpha} = \frac{b}{sin\beta} = \frac{c}{sin\gamma} = 2R$ дан
$a = 2R sin\alpha = 2R\frac{\sqrt{2}}{2} = \sqrt{2}R$; $b = 2R sin\beta = 2R \cdot \frac{\sqrt{3}}{2} = \sqrt{3}R$
У ҳолда $S = \frac{1}{2} a \cdot b sin\gamma = \frac{\sqrt{2}\sqrt{3}}{2} R^2 \cdot sin(180° - 45° -$

$-60°)=\frac{\sqrt{6}}{2}R^2\cdot\sin75°=\frac{\sqrt{6}}{2}R^2\sqrt{\frac{1-\cos150°}{2}}=$

$=\frac{\sqrt{6}}{2}R^2\frac{\sqrt{1+\frac{\sqrt{3}}{2}}}{2}=\frac{\sqrt{6}}{2}\cdot\frac{\sqrt{2+\sqrt{3}}}{2}=\frac{\sqrt{6}\sqrt{2+\sqrt{3}}}{4}R^2=$

$=\frac{\sqrt{12+6\sqrt{3}}}{4}R^2=\frac{\sqrt{3^2+2\cdot3\sqrt{3}+(\sqrt{3})^2}}{4}R^2=$

$=\frac{\sqrt{(2+\sqrt{3})^2}}{4}R^2=\frac{3+\sqrt{3}}{4}R^2.$

213) [2004_01_551]
Олдинги тест ечимига каранг.

214) [2003_06_73]
$\alpha+\beta+\gamma=180°$ дан $\alpha=180-\beta-\gamma=180-30-45=$ $=105°$. Синуслар теоремасига кўра, $\frac{a}{\sin\alpha}=\frac{b}{\sin\beta}$.

Ундан $b=\frac{a\sin\beta}{\sin\alpha}=a\frac{\sin30°}{\sin105°}$. $\sin105°=\cos15°=$

$=\sqrt{\frac{1+\cos30°}{2}}=\sqrt{\frac{1+\frac{\sqrt{3}}{2}}{2}}=\frac{\sqrt{2+\sqrt{3}}}{2}$ лигидан

$b=a\frac{0,5}{\frac{\sqrt{2+\sqrt{3}}}{2}}=\frac{a}{\sqrt{2+\sqrt{3}}}$. У ҳолда $S=\frac{1}{2}ab\cdot\sin\gamma=$

$=\frac{1}{2}a\cdot\frac{a}{\sqrt{2+\sqrt{3}}}\cdot\sin45°=\frac{1}{2}\cdot\frac{\sqrt{2}}{2}\cdot\frac{a^2}{\sqrt{2+\sqrt{3}}}=$

$=\frac{\sqrt{2}}{4}\cdot\frac{a^2\cdot\sqrt{2-\sqrt{3}}}{\sqrt{2^2-3}}=\frac{a^2\sqrt{4-2\sqrt{3}}}{4}=\frac{a^2\sqrt{3-2\cdot\sqrt{3}+1}}{4}=$

$=\frac{a^2(\sqrt{3}-1)}{4}.$

215) [2000_03_76]
MNP учбурчак ABC учбурчакнинг учларидан учта учбурчакни кесиб ташлайди. Бу учбурчаклардан ҳар бирининг асоси ABC учбурчак асосидан уч марта баландлиги ABC учбурчак 1,5 марта кичик. У ҳолда улардан ҳар бирининг юзи ABC учбурчак юзидан $3\cdot1,5=4,5$ марта кичик. Демак,

$S_{MNP}=S-3\cdot\frac{1}{4,5}S=S-\frac{1}{1,5}S=S-\frac{2}{3}S=\frac{1}{3}S.$

216) [2004_01_555]
Олдинги тест ечимига каранг.

217) [1998_12_91]
Учбурчак асоси x га тенг десак, ён томони $4-x$ га, баландлиги $(4-x)\sin120°$ га тенг бўлади. Учбурчак юзини ҳисоблайлик:

$S(x)=\frac{1}{2}x\cdot h=\frac{1}{2}x\cdot b\cdot\sin120°=\frac{1}{2}x\cdot(4-x)\cdot\frac{\sqrt{3}}{2}=$

$=\frac{\sqrt{3}}{4}(4x-x^2)$. S дан x бўйича ҳосила олиб, 0 га

тенглаймиз: $S'=\frac{\sqrt{3}}{4}(4-2x)=0 \Rightarrow \frac{1}{2}\cdot(2-x)=0 \Rightarrow$

$\Rightarrow x=2.$
Демак, учбурчак юзи унинг асоси $x=2$ бўлганда эн катта бўлади: $S(2)=\frac{\sqrt{3}}{4}(4\cdot2-2^2)=\frac{\sqrt{3}}{4}\cdot4=\sqrt{3}.$



218) [1998_04_32]
Учбурчак асоси x га тенг десак, ён томони $1,6-x$ га, баландлиги $(1,6-x)\sin150°$ га тенг бўлади. Учбурчак юзини ҳисоблайлик:

$S=\frac{1}{2}xh=\frac{1}{2}xb\sin150°=\frac{1}{2}x(1,6-x)\frac{1}{2}=\frac{1}{4}(1,6x-x^2);$

S дан x бўйича ҳосила олиб, 0 га тенглаймиз:

$S'=\frac{1}{4}(1,6x-x^2)'=\frac{1}{4}(1,6-2x)=0 \Rightarrow 2x=1,6 \Rightarrow x=0,8.$

Демак, учбурчак юзи унинг асоси $x=0,8$ бўлганда эн катта бўлади: $x=0,8 \Rightarrow S=\frac{1}{4}(1,6\cdot0,8-0,8^2)=$

$=\frac{1}{4}\cdot0,8\cdot0,8=\frac{1}{4}\cdot\frac{4}{5}\cdot\frac{4}{5}=\frac{4}{25}.$



219) [1998_10_22]
$\sin30°=\sin(180°-30°)=\sin150°$ бўлганлиги сабабли:

$S_{ABC}=\frac{1}{2}AB\cdot BC\cdot\sin30°=\frac{1}{2}AB\cdot BC\cdot\sin150°.$

Жавоб: ўзгармайди.

220) [1998_03_38]
Косинуслар теоремасидан фойдаланиб, BC ни топамиз:

$BC^2=AB^2+AC^2-2AB\cdot AC\cdot\cos A=$

$=3+16-2\cdot\sqrt{3}\cdot4\cdot\frac{\sqrt{3}}{2}=19-12=7 \Rightarrow BC=\sqrt{7}.$

$S_{ABC}=\frac{1}{2}AB\cdot AC\cdot\sin A=\frac{1}{2}\sqrt{3}\cdot4\cdot\frac{1}{2}=\sqrt{3}$ ва

$S_{ABC}=\frac{1}{2}AD\cdot BC$ дан AD баландликни топамиз:

$AD=\frac{2\sqrt{3}}{\sqrt{7}}=\frac{2\sqrt{21}}{7}.$

$AD=AC\cdot\sin C=\frac{\sqrt{3}}{2\sqrt{7}}\cdot4=\frac{2\sqrt{3}}{\sqrt{7}}=\frac{2}{7}\sqrt{21}.$

221) [2005_01_285]
Олдинги тест ечимига каранг.

222) [1998_10_85]
Косинуслар теоремасидан фойдаланиб, BC томон узунлигини топамиз:

$BC = \sqrt{AB^2 + AC^2 - 2 \cdot AB \cdot AC \cdot \cos 30^\circ} =$

$= \sqrt{3 + 36 - 2 \cdot \sqrt{3} \cdot 6 \cdot \sqrt{3}/2} = \sqrt{39 - 18} = \sqrt{21}.$

Учбурчак юзини топиб олиб, ундан баландликни топамиз: $S = \frac{1}{2} AB \cdot AC \cdot \sin A = \frac{1}{2}\sqrt{3} \cdot 6 \cdot \frac{1}{2} = \frac{3}{2}\sqrt{3}.$

$h = \frac{2S}{BC} = \frac{3\sqrt{3}}{\sqrt{21}} = \frac{3}{\sqrt{7}} = \frac{3\sqrt{7}}{7}.$



223) [2005_01_286]
Олдинги тест ечимига қаранг.

224) [1996_12_108]
Томонлари 8; 15 ва 17 см бўлган учбурчак тўғри бурчакли учбурчакдир, чунки $8^2+15^2=64+225=289=17^2$. Тўғри бурчакли учбурчакка ташқи чизилган айлана радиуси унинг гипотенузасининг ярмига тенг: $\frac{17}{2} = 8{,}5$

Жавоб: 8,5 см.

225) [2004_01_467]
Олдинги тест ечимига қаранг.

226) [2002_01_72]
Учбурчакнинг ихтиёрий учидан шу учдан чиққан томонлардаги ички чизилган айлананинг уриниши нуқталаригача бўлган масофалар ўзаро тенг. Шу сабабли $P = 2 \cdot (2+3+5) = 2 \cdot 10 = 20.$



227) [2001_12_13]
Учбурчакнинг юзи S бўлсин. У ҳолда $b = \frac{2S}{h} = \frac{2S}{10} = \frac{S}{5}$. $P = a+b+c = b-d+b+b+d = 3b = \frac{3S}{5}$. $2S = Pr$ дан $r = \frac{2S}{P} = \frac{2S}{3S/5} = \frac{10S}{3S} = \frac{10}{3} = 3\frac{1}{3}$.

228) [2003_11_32]
Герон формуласи $S = \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)}$ да $p = (5+7+8):2=10$ деб учбурчак юзини топамиз: $S = \sqrt{10 \cdot (10-5) \cdot (10-7) \cdot (10-8)} = \sqrt{10 \cdot 5 \cdot 3 \cdot 2} = 10\sqrt{3}.$

$S = \frac{abc}{4R}$ формуладан $R = \frac{abc}{4S} = \frac{5 \cdot 7 \cdot 8}{4 \cdot 10\sqrt{3}} = \frac{7}{\sqrt{3}}$. У ҳолда ташқи чизилган доира юзи $S_c = \pi R^2 = \pi \cdot \frac{7^2}{3} =$

$= \frac{49}{3}\pi = 16\frac{1}{3}\pi.$

229) [2002_04_50]
Учбурчак ўтмас бурчакли бўлса, унга ташқи чизилган айлана маркази учбурчак ташқарисида бўлади. Уч бурчак ўтмас бурчакли бўлиши учун $a^2 > a^2 + b^2$ шарт бажарилиши керак. $c^2 = 17^2 = 289 > a^2 + b^2 =$ $= 10^2 + 13^2 = 100 + 169 = 269.$
Жавоб: учбурчак ташқарисида.

230) [2002_10_36]
ABC учбурчакда $\angle B = \angle ABC = 180^\circ - \angle A - \angle B = 180^\circ - -32^\circ - 24^\circ = 124^\circ$. ABM тенг ёнли учбурчакда $(BA = BM = R)$ $\angle ABM = 180^\circ - \angle A - \angle A = 180^\circ - 2 \cdot 32^\circ = 116^\circ$. У ҳолда MBN тенг ёнли учбурчакда $(BM=BN=R)$ $\angle MBN = \angle ABC - \angle ABM = 124^\circ - 116^\circ = 8^\circ$ ва $\angle BNM = \frac{180^\circ - 8^\circ}{2} = 86^\circ$. ABN тенг ёнли учбурчакда $\angle B = 124^\circ$ ва $\angle BNA = \frac{180^\circ - 124^\circ}{2} = \frac{56^\circ}{2} = 28^\circ$. Демак, $\angle ANM = \angle BNM - \angle BNA = 86^\circ - -28^\circ = 58^\circ$.



231) [2002_03_63]
Ички чизилган айлананинг уриниш нуқталаридан учбурчак учларигача бўлган масофалар l_A, l_B, l_C бўлсин. Тест шартига кўра, $l_B + l_C = 5; l_A + l_C = 6;$ $l_A + l_B = 7$. Биринчи икки тенглик йиғиндисидан учинчисини айирамиз; $(l_B + l_C) + (l_A + l_C) - (l_A + l_B) =$ $= 5 + 6 - 7 \Rightarrow 2l_C = 4 \Rightarrow l_C = 2$. Демак, C учдан ички чизилган айлананинг уриниш нуқтасигача бўлган масофа 2 га тенг. Тест шартида уринмани ўтказишга қўшимча шарт қўйилмаган. У ҳолда уринма қандай ўтказилишидан қатъий назар A_1B_1C учбурчак периметри ўзгармайди, дейиш мумкин. Агар уринманинг уриниш нуқтаси айлананинг уриниш нуқтасига яқинлашса, A_1B_1C учбурчак периметри $2 \cdot 2 = 4$ га яқинлашади. Жавоб: 4.

232) [2000_09_54]
Қидирилаётган айлана маркази B учдан туширилган биссектриса учидир. Биссектриса эса қарши томонни ён томонларга пропорционал бўлакларга ажратади. Улардан бири $4x$ бўлса, иккинчиси $5x$ бўлади ва $4x + 5x = 6$. Ундан $x = \frac{6}{9} = \frac{2}{3}$. У ҳолда $4x \cdot 5x =$ $= 20x^2 = 20 \cdot \frac{4}{9} = \frac{80}{9} = 8\frac{8}{9}.$

233) [2003_11_36]
Синуслар теоремасидан фойдаланиб, учбурчакнинг томонларидан бирини топамиз: $\frac{a}{\sin\alpha} = 2R$ дан $BC = 2R\sin\alpha = 2 \cdot \frac{7}{\sqrt{3}} \cdot \frac{\sqrt{3}}{2} = 7$. Айланага бир нуқтадан ўтказилган икки уринма бўлакларининг тенглигига кўра, $CE = CD$; $BD = BF$ ва $AE = AF$. OEA

учбурчакда $OE = r = \sqrt{3}$ лигидан $AE = OE \cdot ctg30^o =$ $= \sqrt{3} \cdot \sqrt{3} = 3$ ни топамиз. У ҳолда ABC учбурчак периметри $P = AB + BC + CA = AF + FB + BD +$ $+ DC + CE + EA = 2(AE + BD + CD) = 2(AE + BC) =$

$= 2 \cdot (3 + 7) = 20$ ва унинг юзи $S = p \cdot r = \frac{20}{2} \cdot \sqrt{3} = 10\sqrt{3}.$



234) [2004_01_576]
Олдинги тест ечимига қаранг.

235) [2000_01_55]
$a - b = m^2 + n^2 - (m^2 - n^2) = 2n^2 > 0$, яъни $a > b$; $a - c =$ $= m^2 + n^2 - 2mn = (m - n)^2 \geq 0$. Демак, учбурчакнинг энг катта томони a бўлиб,

$b^2 + c^2 = (m^2 - n^2)^2 + (2mn)^2 = m^4 + n^4 - 2m^2n^2 + 4m^2n^2 =$ $= m^4 + n^4 + 2m^2n^2 = (m^2 + n^2)^2 = a^2.$

Тўғри жавоб: учбурчак тўғри бурчакли.

236) [2003_01_19]
Учбурчак тенгсизлиги $c < a + b$ ни текширамиз:

$c = sin60^o = \frac{\sqrt{3}}{2} < 1 = \frac{1}{2} + \frac{1}{2} = sin30^o + sin30^o <$

$< sin30^o + sin40^o = a + b.$ Учбурчак турини аниқлаш учун $a^2 + b^2$ ва c^2 ни ўзаро солиштирамиз.

$c^2 = sin^2 60^o = \left(\frac{\sqrt{3}}{2}\right)^2 = \frac{3}{4}$; $a^2 + b^2 = sin^2 30^o + sin^2 40^o <$

$< \left(\frac{1}{2}\right)^2 + sin^2 45^o = \frac{1}{4} + \left(\frac{\sqrt{2}}{2}\right)^2 = \frac{1}{4} + \frac{2}{4} = \frac{3}{4}.$ Демак,

$a^2 + b^2 < c^2$. У ҳолда учбурчак ўтмас бурчакли.

237) [2000_10_61]
Учбурчак медианалари уларнинг кесишиш нуқтасида 2:1 нисбатда бўлинади ΔAOC да $AO = 6$; $OC = 8$; $OE = 5$ ва OE медиана.

$4m_a^2 = 2b^2 + 2c^2 - a^2$ дан

$a^2 = 2b^2 + 2c^2 - 4m_a^2 = 2 \cdot 6^2 + 2 \cdot 8^2 - 4 \cdot 5^2 =$

$= 2 \cdot 36 + 2 \cdot 64 - 4 \cdot 25 = 200 - 100 = 100.$

Бундан $a = 10$. Демак, ΔAOC тўғри бурчакли ва $S_{AOC} = \frac{1}{2} \cdot 6 \cdot 8 = 24.$ У ҳолда $S_{ABC} = 3 \cdot S_{AOC} = 3 \cdot 24 =$ $= 72.$



238) [2004_01_553]
Олдинги тест ечимига қаранг.

239) [2001_02_40]
Учбурчак юзи $S = \frac{1}{2}absin\alpha$ га тенг. Узунлиги l бўлган биссектриса билан иккига бўлинган учбурчак юзи $S = S_1 + S_2 = \frac{1}{2}al \cdot sin\frac{\alpha}{2} + \frac{1}{2}blsin\frac{\alpha}{2} = \frac{1}{2} \cdot l(a+b)sin\frac{\alpha}{2} =$

$= \frac{1}{2}absin\alpha.$ Ундан $l = \frac{absin\alpha}{(a+b)sin\frac{\alpha}{2}} = \frac{2abcos\frac{\alpha}{2}}{a+b}.$ Бу формулага кўра, $l = \frac{2 \cdot 3 \cdot 7}{3+7} \cdot cos\frac{120^\circ}{2} = \frac{42}{10} \cdot cos60^\circ =$ $= 4{,}2 \cdot 0{,}5 = 2{,}1.$

240) [2005_01_269]
Учбурчак юзи $S = \frac{1}{2}absin\alpha$ га тенг. Узунлиги l бўлган биссектриса билан иккига бўлинган учбурчак юзи $S = S_1 + S_2 = \frac{1}{2}al \cdot sin\frac{\alpha}{2} + \frac{1}{2}blsin\frac{\alpha}{2} = \frac{1}{2} \cdot l(a+b)sin\frac{\alpha}{2} =$

$= \frac{1}{2}absin\alpha.$ Ундан $l = \frac{absin\alpha}{(a+b)sin\frac{\alpha}{2}} = \frac{2abcos\frac{\alpha}{2}}{a+b}.$ Бу формулага кўра, $l = \frac{2 \cdot 3 \cdot 9\frac{6}{7}}{3 + 9\frac{6}{7}} \cdot cos\frac{120^\circ}{2} = \frac{6 \cdot 69}{90} \cdot cos60^\circ =$

$= \frac{23}{5} \cdot \frac{1}{2} = \frac{23}{10} = 2{,}3.$

241) [2000_10_69]
$\frac{AD}{BD} = \frac{AC}{BC}$ дан $AD = \frac{AC \cdot BD}{BC} = \frac{5 \cdot 8}{10} = 4$ ва $AB = AD +$ $+ DB = 4 + 8 = 12$. Косинуслар теоремаси

$AB^2 = AC^2 + BC^2 - 2AC \cdot BC \cdot cos2\alpha$ дан

$cos2\alpha = -\frac{AB^2 - AC^2 - BC^2}{2AC \cdot BC} = -\frac{144 - 100 - 25}{2 \cdot 5 \cdot 10} = -0{,}19.$

Ундан

$cos\alpha = \sqrt{\frac{1 + cos2\alpha}{2}} = \sqrt{\frac{1 - 0{,}19}{2}} = \sqrt{\frac{0{,}81}{2}} = 0{,}9 \cdot \frac{\sqrt{2}}{2}.$

$l = \frac{2AC \cdot BC}{AC + BC} \cdot cos\alpha = \frac{2 \cdot 5 \cdot 10}{5 + 10} \cdot 0{,}9 \cdot \frac{\sqrt{2}}{2} = \frac{100 \cdot 0{,}9}{15} \cdot \frac{\sqrt{2}}{2} = 3\sqrt{2}$

242) [2002_08_28]
$l = \frac{2ab}{a+b}cos\frac{\alpha}{2}$ дан $cos\frac{\alpha}{2} = \frac{l(a+b)}{2ab} = \frac{24 \cdot (60 + 40)}{2 \cdot 60 \cdot 40} =$

$= \frac{2400}{2 \cdot 2400} = \frac{1}{2}.$ Ундан $\frac{\alpha}{2} = 60^\circ$ ёки $\alpha = 2 \cdot 60^\circ = 120^\circ$. У ҳолда $S = \frac{1}{2}a \cdot b \cdot sin120^\circ = \frac{1}{2}60 \cdot 40 \cdot \frac{\sqrt{3}}{2} = 600\sqrt{3}.$

243) [2004_01_568]
Олдинги тест ечимига қаранг.

244) [2000_05_67]
$\cos A+\cos B+\cos C=\cos A+\cos B+\cos(180°-A-B)=$
$=\cos A+\cos B-\cos(A+B)$. Бу ифоданинг максимум нуқтаси битта десак, у ҳолда максимум нуқтасида $A=B$ бўлади. Акс ҳолда A ва B ларнинг ўрнини алмаштириб, янги максимум нуқтасини ҳосил қиламиз. $A=B$ бўлса, ифода $2\cos A-\cos 2A=2\cos A-$ $-2\cos^2 A+1$ кўринишга келади. $\cos A=x$ десак, $2x-2x^2+1$ ифодага келамиз. Ундан ҳосила олиб нолга тенглаймиз:
$(2x-2x^2+1)'=2-4x=0 \Rightarrow x=0{,}5 \Rightarrow \cos A=0{,}5 \Rightarrow$
$\Rightarrow A=60° \Rightarrow B=60° \Rightarrow C=180°-60°-60°=60° \Rightarrow$
$\Rightarrow \cos A+\cos B+\cos C=3\cos 60°=3\cdot\frac{1}{2}=\frac{3}{2}$.

245) [2001_04_19]
$2S=ah=(a+b+c)r$ формуладан $\frac{h}{r}=\frac{a+b+c}{a}=$
$=\frac{10+5+7}{10}=\frac{22}{10}=\frac{11}{5}$. Демак, энг катта бурчак биссектрисаси биссектрисалар кесишиш нуқтасида $(11-5):5=6:5$ нисбатда бўлинади.

246) [2001_08_46]



247) [1997_04_45]
Тўғри бурчакли учбурчак гипотенузаси ўртаси унга ташқи чизилган айлана маркази бўлади. Шунинг учун $c=2R$ ва $m=R$. У ҳолда $\frac{c}{m}=\frac{d}{R}=\frac{2R}{R}=2$.



248) [1997_11_33]
Берилган учбурчакнинг бурчаклари $90°$, $50°$ ва $40°$ га тенг ва учбурчак тўғри бурчакли. Шунинг учун гипотенузанинг ўртаси учбурчакка ташқи чизилган айлана маркази бўлади. У ҳолда гипотенузага туширилган медиана унинг ярмига тенг бўлади: $c=2m=2\cdot 12{,}5=25$.

249) [1996_06_30]
Учбурчак тўғри бурчакли, чунки $8^2+6^2=64+36=100=10^2$. Шунинг учун гипотенузанинг ўртаси учбурчакка ташқи чизилган айлана маркази бўлади. У ҳолда гипотенузага туширилган медиана унинг ярмига тенг:



250) [1996_07_39]
Берилган учбурчакнинг учинчи бурчаги $\angle C=180°-(25°+65°)=180°-90°=90°$ га тенг. Демак, берилган учбурчак тўғри бурчакли ва унга ташқи чизилган айлана маркази унинг гипотенузаси ўртаси. У ҳолда $R=\frac{1}{2}c=\frac{1}{2}\cdot 4\sqrt{2}=2\sqrt{2}$.

251) [2003_10_52]
Учбурчакнинг катта томони унга ташқи чизилган айлана диаметрига тенг бўлса, учбурчак тўғри бурчакли бўлади ва унинг гипотенузасига туширилган медианаси ташқи чизилган айлана радиусига тенг: $m_c=r=\frac{d}{2}=\frac{7}{2}=3{,}5$. $(d=\frac{L}{\pi}=\frac{7\pi}{\pi}=7)$.

252) [1998_10_28]
Берилган учбурчак тўғри бурчакли учбурчак бўлгани учун унинг гипотенузаси унга туширилган медианадан икки марта узун: $c=2m=2\cdot 15=30$. У ҳолда кичкина катет $c\cdot\cos 60°=30\cdot\frac{1}{2}=15$ га тенг бўлади.



253) [1997_04_47]
ACD учбурчакнинг тенг томонли эканлигини сезиш қийин эмас ($AB=BD=CD=R$). У ҳолда $\angle B=30°$, , $\angle C=60°$ ва $tg30°=\frac{b}{c}$, яъни $\frac{AC}{AB}=tg30° \Rightarrow$
$\Rightarrow AC=AB\cdot tg30°=\sqrt{3}\cdot\frac{1}{\sqrt{3}}=1$.



254) [2004_01_477]
Олдинги тест ечимига қаранг.

255) [1997_09_49]
Бурчак тангенси таърифига кўра, $\frac{2}{a}=tg60°$;
$\Rightarrow a=\frac{2}{tg60°}=2\cdot\frac{1}{\sqrt{3}}=\frac{2\sqrt{3}}{3}$. Жавоб: $\frac{2\sqrt{3}}{3}$.

256) [1997_05_49]
Бурчак синуси таърифига кўра, $b=2$; $\alpha=60^o$;
$\frac{b}{c}=sin60^o \Rightarrow c=\frac{b}{sin60^o}=\frac{2}{\frac{\sqrt{3}}{2}}=\frac{4}{\sqrt{3}}=\frac{4\sqrt{3}}{3}$.



257) [1996_07_38]
Пифагор теоремасига кўра,
$x^2+12^2=(x+6)^2 \Rightarrow x^2+12x+36=x^2+144 \Rightarrow$
$\Rightarrow 12x=144-36 \Rightarrow 12x=108 \Rightarrow x=9$.
$S=\frac{1}{2}\cdot ax=\frac{1}{2}\cdot 12\cdot 9=6\cdot 9=54$.

258) [1997_03_38]
Катетлардан бирини $2x$ десак, иккинчиси $3x$ га тенг бўлади. У ҳолда Пифагор теоремасига кўра,
$(2x)^2+(3x)^2=13^2$; $4x^2+9x^2=13x^2$; $13x^2=13^2$; $x^2=13$.
$S=\frac{1}{2}\cdot 2x\cdot 3x=3x^2=3\cdot 13=39$.

259) [2005_01_318]
Катетлардан бирини $2x$ десак, иккинчиси $3x$ га тенг бўлади. У ҳолда Пифагор теоремасига кўра,
$(2x)^2+(3x)^2=4\cdot 13$; $4x^2+9x^2=13x^2$; $13x^2=8\cdot 13$; $x^2=8$.
$S=\frac{1}{2}\cdot 2x\cdot 3x=3x^2=3\cdot 8=24$.

260) [1997_10_38]
Гипотенузани x десак, катетларидан бири $x-2$ га тенг бўлади. Пифагор теоремасидан фойдаланиб катетни топамиз: $x^2=6^2+(x-2)^2$; $4x=40$; $x=10$;
$S=\frac{6\cdot(x-2)}{2}=\frac{6\cdot 8}{2}=\frac{48}{2}=24$. Жавоб: 24.

261) [2005_01_314]
Гипотенузани x десак, катетларидан бири $x-\sqrt{61}+5$ га тенг бўлади. Пифагор теоремасидан фойдаланиб, аввал катетни, сўнгра учбурчак юзини топамиз:
$x^2=6^2+(x-\sqrt{61}+5)^2$; $x^2=6^2+x^2+61+25-$
$-2\sqrt{61}x+10x-10\sqrt{61}$; $(2\sqrt{61}-10)x=2\cdot 61-10\sqrt{61}=$
$=\sqrt{61}(2\sqrt{61}-10)$; $x=\sqrt{61}$. $S=\frac{6(\sqrt{61}-\sqrt{61}+5)}{2}=$
$=\frac{6\cdot 5}{2}=15$.

262) [1997_07_38]



Гипотенузани $5x$ десак, катетлардан бири $3x$ га тенг бўлади. Пифагор теоремасидан фойдаланиб, аввал катетни, сўнгра учбурчак юзини топамиз:
$a=8$; $c:b=5:3$; $(5x)^2=8^2+(3x)^2 \Rightarrow$
$\Rightarrow (25-9)x^2=64 \Rightarrow x^2=64:16=4 \Rightarrow$
$\Rightarrow x=2$. $b=3x=3\cdot 2=6$. $S=\frac{1}{2}ab=\frac{1}{2}\cdot 8\cdot 6=24$.

263) [2005_01_313]
Гипотенузани $5x$ десак, катетлардан бири $3x$ га тенг бўлади. Пифагор теоремасидан фойдаланиб, аввал катетни, сўнгра учбурчак юзини топамиз:
$a=8\sqrt{2}$; $c:b=5:3$; $(5x)^2=8^2\cdot 2+(3x)^2 \Rightarrow$
$\Rightarrow (25-9)x^2=128 \Rightarrow x^2=128:16=8 \Rightarrow$
$\Rightarrow x=2\sqrt{2}$. $b=3x=3\cdot 2\sqrt{2}=6\sqrt{2}$.
$S=\frac{1}{2}ab=\frac{1}{2}\cdot 8\cdot 6\cdot 2=48$.

264) [1996_01_40]
Катетлар бирини $3x$ билан белгиласак, иккинчиси $4x$ га тенг бўлади. У ҳолда гипотенузани Пифагор теоремасидан фойдаланиб топишимиз мумкин:
$a=3x$; $b=4x$; $c=\sqrt{(3x)^2+(4x)^2}=\sqrt{9x^2+16x^2}=$
$=\sqrt{25x^2} \Rightarrow \sqrt{25}\cdot x=25 \Rightarrow x=25:\sqrt{25}=\sqrt{25}=5$.
$a=3x=3\cdot 5=15$.

265) [1996_09_91]
Пифагор теоремасига кўра,
$12^2+(x-8)^2=x^2 \Rightarrow 144+x^2-16x+64=x^2 \Rightarrow$
$\Rightarrow 16x=208 \Rightarrow x=208:16=13$.

266) [1996_10_42]
Пифагор теоремасига кўра,
$c^2=a^2+b^2 \Rightarrow (x+6)^2=12^2+x^2 \Rightarrow$
$x^2+12x+36=144+x^2 \Rightarrow 12x=144-36 \Rightarrow$
$\Rightarrow x=108:12=9$.
$c=x+6=7+6=15$ см.

267) [1998_07_46]
Пифагор теоремасидан фойдаланиб, иккинчи катетни топамиз: $a=\sqrt{c^2-b^2}=\sqrt{13^2-52}=\sqrt{117}$.
Учбурчак юзини топиш формуласи
$S=\frac{1}{2}hc=\frac{1}{2}ab$ ларга кўра,
$hc=ab \Rightarrow h=\frac{ab}{c}=\frac{\sqrt{52}\cdot\sqrt{117}}{13}=\frac{\sqrt{52}\cdot 3\sqrt{13}}{13}=\frac{2\cdot\sqrt{13}\cdot 3}{\sqrt{13}}=6$.



268) [2004_01_479]
Олдинги тест ечимига қаранг.

269) [1996_13_35]
Пифагор теоремасидан фойдаланиб, гипотенузани топамиз: $c=\sqrt{a^2+b^2}=\sqrt{64+36}=\sqrt{100}=10$;
Учбурчак юзини топамиз: $S=\frac{1}{2}ab=\frac{1}{2}\cdot 8\cdot 6=24$.

Баландлик h ни топамиз: $h=\frac{2S}{c}=\frac{48}{10}=4{,}8.$

270) [1996_03_94]
Пифагор теоремасига кўра,
$c=\sqrt{a^2+b^2}=\sqrt{3^2+4^2}=\sqrt{9+16}=\sqrt{25}=5.$
Учбурчак юзини ҳисоблаш формуласига кўра,
$h=\frac{2S}{c}=\frac{ab}{c}=\frac{3\cdot 4}{5}=\frac{12}{5}.$

271) [1996_12_94]
Пифагор теоремасига кўра,
$CD=\sqrt{AC^2-DA^2}=\sqrt{5^2-3^2}=\sqrt{25-9}=4.$
ABC ва ADC учбурчакларнинг ўхшашлигидан
$\frac{AB}{AC}=\frac{AD}{DC}\Rightarrow AB=\frac{AC\cdot AD}{DC}=\frac{5\cdot 3}{4}=\frac{15}{4}=3{,}75.$

272) [1996_09_34]
Учбурчак юзини ҳисоблаш формуласига кўра,
$AB\cdot AC=AD\cdot BC\Rightarrow 10AB=6BC\Rightarrow BC=\frac{5}{3}AB.$
Пифагор теоремасидан фойдаланамиз:
$BC^2=AB^2+AC^2\Rightarrow\left(\frac{5}{3}AB\right)^2=AB^2+AC^2\Rightarrow$
$\Rightarrow\frac{25}{9}AB^2=AB^2+AC^2\Rightarrow\frac{25-9}{9}AB^2=100\Rightarrow$
$\frac{16}{9}AB^2=100\Rightarrow\frac{4}{3}AB=10\Rightarrow AB=\frac{3}{4}\cdot 10=\frac{30}{4}=7{,}5.$

273) [1998_11_82]
Синуснинг таърифларидан фойдаланамиз:
$\frac{h}{b}=sin30°\Rightarrow b=\frac{h}{sin30°}=\frac{9}{0{,}5}=18.$
$\frac{b}{c}=cos30°\Rightarrow c=\frac{b}{cos30°}=\frac{18}{\sqrt{3}/2}=\frac{36}{\sqrt{3}}=12\sqrt{3}.$



274) [2005_01_279]
Синуснинг таърифидан фойдаланамиз:
$\frac{h}{b}=sin30^o\Rightarrow b=\frac{h}{sin30^o}=\frac{12}{0{,}5}=24.$

275) [2005_01_280]
Синуснинг таърифидан фойдаланамиз:
$\frac{h}{b}=sin30^o\Rightarrow b=\frac{h}{sin30^o}=\frac{21}{0{,}5}=42.$

276) [2005_01_281]
Синуснинг таърифидан фойдаланамиз:
$\frac{h}{a}=sin60^o\Rightarrow a=\frac{h}{sin60^o}=\frac{6}{\sqrt{3}/2}=\frac{12}{\sqrt{3}}=4\sqrt{3}.$

277) [2005_01_282]
Синуснинг таърифидан фойдаланамиз:
$\frac{h}{a}=sin60^o\Rightarrow a=\frac{h}{sin60^o}=\frac{9}{\sqrt{3}/2}=\frac{18}{\sqrt{3}}=6\sqrt{3}.$

278) [2005_01_283]
Синуснинг таърифидан фойдаланамиз:
$\frac{h}{a}=sin60^o\Rightarrow a=\frac{h}{sin60^o}=\frac{21}{\sqrt{3}/2}=\frac{42}{\sqrt{3}}=14\sqrt{3}.$

279) [1999_01_31]
$\angle A=180-B-C=180-90-60=30°.$ ABB_1 тўғри бурчакли учбурчакда $\frac{BB_1}{AB}=sinA.$ Ундан $AB=\frac{BB_1}{sinA}=$
$=\frac{2}{sin30°}=\frac{2}{0{,}5}=4.$

280) [2002_08_26]
$a+b=P-c=84-37=47$ дан $b=47-a.$ Пифагор теоремасидан $a^2+(47-a)^2=37^2.$ Ундан a^2+a^2-
$-94a+47^2-37^2=2a^2-2\cdot 47a+(47-37)\cdot(47+37)=$
$=2(a^2-47a+420)=2(a-12)(a-35)=0.$
У ҳолда $a=12;$ $b=35$ ва $S=\frac{1}{2}ab=\frac{1}{2}\cdot 12\cdot 35=210.$

281) [2000_07_42]
ABC тўғри бурчакли учбурчак ва унинг гипотенузаси
$c=AB=\sqrt{12^2+5^2}=\sqrt{144+25}=\sqrt{169}=13.$
Гипотенузага туширилган медиана гипотенузанинг ярмига тенг. Жавоб: 6,5.

282) [2000_10_31]
$a^2+a^2=c^2$ дан $a=\frac{c}{\sqrt{2}}=\frac{5\sqrt{2}}{\sqrt{2}}=5.$ $S=\frac{1}{2}a^2=\frac{1}{2}\cdot 5^2=$
$=12{,}5.$

283) [2000_08_49]
$S=\frac{1}{2}a^2$ дан $a=\sqrt{2S}=\sqrt{2\cdot 1225}=\sqrt{2500}=50.$ Ундан
$c=\sqrt{a^2+a^2}=\sqrt{2}a=\sqrt{2}\cdot 50\approx 70.$

284) [2001_03_4]
Учбурчак катети $b=\frac{a}{\pi}$ га тенг. У ҳолда
$c=\sqrt{b^2+b^2}=\sqrt{2}b=\frac{\sqrt{2}a}{\pi}.$

285) [2000_05_53]
$c=\sqrt{a^2+b^2}=\sqrt{20^2+21^2}=\sqrt{400+441}=\sqrt{841}=29.$
$R=\frac{c}{2}=14{,}5.$

286) [1999_03_45]
$\frac{a}{c}=sin\frac{\pi}{6}\Rightarrow c=\frac{a}{sin\frac{\pi}{6}}=\frac{6}{0{,}5}=12.$ $R=\frac{c}{2}=\frac{12}{2}=6.$
$S=\pi R^2=36\pi.$

287) [2003_10_50]
Учбурчак бурчакларини топамиз:

$\alpha+\beta+\gamma=x+2x+3x=6x=80° => \alpha=30°$;
$\beta=2x=60°$; $\gamma=3x=90°$. Демак, учбурчак тўғри бурчакли. $\frac{a}{c}=sin\alpha$ дан $c=\frac{a}{sin\alpha}=\frac{a}{0,5}=2a=2\sqrt[4]{6}$.
$b=csin\beta$ дан $b=2\sqrt[4]{6}\cdot sin60^o=2\sqrt[4]{6}\cdot\frac{\sqrt{3}}{2}=\sqrt[4]{6\cdot3^2}=$
$=\sqrt[4]{54}$. У холда $S_\Delta=\frac{1}{2}ab=\frac{1}{2}\sqrt[4]{6}\cdot\sqrt[4]{54}=$
$=\frac{1}{2}\sqrt[4]{2\cdot3\cdot2\cdot3^3}=\frac{1}{2}\sqrt[4]{2^2}\cdot\sqrt[4]{3^4}=\frac{\sqrt{2}}{2}\cdot3=1,5\sqrt{2}$.

288) [2003_09_54]
Берилган учбурчак тенг ёнли тўғри бурчакли учбурчак бўлиб, унинг гипотенузаси ташқи чизилган айлана диаметрига тенг: $c=d=2r=2\sqrt{8}=4\sqrt{2}$. $a=b$ лигидан $a^2+b^2=2a^2=c^2=(4\sqrt{2})^2=16\cdot2=32$ дан $a^2=32:2=16$ ва $a=4$. У холда $P=a+b+c=4+4+4\sqrt{2}=4(2+\sqrt{2})$.

289) [2002_10_37]
Тўғри бурчакли учбурчакка ички чизилган айлана радиуси $r=\frac{a+b-c}{2}$ формула ёрдамида топилади. Шартга кўра, $r=\frac{a-b}{2}$. У ҳолда $\frac{a+b-c}{2}=\frac{a-b}{2}$. Ундан $a+b-c=a-b => b-c=-b => c=2b$. $\frac{a}{b}=\kappa$ десак, $a=\kappa b$. Пифагор теоремасига кўра, $a^2+b^2=c^2 => (\kappa b)^2+b^2=(2b)^2 => (\kappa^2+1)b^2=4b^2 =>$
$=> \kappa^2+1=4 => \kappa^2=3 => \kappa=\sqrt{3}$.

290) [1997_01_33]
Учбурчак бурчакларини топиб, унинг тенг ёнли тўғри бурчакли эканлигини аниклаймиз. У ҳолда гипотенуза туширилган баландлик медиана ҳам бўлади ва гипотенузанинг ярми 13:2=6,5 га тенг.

291) [2003_10_51]
Тест шартига кўра, $b=a+3$ ва $S=\frac{ab}{2}=\frac{a(a+3)}{2}=18$.
Ундан $a^2+3a=36 =>$
$=> a^2+3a-36=0 => a=\frac{-3\pm\sqrt{9+144}}{2}=\frac{-3\pm\sqrt{153}}{2}$;
$b=a+3=\frac{3+\sqrt{153}}{2}$. Пифагор теоремасига кўра,
$c^2=a^2+b^2=\left(\frac{-3+\sqrt{153}}{2}\right)^2+\left(\frac{3+\sqrt{153}}{2}\right)^2=$
$=\frac{9-6\sqrt{153}+153}{4}+\frac{9+6\sqrt{153}+153}{4}=$
$=\frac{2\cdot(9+153)}{4}=\frac{162}{2}=81$ ва $c=\sqrt{81}=9$.

292) [2003_11_41]
$S=\frac{ab}{2}=24$ дан $ab=48$ ва $2ab=96$. Пифагор теоремасига кўра, $a^2+b^2=c^2$ ёки $a^2+b^2=$
$=(24-a-b)^2$. Ундан $a^2+b^2=24^2-2\cdot24\cdot(a+b)+$
$+(a+b)^2 => a^2+b^2=24^2-48(a+b)+a^2+b^2+2ab =>$
$=> 24(24-2(a+b)+4)=0 => a+b=(24+4):2=14 =>$
$c=24-(a+b)=24-14=10 => R=\frac{c}{2}=5$. $S_g=\pi R^2=25\pi$

293) [2003_01_40]
CD биссектриса AB томонни AC ва BC га пропорционал бўлакларга ажратади: $\frac{AD}{BD}=\frac{AC}{BC}=\frac{8}{10}$.
У ҳолда $AD+0,8AD=0,8(AD+BD)$ ва
$AD=\frac{0,8}{1,8}AB=\frac{4}{9}AB$. $AE=\frac{1}{2}AB$ дан
$DE=AE-AD=\left(\frac{1}{2}-\frac{4}{9}\right)AB=\frac{9-8}{18}AB=\frac{AB}{18}$. Демак,
$S_{DEC}=\frac{1}{18}S_{ABC}=\frac{1}{18}\cdot\frac{1}{2}\cdot8\cdot10=\frac{40}{18}=\frac{20}{9}=2\frac{2}{9}$.

294) [2004_01_565]
Олдинги тест ечимига қаранг.

295) [2003_02_46]
Гипотенузалари бир хил бўлган тўғри учбурчаклар орасида тенг ёнли учбурчакнинг баландлиги энг катта ва юзи ҳам энг катта бўлади:
$S=\frac{1}{2}C\cdot H=\frac{1}{2}\cdot5\sqrt{2}\cdot\frac{5\sqrt{2}}{2}=\frac{25}{2}=12,5$.

296) [2003_11_33]
Учбурчакнинг катетлари a ва b, гипотенузаси c, AE ва BD лар медианалар бўлсин. ACE учбурчакдан $(0,5a)^2+b^2=15^2$ ёки $0,25a^2+b^2=225$; BCD учбурчакдан $a^2+(0,5b)^2=(6\sqrt{5})^2$ ёки $a^2+0,25b^2=$
$=180$. Бу икки тенгликни қўшамиз: $a^2+0,25a^2+b^2+0,25b^2=225+180$. Ундан
$1,25a^2+1,25b^2=405 => a^2+b^2=405:1,25=324$.
Демак, $c^2=a^2+b^2=324=18^2$ ва $c=18$.

297) [2005_01_288]
Олдинги тест ечимига қаранг.

298) [2003_10_55]
ABE учбурчак юзи ABC учбурчак юзининг ярмига тенг, чунки AE медиана BC асосни тенг иккига бўлади. Медианалар кесишиш нуқтасида учбурчак учидан ҳисоблаганда 2:1 нисбатда бўлинади, шунинг учун ADO учбурчак баландлиги ABC учбурчак баландлигидан уч марта кичик, асоси AD эса ABC учбурчак асоси AC нинг ярмига тенг. Демак, ΔAOD юзи ΔABC юзидан олти марта кичик. У ҳолда
$S_{CDOE}=S_{ABC}-S_{ABE}-S_{ADO}=S_{ABC}-\frac{1}{2}S_{ABC}-$
$-\frac{1}{6}S_{ABC}=\left(1-\frac{1}{2}-\frac{1}{6}\right)S_{ABC}=\frac{1}{3}S_{ABC}=\frac{1}{3}\cdot14\cdot18=42$.



299) [2004_01_579]
Олдинги тест ечимига қаранг.

300) [1997_05_54]
Учбурчакнинг биссектрисаси у тушган томонни ён томонларига пропорционал бўлакларга ажратади.

$\dfrac{l_b}{l_a}=\dfrac{b}{a}=\dfrac{1}{2}$. Учбурчак баландлиги эса у тушган томонни ён томонларининг квадратларига пропорционал бўлакларга ажратади.



$\dfrac{c_b}{c_a}=\left(\dfrac{b}{a}\right)^2=\left(\dfrac{1}{2}\right)^2=\dfrac{1}{4}$. Жавоб: 1:4.

301) [1997_09_54]
Учбурчакнинг биссектрисаси у тушган томонни ён томонларига пропорционал бўлакларга ажратади.
$\dfrac{l_b}{l_a}=\dfrac{b}{a}=\dfrac{1}{5}$.
Учбурчак баландлиги эса у тушган томонни ён томонларининг квадратларига пропорционал бўлакларга ажратади.

$\dfrac{c_b}{c_a}=\left(\dfrac{b}{a}\right)^2=\left(\dfrac{1}{5}\right)^2=\dfrac{1}{25}$. Жавоб: 1:25.

302) [1999_08_44]
Биссектриса карши томонни ён томонларга пропорционал, баландлик эса ён томонлар квадратларига пропорционал бўлакларга ажратади. Жавоб: 9:4.



303) [2004_01_485]
Олдинги тест ечимига қаранг.

304) [1996_07_45]
Гипотенузага туширилган баландлик уни c_a ва c_b кесмаларга ажратса, уларнинг нисбати $\left(\dfrac{a}{b}\right)^2$ га тенг бўлади. $a=5x$; $b=6x$ десак, у ҳолда $(5x)^2+(6x)^2=122$ бўлади. Бундан $25x^2+36x^2=122 => 61x^2=122 =>$
$=> x^2=2 => 25x^2=50$; $36x^2=72$. Жавоб: 50 ва 72.



305) [1997_03_45]
Учбурчак катетларини $2y$ ва $3y$ билан белгиласак,
$\dfrac{c_a}{c_b}=\left(\dfrac{a}{b}\right)^2$ дан $(3x)^2-(2x)^2=2$ тенгламага келамиз:
$9x^2-4x^2=2 => 5x^2=2 => x^2=0{,}4 => 13x^2=13\cdot 0{,}4=5{,}2$.



306) [2004_01_478]
Олдинги тест ечимига қаранг.

307) [1997_10_45]
Олдинги тест ечимига қаранг.
$4x^2=4\cdot 0{,}4=1{,}6$; $9x^2=9\cdot 0{,}4=3{,}6$. Жавоб: 1,6 ва 3,6.

308) [2004_01_473]
Олдинги тест ечимига қаранг.

309) [1997_07_45]
Учбурчак баландлигининг хоссасига кўра,
$\dfrac{c_a}{c_b}=\left(\dfrac{a}{b}\right)^2=\left(\dfrac{3}{4}\right)^2=\dfrac{9}{16} => c=c_a+c_b=9x+16x=50 =>$
$=> 25x=50 => x=50:25=2 => 9x=18 => 16x=32$.



Жавоб: 18 ва 32.

310) [2004_01_472]
Олдинги тест ечимига қаранг.

311) [1999_07_34]
Пифагор теоремасига кўра, $b=\sqrt{c^2-a^2}=\sqrt{64-16}=$
$=\sqrt{48}=4\sqrt{3}$. $\dfrac{b}{c}=\dfrac{c_b}{b}$ дан $c_b=\dfrac{b^2}{c}=\dfrac{(4\sqrt{3})^2}{8}=\dfrac{48}{8}=6$.

312) [1998_06_34]
Тўғри бурчакли учбурчак гипотенузасига туширилган h баландлик, у ажратган кесмалар c_a ва c_b ларнинг ўрта геометригига тенг: $h=\sqrt{c_a\cdot c_b}=\sqrt{2\cdot 18}=\sqrt{36}=6$.



$\Delta ADC\sim\Delta BCD$ дан

$\frac{AD}{CD} = \frac{CD}{BD} => h = CD = \sqrt{AD \cdot BD} = \sqrt{2 \cdot 18} = \sqrt{36} = 6.$

313) [2005_01_278]

Тўғри бурчакли учбурчак гипотенузасига туширилган h баландлик, у ажратган кесмалар c_a ва c_b ларнинг ўрта геометригига тенг:

$h = \sqrt{c_a \cdot c_b} = \sqrt{2 \cdot 32} = \sqrt{64} = 8.$

314) [2005_01_277]

Тўғри бурчакли учбурчак гипотенузасига туширилган h баландлик, у ажратган кесмалар c_a ва c_b ларнинг ўрта геометригига тенг:

$h = \sqrt{c_a \cdot c_b} = \sqrt{3 \cdot 12} = \sqrt{36} = 6.$

315) [1999_08_51]

$h = \sqrt{c_a \cdot c_b} = \sqrt{8 \cdot 2} = 4. \; S = \frac{1}{2} c \cdot h = \frac{1}{2} \cdot (8+2) \cdot 4 = 20.$

316) [2003_12_30]

Учбурчак тўғри бурчакли бўлиб, $\frac{AB}{BC} = \frac{BC}{BD}$ дан

$BC^2 = AB \cdot BD = (9+16) \cdot 9 = 25 \cdot 9 = 225 = 15^2$ ва

$BC = 15.$



317) [1997_11_32]

Учбурчак гипотенузасини топамиз:

$c^2 = 24^2 + 7^2 = 576 + 49 = 625 => c = 25.$

Кичик катетнинг проекциясини x десак, каттасининг проекцияси $25-x$ бўлади. У ҳолда $h^2 = 7^2 - x^2$ ва $h^2 = 24^2 - (25-x)^2$ дан $49 - x^2 = 576 - (625 - 50x + x^2)$ ёки $50x = 49 + 49$. Бундан $x = \frac{98}{50} = 1\frac{48}{50} = 1\frac{24}{25}$. Жавоб: $1\frac{24}{25}$.

318) [2004_01_475]

Олдинги тест ечимига қаранг.

319) [1998_08_38]

Учбурчак гипотенузасини топамиз:

$c = \sqrt{a^2 + b^2} = \sqrt{9^2 + 12^2} = \sqrt{81 + 144} = \sqrt{225} = 15.$



Ўхшаш учбурчаклардан

$\frac{a}{c} = \frac{c_a}{a} => c_a = \frac{a^2}{c} = \frac{9^2}{15} = \frac{81}{15} = \frac{27}{5} = 5{,}4.$

320) [2005_01_267]

Учбурчак гипотенузасини топамиз:

$c = \sqrt{a^2 + b^2} = \sqrt{8^2 + \frac{32^2}{3^2}} = \sqrt{\frac{576 + 1024}{9}} = \frac{\sqrt{1600}}{3} = \frac{40}{3}.$

Ўхшаш учбурчаклардан

$\frac{a}{c} = \frac{c_a}{a} => c_a = \frac{a^2}{c} = \frac{8^2}{40:3} = \frac{3 \cdot 8}{5} = \frac{24}{5} = 4{,}8.$

321) [1997_01_32]

Учбурчак гипотенузасини топамиз:

$AB^2 = 15^2 + 20^2 = 225 + 400 = 625 => AB = 25.$

Учбурчак юзини топиш формуласидан

$2S = CA \cdot CB = AB \cdot h => h = \frac{CA \cdot CB}{AB} = \frac{15 \cdot 20}{25} = \frac{300}{25} = 12.$

У ҳолда $c_a^2 = a^2 - h^2$ дан

$c_a^2 = 20^2 - 12^2 = 400 - 144 = 256 = 16^2$, яъни

$c_a = 16$.. Жавоб: 16.

322) [2004_01_474]

Олдинги тест ечимига қаранг.

323) [1996_01_38]

Учбурчакларнинг ўхшашлигидан

$\frac{a}{b} = \frac{h}{c_b} => a = \frac{b \cdot h}{c_b} = \frac{8}{6{,}4} h = 1{,}25h.$

$\frac{b}{h} = \frac{c}{a} => c = \frac{a \cdot b}{h} = \frac{8 \cdot 1{,}25h}{h} = 10.$

$a = \sqrt{c^2 - b^2} = \sqrt{10^2 - 8^2} = \sqrt{100 - 64} = \sqrt{36} = 6;$

$S = 0{,}5ab = 0{,}5 \cdot 6 \cdot 8 = 3 \cdot 8 = 24$. Жавоб: 24.



324) [1996_09_89]

Иккинчи катетнинг гипотенузадаги проекциясини топамиз: $c_b = c - c_a = 50 - 32 = 18.$ Учбурчак баландлигини топамиз:

$h = \sqrt{c_a \cdot c_b} = \sqrt{32 \cdot 18} = 4 \cdot 6 = 24.$ Учбурчак юзини топамиз: $S = \frac{1}{2} ch = \frac{1}{2} \cdot 50 \cdot 24 = 600.$



325) [1996_10_40]

Иккинчи катетнинг гипотенузадаги проекциясини топамиз: $c_b = c - c_a = 10 - 3{,}6 = 6{,}4.$ Учбурчакнинг гипотенузага туширилган баландлигини топамиз:

$h = \sqrt{c_a \cdot c_b} = \sqrt{3{,}6 \cdot 6{,}4} = \sqrt{36 \cdot 0{,}64} = 6 \cdot 0{,}8 = 4{,}8.$

Учбурчак юзини топамиз: $S = \frac{1}{2} ch = \frac{1}{2} \cdot 10 \cdot 4{,}8 = 24.$



326) [1996_09_37]
ABC ва BCD учбурчакларнинг ўхшашлигидан фойдаланиб, BC ни топамиз:
$\frac{AB}{BC}=\frac{BC}{BD}$ => $BC=\sqrt{AB\cdot BD}=\sqrt{10\cdot 3{,}6}=6$ см
Пифагор теоремасига кўра,
$AC=\sqrt{AB^2-BC^2}=\sqrt{100-36}=\sqrt{64}=8$ см. Учбурчак юзини топамиз: $S_{ABC}=\frac{1}{2}AC\cdot BC=\frac{1}{2}\cdot 8\cdot 6=24$ см^2.
Ички чизилган айлана радиусини топамиз:
$S_{ABC}=\frac{1}{2}r(AB+BC+CA)=\frac{1}{2}r(10+6+8)=12r$.



$r=\frac{24}{12}=2$ см.

327) [2004_01_470]
Олдинги тест ечимига каранг.

328) [2004_01_487]
$\frac{a}{c_a}=\frac{a+4}{a}$ дан $\frac{a}{3{,}6}=\frac{a+4}{a}$ => $a^2=3{,}6a+4\cdot 3{,}6$ =>
=> $a^2-3{,}6a-14{,}4=0$ => $(a-6)(a+2{,}4)=0$ => $a=6$

329) [1998_03_36]
ABC ва ACD учбурчакларнинг ўхшашлигидан
$\frac{CD}{AC}=\frac{AC}{BC}$ => $AC^2=CD\cdot BC=5\cdot 1{,}6=8$. Пифагор теоремасига кўра, $AB^2=BC^2-AC^2=25-8=17$.

330) [1996_03_103]
ABC ва ACD учбурчакларнинг ўхшашлигидан
$\frac{AB}{AC}=\frac{AC}{AD}$ => $AC=\sqrt{AB\cdot AD}=\sqrt{5\cdot 1{,}8}=\sqrt{9}=3$.
Пифагор теоремасига кўра,
$BC=\sqrt{AB^2-AC^2}=\sqrt{25-9}=\sqrt{16}=4$.
$2S=AC\cdot BC=3\cdot 4=12$. $2S=r\cdot(AB+BC+CA)$ =>
=> $r=\frac{2S}{AB+BC+CA}=\frac{12}{3+4+5}=\frac{12}{12}=1$.

331) [2004_01_464]
Олдинги тест ечимига каранг.

332) [1996_12_107]
Тўғри бурчакли учбурчакка ички чизилган айлана радиуси $r=\frac{a+b-c}{2}$ формула орқали топилиши мумкин. ABC ва ABD учбурчакларнинг ўхшашлигидан
$\frac{BC}{AB}=\frac{AB}{BD}$ => $BC=\frac{AB^2}{BD}=\frac{6^2}{3{,}6}=\frac{36}{3{,}6}=10$. Пифагор теоремасига кўра,
$AC=\sqrt{BC^2-AB^2}=\sqrt{100-36}=\sqrt{64}=8$. У ҳолда
$r=\frac{6+8-10}{2}=\frac{4}{2}=2$.

333) [2004_01_466]
Олдинги тест ечимига каранг.

334) [1998_03_42]
Масала шартига кўра, $\left(\frac{a}{b}\right)^2=\frac{c_a}{c_b}$ => $\frac{a}{b}=\frac{\sqrt{9}}{\sqrt{16}}=\frac{3}{4}$. a=3x;
b=4x; c=c_a+c_b=9+16=25. $a^2+b^2=9x^2+16x^2=$
$=25x^2=25^2$ => $x^2=25$ => $x=5$ => $a=3x=15$;
$b=4x=20$. $r=\frac{a+b-c}{2}=\frac{20+15-25}{2}=5$.



335) [1998_10_83]
ABD ва ACD учбурчакларнинг ўхшашлигидан:
$\frac{CD}{AD}=\frac{AD}{BD}$ => $AD^2=BD\cdot CD=2\cdot 8=16=4^2$ => $AD=4$.

336) [1998_10_89]
Тўғри бурчакли учбурчакнинг гипотенузасига туширилган баландлик уни иккита унга ўхшаш учбурчакларга ажратишидан фойдаланамиз:
$\frac{a}{c}=\frac{c_a}{a}$ => $c=\frac{a^2}{c_a}=\frac{4^2}{4/3}=4\cdot 3=12$.



Тўғри бурчакли учбурчакка ташқи чизилган айлана радиуси унинг гипотенузасининг ярмига тенглигидан: R=0,5c=0,5·12=6.

337) [2005_01_264]
Тўғри бурчакли учбурчакнинг гипотенузасига туширилган баландлик уни иккита унга ўхшаш учбурчакларга ажратишидан фойдаланамиз:
$\frac{a}{c}=\frac{c_a}{a}$ => $c=\frac{a^2}{c_a}=\frac{4^2}{2}=8$.
Тўғри бурчакли учбурчакка ташқи чизилган айлана радиуси унинг гипотенузасининг ярмига тенглигидан: R=0,5c=0,5·8=4.

338) [1997_06_32]
Учбурчакларнинг ўхшашлигидан:
$\frac{c}{a}=\frac{a}{c_a}$ => $c=\frac{a^2}{c_a}=\frac{7^2}{1{,}96}=\frac{49}{49\cdot 0{,}04}=\frac{1}{0{,}04}=25$.



Пифагор теоремасига кўра,
$b=\sqrt{c^2-a^2}=\sqrt{25^2-7^2}=\sqrt{625-49}=\sqrt{576}=24.$

339) [2005_01_284]
Олдинги тест ечимига каранг.

340) [1996_13_45]
ABC ва ABD учбурчакларнинг ўхшашлигидан:
$\frac{AB}{BD}=\frac{BC}{Ab}=> BC=\frac{AB^2}{BD}=\frac{3^2}{1,8}=\frac{9}{1,8}=5.$
$r=\frac{BC}{2}=\frac{5}{2}=2,5.$

341) [2004_01_468]
Олдинги тест ечимига қаранг.

342) [2003_11_39]
$\frac{AB}{AC}=\frac{AC}{AD}$ дан $\frac{AD+16}{15}=\frac{15}{AD}$ ёки $AD(AD+16)=15^2$
$AD^2+16AD-225=0=>(AD+25)(AD-9)=0=>AD=9.$
$BC=\sqrt{AB^2-AC^2}=\sqrt{25^2-15^2}=\sqrt{400}=20.$
$S=\frac{1}{2}AC\cdot BC=\frac{1}{2}\cdot 15\cdot 20=150.\ r=\frac{2S}{P}=\frac{2\cdot 150}{15+20+25}=5.$



343) [1998_01_38]
$b=10;\ c=25;\ \frac{c_a}{a}=\frac{a}{c}=>$
$=>c_a=\frac{a^2}{c}=\frac{c^2-b^2}{c}=\frac{25^2-10^2}{25}=\frac{625-100}{25}=\frac{525}{25}=21.$



344) [2005_01_266]

Олдинги тест ечимига каранг. $c_a=\frac{25^2-25\cdot 11}{25}=14.$

345) [1998_05_34]
Учбурчакларнинг ўхшашлигидан:
$\frac{a_a}{a}=\frac{a}{c}=>a_a=\frac{a^2}{c}=\frac{4^2}{6}=\frac{16}{6}=2\frac{2}{3}.$



346) [1997_02_26]
ABC ва ACD учбурчакларнинг ўхшашлигидан:
$\frac{AD}{AC}=\frac{AC}{AB}=>AD=\frac{AC^2}{AB}=\frac{6^2}{10}=3,6.$

347) [1998_12_46]
$c=c_a+c_b$ дан ва учбурчакларнинг ўхшашлигидан
$\frac{c_a}{h}=\frac{h}{c_b}=>\frac{c-c_b}{h}=\frac{h}{c_b}=>(13-c_b)c_b=6^2=>$
$=>c_b{}^2-13c_b+36=0=>(c_b-4)(c_b-9)=0=>c_b=9.$



348) [2004_01_480]
Олдинги тест ечимига қаранг.

349) [2003_05_53]
$\frac{CD}{BD}=tg60^o$ дан $CD=BDtg60^o=2\cdot\sqrt{3}.$ $\frac{CD}{AD}=tg30^o$
дан $AD=\frac{CD}{tg30^o}=\frac{2\sqrt{3}}{1/\sqrt{3}}=2\sqrt{3}\cdot\sqrt{3}=2\cdot 3=6.$ У холда
$AB=AD+BD=6+2=8.$

350) [2004_01_492]
Олдинги тест ечимига қаранг.

351) [2003_10_48]
$a=x;\ b=2x$ бўлса, $c=\sqrt{a^2+b^2}=\sqrt{x^2+4x^2}=\sqrt{5}x.$
$\frac{c}{b}=\frac{a}{h}$ дан $\frac{\sqrt{5}x}{2x}=\frac{x}{12}=>\frac{\sqrt{5}}{2}=\frac{x}{12}=>x=\frac{12\sqrt{5}}{2}=6\sqrt{5}=>$
$=>b=2x=12\sqrt{5}=>S=\frac{ab}{2}=\frac{6\sqrt{5}\cdot 12\sqrt{5}}{2}=36\cdot 5=180.$

352) [2001_05_34]
$R=\sqrt{(\frac{24}{2})^2+5^2}=\sqrt{12^2+5^2}=\sqrt{144+25}=\sqrt{169}=13.$

353) [2000_03_75]
$r=\frac{a+b-c}{2}$ дан $a+b=2r+c=2\cdot 4+26=34.$
$P=a+b+c=34+26=60.$

354) [2001_05_33]
ΔCOD дан $R^2=3^2+(3\sqrt{3})^2=9+27=36=R=6.$



355) [2002_03_59]

Биссектриса қаршисидаги томонни ён томонларга пропорционал бўлакларга ажратади: $c=4x$, $b=2x$, $a=4+2=6$. Пифагор теоремасига кўра, $(2x)^2+6^2=$ $=(4x)^2 \Rightarrow 4x^2+36=16x^2 \Rightarrow x^2=36:12 \Rightarrow x=\sqrt{3} \Rightarrow$ $\Rightarrow c=4x=4\sqrt{3} \Rightarrow R=\dfrac{c}{2}=2\sqrt{3}$.



356) [2002_03_54]

Тўғри бурчак C дан айлананинг катетларга уриниш нуқталаригача бўлган масофа x бўлсин. У ҳолда $a=x+3$; $b=x+7$; $c=3+7=10$.

Пифагор теоремасига кўра,

$(x+3)^2+(x+7)^2=10^2 \Rightarrow x^2+6x+9+x^2+14x+49=$

$=100 \Rightarrow 2(x^2+10x-21)=0 \Rightarrow x^2+10x=21$.

Учбурчак юзи $S=\dfrac{1}{2}Pr=\dfrac{2x+2\cdot3+2\cdot7}{2}\cdot r=$

$=x^2+3x+7x=x^2+10x=21$. $(x=r)$.

357) [2000_02_40]

Ички чизилган айлана радиуси r бўлсин. У ҳолда $a=r+3$; $b=r+10$; $c=3+10=13$.

$S=\dfrac{1}{2}Pr=(r+3+10)r=r^2+13r$ бўлади. Пифагор теоремасидан $a^2+b^2=(r+3)^2+(r+10)^2=$ $=2r^2+26r+109=13^2=169$. Ундан $2(r^2+13r)=2\cdot30$ ёки $S=r^2+13r=30$.



358) [2002_10_74]

Айлананинг уриниш нуқтаси иккинчи катетни 6 ва x бўлакларга ажратсин. У ҳолда $c=10+x$ бўлади. $a^2+b^2=c^2$ дан $(6+10)^2+(x+6)^2=(x+10)^2 \Rightarrow$

$\Rightarrow 256+x^2+12x+36=x^2+20x+100 \Rightarrow 20x-12x=$

$=292-100 \Rightarrow x=192:8=24 \Rightarrow b=6+24=30$;

$c=10+24=34 \Rightarrow P=16+30+34=80$.



359) [2002_03_56]

Учбурчакнинг гипотенузаси AB, унга ички чизилган айлана маркази O бўлсин. Ички чизилган айлана маркази учбурчак биссектрисаларининг кесишиш нуқтасида жойлашган. Шу сабабли,

$\angle AOB=180°-\dfrac{1}{2}(\angle A+\angle B)=180°-\dfrac{1}{2}\cdot90°=135°$. У ҳолда косинуслар теоремасига кўра,

$AB^2=AO^2+BO^2-2AO\cdot BO\cdot\cos135°=5+10-$

$-2\cdot\sqrt{5}\cdot\sqrt{10}\cdot(-\dfrac{\sqrt{2}}{2})=15+10=25 \Rightarrow AB=\sqrt{5}$.

360) [2001_09_8]

$R=\dfrac{c}{2}=\dfrac{10}{2}=5$. $\quad r=\dfrac{2S}{P}=\dfrac{a\cdot b}{a+b+c}=\dfrac{6\cdot8}{6+8+10}=\dfrac{48}{24}=2$.

Эйлер формуласи $\rho^2=R^2-2Rr$ га кўра, ички ва ташқи чизилган айланалар марказлари орасидаги масофа $\rho=\sqrt{5^2-25\cdot2}=\sqrt{5}$.

361) [2005_01_272]

$R=\dfrac{c}{2}=\dfrac{20}{2}=10$. $\qquad r=\dfrac{2S}{P}=\dfrac{a\cdot b}{a+b+c}=\dfrac{12\cdot16}{12+16+20}=$

$=\dfrac{196}{48}=4$. Эйлер формуласи $\rho^2=R^2-2Rr$ га кўра, ички ва ташқи чизилган айланалар марказлари орасидаги масофа $\rho=\sqrt{10^2-2\cdot10\cdot4}=\sqrt{100-80}=$

$=\sqrt{20}=2\sqrt{5}$.

362) [2003_09_52]

$r^2+r^2=(2\cdot\sqrt{2})^2$ дан $2r^2=8$ ёки $r=\sqrt{8:2}=2$.

Пифагор теоремасига кўра, $(2x+2)^2+(3x+2)^2=$ $=(5x)^2$. Ундан $4x^2+8x+4+9x^2+12x+4=$

$=25x^2 \Rightarrow 12x^2-20x-8=0 \Rightarrow 3x^2-5x-2=0 \Rightarrow$

$\Rightarrow (3x+1)(x-2)=0\ (x>0) \Rightarrow x=2 \Rightarrow a=2x+2=6$;

$b=3x+2=8 \Rightarrow S=0{,}5ab=0{,}5\cdot6\cdot8=24$.



363) [2003_02_58]



Пифагор теоремасига кўра, $AB=\sqrt{AC^2+BC^2}=\sqrt{2+2}=2$. У ҳолда $AD=BD=CD=1$. CD медиана AE медиана билан кесишиш нуқтасида 2:1 нисбатда бўлинади. Демак, $ED=\dfrac{1}{3}$. AF биссектриса CD томонни $\dfrac{AC}{AD}$ нисбатда бўлади $\dfrac{CF}{DF}=\dfrac{AC}{AD}=\dfrac{\sqrt{2}}{1}$. Ундан $CF=\sqrt{2}DF$.

$CF=1-FD$ дан $\sqrt{2}DF=1-FD \Rightarrow (\sqrt{2}+1)FD=1 \Rightarrow$

$FD=\dfrac{1}{\sqrt{2}+1}=\dfrac{\sqrt{2}-1}{(\sqrt{2}+1)(\sqrt{2}-1)}=\sqrt{2}-1.$

У ҳолда $FE=FD-ED=\sqrt{2}-1-\dfrac{1}{3}=\sqrt{2}-\dfrac{4}{3}=\dfrac{3\sqrt{2}-4}{3}.$

364) [2000_04_49]

$S_R=\pi R^2=289\pi$ дан $R=\sqrt{289}=17$. $c=2R=2\cdot 17=34$.

$b=\sqrt{c^2-a^2}=\sqrt{34^2-30^2}=2\sqrt{17^2-15^2}=$

$=2\sqrt{289-225}=2\cdot\sqrt{64}=2\cdot 8=16.$

$r=\dfrac{2S}{P}=\dfrac{a\cdot b}{a+b+c}=\dfrac{30\cdot 16}{16+30+34}=\dfrac{480}{80}=6.$

$S_r=\pi r^2=\pi\cdot 6^2=36\pi.$

365) [2004_01_556]

Олдинги тест ечимига қаранг.

366) [2003_01_39]

Тест шартига кўра, $AB=2R=2\sqrt{49}=2\cdot 7=14$, $CE=CF=OE=OF=r=\sqrt{9}=3$. Учбурчак периметри $P=a+b+c=BC+AC+AB=CE+EB+CF+AF+$ $+AB=r+BD+r+AD+AB=2r+2AB=2(3+14)=$

$=2\cdot 17=34$. У ҳолда $S_{ABC}=\dfrac{1}{2}Pr=\dfrac{1}{2}\cdot 34\cdot 3=51.$



367) [2004_01_564]

Олдинги тест ечимига қаранг.

368) [2003_02_12]

Тест шартига кўра, $AB=2R=2\cdot 5=10$, $CE=CF=OE=OF=r=1$. Учбурчак периметри $P=a+b+c=BC+AC+AB=CE+EB+CF+AF+AB=$ $=r+BD+r+AD+AB=2r+2AB=2(1+10)=22.$

У ҳолда $S_{ABC}=\dfrac{1}{2}Pr=\dfrac{1}{2}\cdot 22\cdot 1=11.$



369) [2004_01_563]

Олдинги тест ечимига қаранг.

370) [2001_02_41]

$c=\sqrt{a^2+b^2}=\sqrt{30^2+40^2}=\sqrt{2500}=50.$

$r=\dfrac{2S}{P}=\dfrac{40\cdot 30}{30+40+50}=\dfrac{1200}{120}=10.$

371) [2001_04_6]

ΔABC да CD – баландлик, CE – медиана. ΔACD да $\angle C=30°$, $\angle D=90°$. $\angle A=180-30-90=60°$. У ҳолда $\dfrac{AD}{AC}=cos60°$ ва $AC=2AD$. $S_{ACD}=S_{ECD}=2\sqrt{2}$ дан

$S_{ACD}=\dfrac{1}{2}AD\cdot AC\cdot sin60°=AD^2\cdot\dfrac{\sqrt{3}}{2}=2\sqrt{3}$ дан

$AD^2=4$ ва $AD=2$. Ундан $AC=2AD=2\cdot 2=4$.

$AB=AC/cos60°=4/0{,}5=8.$

$BC=ABsin60°=8\cdot\dfrac{\sqrt{3}}{2}=4\sqrt{3}.$

$S_{ABC}=\dfrac{1}{2}AC\cdot BC=\dfrac{1}{2}\cdot 4\cdot 4\sqrt{3}=8\sqrt{3}.$

$r=\dfrac{2S}{a+b+c}=\dfrac{16\sqrt{3}}{4+4\sqrt{3}+8}=\dfrac{4\sqrt{3}(3-\sqrt{3})}{(3+\sqrt{3})(3-\sqrt{3})}=$

$=\dfrac{12\sqrt{3}-12}{6}=2\sqrt{3}-2.$

$S_r=\pi\cdot r^2=4\pi(3-2\sqrt{3}+1)=8\pi(2-\sqrt{3}).$



372) [1999_01_32]

$EC=\sqrt{OC^2-OE^2}=\sqrt{16-9}=\sqrt{7}$. $BC=BE+EC=$ $=3+\sqrt{7}.$



373) [1996_03_39]

h – узунлиги 6 га тенг бўлган томонга туширилган баландлик, x – узунлиги 4 га тенг томоннинг ундаги проекцияси бўлсин. У ҳолда узунлиги 5 га тенг бўлган томон проекцияси $6-x$ га тенг бўлади. Пифагор теоремасига кўра $h^2=4^2-x^2$ ва $h^2=5^2-(6-x)^2$. Улардан $16-x^2=25-36+12x-x^2 \Rightarrow 12x=16+11 \Rightarrow$

$\Rightarrow x=\dfrac{27}{12}=\dfrac{9}{4}=2\dfrac{1}{4}.$



374) [1996_12_41]

6 м ли томонга туширилган баландликни h билан, м ли томон проекциясини x билан белгилайлик. У ҳолда м ли томон проекцияси $6-x$ га тенг бўлади. Пифагор теоремасига кўра, $h^2=4^2-x^2$ ва $h^2=5^2-(6-x)^2$. Улардан $16-x^2=25-36+12x-x^2 \Rightarrow 12x=16+11 \Rightarrow x=\dfrac{27}{12}=\dfrac{9}{4}=2\dfrac{1}{4}.$

$6-x=6-2\frac{1}{4}=3\frac{3}{4}$.

375) [1996_11_40]
7 м ли томонга туширилган баландликни h билан, 5 м ли томон проекциясини x билан белгилайлик. У ҳолда 6 м ли томон проекцияси $7-x$ га тенг бўлади. Пифагор теоремасига кўра, $h^2=5^2-x^2$ ва $h^2=6^2-(7-x)^2$. Улардан
$25-x^2=36-49+14x-x^2 \Rightarrow 14x=25+13 \Rightarrow$
$\Rightarrow x=\frac{38}{14}=\frac{19}{7}=2\frac{5}{7}$.

376) [1996_03_104]
Берилган учбурчакнинг ярим периметри $P=\frac{a+b+c}{2}=\frac{13+14+15}{2}=\frac{42}{2}=21$ га тенг. Герон формуласи бўйича унинг юзини топамиз:
$S=\sqrt{p\cdot(p-a)(p-b)(p-c)}=$
$\sqrt{21\cdot(21-15)(21-14)(21-13)}=\sqrt{21\cdot 6\cdot 7\cdot 8}=$
$=\sqrt{21^2\cdot 4^2}=84$.
Учбурчак юзини билган ҳолда, унинг баландлигини топамиз: $h=\frac{2S}{15}=\frac{2\cdot 84}{15}=\frac{168}{15}=11\frac{3}{15}=11{,}2$. (Энг кичик баландлик энг катта томонга туширилган бўлади).

377) [2004_01_465]
Олдинги тест ечимига қаранг.

378) [2002_02_41]
Проекциялар узунлиги $3x$ ва $10x$ бўлсин. У ҳолда $h^2=41^2-(3x)^2=50^2-(10x)^2 \Rightarrow (100-9)x^2=2500-$
$-1681 \Rightarrow x^2=819:91=9$. $h^2=2500-100\cdot 9=1600 \Rightarrow$
$\Rightarrow h=40$.



379) [2000_06_41]
$l=\frac{2a\cdot b}{a+b}\cos\frac{\gamma}{2}=\frac{2\cdot 4\cdot 6}{4+6}\cos 45°=4{,}8\cdot\frac{\sqrt{2}}{2}=2{,}4\sqrt{2}$.

380) [2005_01_287]
Олдинги тест ечимига қаранг.

381) [2003_10_56]
$-\angle ABO=180°-30°-60°=90°.$ Демак ΔAOB тўғри бурчакли ва $\frac{AO}{BO}=tg60°\Rightarrow AO=BO\cdot tg60°=8\sqrt{3}=$

$=\frac{24}{\sqrt{3}}.$



585) [1999_05_45]



$\angle BAD$ нинг биссектрисаси OA уни иккита 30° ли бурчакларга ажратади. AOF учбурчакда $AF=AD:2=10:2=5$ ва $\frac{OA}{AF}=tg30°$ дан $R=OF=$

$=AF\cdot tg30°=5\cdot\frac{1}{\sqrt{3}}=\frac{5}{\sqrt{3}}.$

$\angle ABC=180°-60°=120°$ нинг биссектрисаси OB уни иккита 60° ли бурчакларга ажратади. BEO учбурчакда $\angle OBE=60°$, $EO=R=OF=\frac{5}{\sqrt{3}}$ ва $\frac{EO}{BO}=sinOBE=sin60°=$

$=\frac{\sqrt{3}}{2}$. Ундан $BO=EO:\frac{\sqrt{3}}{2}=\frac{5}{\sqrt{3}}\cdot\frac{2}{\sqrt{3}}=\frac{10}{3}=3\frac{1}{3}.$

586) [1997_06_74]

Доирага ички чизилган тўртбурчакнинг қарама-қарши бурчаклари 180° га тенглигидан: C=60°.

CBD учбурчакка косинуслар теоремасини қўллаймиз:

$BD^2=3^2+7^2-2\cdot 3\cdot 7\cdot cos60^o=9+49-42\cdot 0{,}5=$

$=58-21=37\Rightarrow BD=\sqrt{37}.$

587) [2000_08_50]

ACD тўғри бурчакли учбурчакда CC' баландлик AD гипотенузани 16 ва 4 га тенг бўлакларга бўлади. Ундан $CC'=\sqrt{16\cdot 4}=\sqrt{64}=8.$ ACC' тўғри бурчакли учбурчакда $AC=\sqrt{AC'^2+CC'^2}=\sqrt{16^2+8^2}=8\sqrt{4+1}=$

$=8\sqrt{5}.$



588) [1998_09_45]

ABD тўғри бурчакли учбурчаклигидан $AD=d=2r=2\cdot 6=12$ ва $\angle BAD=180-90-30=60°.$

ABO учбурчакда $AO=BO=r=6$, ABO тенг ёнли ва $\angle DAB=\angle ABO=60°$. У ҳолда $\angle AOB=180-60-60=60°$. Демак, AOB учбурчак тенг томонли ва $AB=AO=r=6$. $ABCD$ трапецияда $\angle B=\angle C=180-\angle A=180-60=120°$. Бундан ташқари, $\angle OBC=\angle ABC-\angle ABO=120-60=60°$. $\angle OBC+\angle BCD=60+120=180°$ лигидан $BO\|CD$. У ҳолда $BC\|OD$ ва ундан $BC=OD=r=6$, $P=a+b+b+c=r+r+r+2r=5r=5\cdot 6=30$.



589) [2003_02_49]



Айланага C нуктадан ўтказилган уринмалар $CE=CG$ ўзаро тенглиги ва $OE=OG=R$ лигидан OCE ва OGC учбурчаклар бир-бирига тенг. Шунга ўхшаш, ODG ва ODF учбурчаклар бир-бирига тенг. У ҳолда $ABCD$ трапеция юзи $ECDF$ трапеция юзининг иккиланганига, $ECDF$ трапеция юзи, ўз навбатида, OCD учбурчак юзининг иккиланганига тенг. $\alpha+\alpha+\beta+\beta=180°$ дан $\alpha+\beta=180:2=90°$ ва $\angle COD=90°$. У ҳолда $S_{OCD}=0{,}5\cdot15\cdot20=150$ ва $S_{tr}=4\cdot150=600$.

590) [2003_12_33]

AO ва BO лар $\angle A$ ва $\angle B$ ларнинг биссектрисалари. Шунинг учун $\angle ABO+\angle BAO=\frac{\angle A+\angle B}{2}=\frac{180°}{2}=90°$.

У ҳолда $\angle AOB=90°$ ва ΔABO – тўғри бурчакли. Пифагор теоремасига кўра, $AB^2=AO^2+OB^2=4^2+3^2=25$ ва $AB=5$. Ундан $r=h=EO=\frac{2S}{AB}=\frac{OA\cdot OB}{AB}=\frac{3\cdot4}{5}=2{,}4$,

$S_d=\pi r^2=2{,}4^2\pi=5{,}76\pi$.



591) [2004_01_573]

Олдинги тест ечимига қаранг.

592) [1997_01_38]

Тенг ёнли трапециянинг ўрта чизиғи e, баландлиги h ва диагонали d тўғри бурчакли учбурчак ташкил этади:

$e=\frac{2{,}1+7{,}5}{2}=\frac{9{,}6}{2}=4{,}8$;

$h=\sqrt{6^2-4{,}8^2}=6\cdot\sqrt{1-0{,}8^2}=6\cdot\sqrt{0{,}36}=6\cdot0{,}6=3{,}6$

У ҳолда $S=\frac{7{,}5+2{,}1}{2}\cdot h=4{,}8\cdot3{,}6=17{,}28$.

Жавоб: 17,28.

593) [1998_02_51]

Пифагор теоремасига кўра, $\frac{a+b}{2}=\frac{15+25}{2}=\frac{40}{2}=20$;

$d=\sqrt{20^2+h^2}=\sqrt{400+225}=\sqrt{625}=25$.



594) [1998_01_37]

Тест шартига кўра, $AB=2a=18$; $P=2a+b+2c+b=2(a+b+c)=48$. $d=\frac{2a+2c}{2}=a+c$ ни топамиз. ABC учбурчак тенг ёнли бўлгани учун $b=2c$. $P=2(a+b+c)=2(a+2c+c)=2a+6c=48=>6c=48-2a=$ $=48-18=30=>c=5=>d=a+c=9+5=14$.



595) [2003_12_83]



ABC учбурчак тенг ёнли бўлиб, $c=a$. Шунга ўхшаш, BCD учбурчак тенг ёнли бўлиб, $a=d$. У ҳолда $c=a=d$. $a+b=2\cdot11{,}7=23{,}4$ дан $c+d=2c=36-23{,}4=12{,}6$ ёки $c=12{,}6:2=6{,}3$. Ундан $b=36-3c=36-3\cdot6{,}3=36-18{,}9=17{,}1$.

596) [1998_08_37]

Тест шартига кўра,

$a=b=>a+b+a=42-c=39=>3b=39=>b=13=>$

$=>d=\frac{b+c}{2}=\frac{3+13}{2}=\frac{16}{2}=8$.



597) [2005_01_296]
Олдинги тест ечимига каранг. Жавоб: 12.

598) [1997_09_107]

Синуслар теоремасига кўра, $\frac{4}{sin30^\circ} = \frac{4\sqrt{2}}{sin\beta}$;

$sin\beta = \frac{4\sqrt{2}}{4} \cdot sin30^\circ = \sqrt{2} \cdot \frac{1}{2} = \frac{\sqrt{2}}{2}$; $\beta = 45^\circ$;
$\alpha = \beta = 45^\circ$. Жавоб: 45°.



599) [2004_01_476]
Олдинги тест ечимига каранг.

600) [1997_12_17]
$\angle BCA = \angle CAD = 40^\circ$ лигидан ва $AC=CD$ га кўра, ΔACD тенг ёнли. У ҳолда $\angle D = 40^\circ$.



601) [2004_01_533]
Олдинги тест ечимига каранг.

602) [1998_03_47]
Тенг ёнли тўғри учбурчакнинг катетлари бир-бирига тенглигидан:

$$S = \frac{c+d}{2} \cdot h = \frac{c+d}{2} \cdot (h_1 + h_2) = \frac{c+d}{2} \cdot \left(\frac{c}{2} + \frac{d}{2}\right) =$$

$$= \frac{(c+d)^2}{4} = \frac{(8+12)^2}{4} = \frac{400}{4} = 100.$$



603) [1998_11_83]
Трапециянинг диагоналлари уни 4 та тўғри бурчакли учбурчакларга ажратади. Шунинг учун,

$$S_{tr} = \frac{d_1 d_1}{2} + \frac{d_1 d_2}{2} + \frac{d_2 d_1}{2} + \frac{d_2 d_2}{2} = \frac{(d_1 + d_2)^2}{2} =$$

$$= \frac{(3\sqrt{2} + 6\sqrt{2})^2}{2},$$ бу ерда

$$a^2 = d_1^2 + d_1^2 \Rightarrow d_1 = \frac{a}{\sqrt{2}} = \frac{6}{\sqrt{2}} = 3\sqrt{2}.$$

$$d_2^2 + d_2^2 = b^2 \Rightarrow d_2 = \frac{b}{\sqrt{2}} = \frac{12}{\sqrt{2}} = 6\sqrt{2}.$$

$$S_{tr} = \frac{9^2(\sqrt{2})^2}{2} = 81.$$



604) [1998_10_94]
Пифагор теоремасига кўра,

$$d_1^2 + d_1^2 = a^2 \Rightarrow d_1 = \frac{a}{\sqrt{2}} = \frac{6}{\sqrt{2}} = 3\sqrt{2};$$

$$d_2^2 + d_2^2 = b^2 \Rightarrow d_2 = \frac{b}{\sqrt{2}} = \frac{14}{\sqrt{2}} = 7\sqrt{2};$$

$$c = \sqrt{d_1^2 + d_2^2} = \sqrt{9 \cdot 2 + 49 \cdot 2} = \sqrt{116} = 2\sqrt{29}.$$



605) [2001_11_46]
OBC тенг ёнли тўғри бурчакли учбурчакда $BC^2 = OB^2 + OC^2 = 2OB^2 = 2 \cdot 6^2$. Ундан $OB = 6$. AOD тенг ёнли тўғри бурчакли учбурчакда $AD^2 = AO^2 + OD^2 = 2OD^2 = 2 \cdot 18$. Ундан $OD = 18$. $BD = OB + OD = 6 + 18 = 24$; $AC = BD = 24$.

$$S_{mp} = \frac{d_1 \cdot d_2}{2} sin\gamma = \frac{24 \cdot 24}{2} \cdot sin90^\circ = 24 \cdot 12 = 288.$$

606) [2002_12_62]
Олдинги тест ечимига каранг.

607) [2003_11_46]
Томони 6 га тенг квадрат ҳам тестдаги тенг ёнли трапеция шартларини қаноатлантиради ва унинг юзи 36 га тенг.

608) [2000_07_45]
$\frac{AC}{AD} = cos30^\circ$ дан $AD = \frac{AC}{\sqrt{3}/2} = \frac{8 \cdot 2}{\sqrt{3}} = \frac{16 \cdot \sqrt{3}}{3}$.

ABC – тенг ёнли учбурчакда $AB = BC$ ва косинуслар теоремасига кўра, $AC^2 = AB^2 + BC^2 - 2AB \cdot BC \cdot$ $\cdot cos120° = 2BC^2 + 2BC^2 \cdot \frac{1}{2} = 3BC^2$. Ундан $BC = \frac{AC}{\sqrt{3}} =$ $= \frac{8}{\sqrt{3}} = \frac{8\sqrt{3}}{3}$. У ҳолда трапециянинг ўрта чизиғи $e = \frac{a+b}{2} = \frac{(16+8)}{2 \cdot 3}\sqrt{3} = 4\sqrt{3}$.



609) [2001_06_49]
Трапециянинг асосига туширилган баландлик асосни x ва $4x$ узунликдаги бўлакларга ажратсин. ACD учбурчакда $h^2 = c_a \cdot c_b$. Ундан $x \cdot 4x = 4x^2 = 4^2 \Rightarrow x^2 =$ $= 4 \Rightarrow x = 2$. $\frac{a+b}{2} = \frac{3x+5x}{2} = 4x = 4 \cdot 2 = 8$.

$S_{тр} = \frac{a+b}{2}h = 8 \cdot 4 = 32$.



610) [2001_05_37]
Шартга кўра, $ABCE$ – квадрат, CDE – тенг ёнли тўғри бурчакли учбурчак. $BC = AB = 2$. $AD = AE + ED = 2 + 2 = 4$. Ўрта чизиқ: $\frac{BC + AD}{2} =$ $= \frac{2+4}{2} = 3$.



611) [1996_06_27]
ΔAOB ва ΔOCD лар ўхшашлигидан $\frac{OC}{CD} = \frac{AO}{AB}$
$AO = \frac{OC \cdot AB}{CD} = \frac{8 \cdot 6}{3} = 16$. Жавоб: 16.

612) [1997_08_25]
$\Delta BOC \sim \Delta AOD \Rightarrow \frac{OC}{OA} = \frac{BC}{AD} \Rightarrow BC = \frac{OC}{OA} \cdot AD =$ $= \frac{1}{3} \cdot 12 = 4$.

613) [2004_01_532]
Олдинги тест ечимига қаранг.

614) [1999_05_44]
BOC ва AOD учбурчаклар ўхшаш бўлиб, ўхшашлик коэффициенти $\sqrt{\frac{4}{9}} = \frac{2}{3}$. BCD ва BOC учбурчакнинг асослари бир хил бўлиб, баландлиги $\frac{2x+3x}{2x} = \frac{5}{2}$ марта катта. У ҳолда $S_{BCD} = \frac{5}{2}S_{BOC} = \frac{5}{2} \cdot 4 = 10$. Шунга ўхшаш, $S_{ABD} = \frac{5}{3}S_{AOD} = \frac{5}{3} \cdot 9 = 15$. Демак, $S_{тр} = 10 + 15 = 25$.



615) [2000_09_48]
ΔBOC ва ΔAOD лар ўхшаш бўлиб, ўхшашлик коэффициенти $\sqrt{\frac{9}{16}} = \frac{3}{4}$. $BO = 3x$; $CO = 3y$ десак, $DO = 4x$; $AO = 4y$ бўлади. $S_{тр} = \frac{1}{2}d_1 \cdot d_2 sin\gamma =$ $= \frac{1}{2}AC \cdot BD sin\gamma = \frac{1}{2} \cdot 7x \cdot 7y\, sin\gamma = \frac{49}{2}xysin\gamma$. $S_{BOC} =$ $= \frac{1}{2}BO \cdot OC \cdot sin\gamma = \frac{1}{2} \cdot 3x \cdot 3ysin\gamma = \frac{9}{2}xysin\gamma = 9$ дан $\frac{xysin\gamma}{2} = 1$. Демак, $S_{тр} = 49 \cdot \frac{xysin\gamma}{2} = 49 \cdot 1 = 49$.



616) [2004_01_552]
Олдинги тест ечимига қаранг.

617) [2003_09_51]



BOC ва AOD учбурчаклар ўхшаш бўлиб, ўхшашлик коэффициенти $k = \frac{OD}{OB} = \frac{4}{2} = 2$. У ҳолда $S_{AOD} = k^2 \cdot S_{BOC} = 2^2 \cdot 6 = 4 \cdot 6 = 24$.
$S_{BCD} = \frac{2+4}{2} \cdot S_{BOC} = 3 \cdot 6 = 18$. $S_{ABD} = \frac{2+4}{4} \cdot S_{AOD} =$ $= \frac{3}{2} \cdot 24 = 36$. $S_{tr} = S_{BCD} + S_{ABD} = 18 + 36 = 54$.

618) [2000_03_78]
$h^2 = 5^2 - 1^2 = 24$. $d = \sqrt{(4+1)^2 + h^2} = \sqrt{25+24} = 7$.
$d_1 + d_2 = 2d = 2 \cdot 7 = 14$.



619) [1999_08_47]
Тенг ёнли трапециянинг кичик асоси учидан туширилган баландлик катта асосни бири ўрта чизиққа тенг бўлган икки кесмага ажратади. У ҳолда $h^2=d^2-b_1^2=8^2-4^2=48$. $b_2=\sqrt{7^2-h^2}=\sqrt{49-48}=$ $=\sqrt{1}=1$. $a=b_1-b_2=4-1=3$.



620) [2000_03_79]
$\frac{a}{20}=sin30°$ дан $a=20\cdot sin30°=20\cdot\frac{1}{2}=10$. У ҳолда ўрта чизиқ $\frac{a+b}{2}=\frac{10+20}{2}=15$.



621) [2002_03_64]
$EF=\frac{BC+AD}{2}=\frac{12+28}{2}=20$. EG ва HF лар ABC ва DBC учбурчакларнинг ўрта чизиқлари: $EG=\frac{1}{2}BC=\frac{1}{2}\cdot12=6$; $HF=\frac{1}{2}BC=\frac{1}{2}\cdot12=6$. У ҳолда $GH=EF-EG-HF=20-6-6=8$.



622) [2001_10_44]
$GH=EF-EG-HF=\frac{BC+AD}{2}-\frac{1}{2}BC-\frac{1}{2}BC=$
$=\frac{7+17}{2}-\frac{1}{2}\cdot7-\frac{1}{2}\cdot7=12-7=5$.

623) [2002_10_35]
EG кесма ABC нинг ўрта чизиғи, GF эса ACD нинг ўрта чизиғи. Шартга кўра $\frac{GF}{EG}=2$. У ҳолда $\frac{AD}{BC}=\frac{2GF}{2EG}=\frac{GF}{EG}=\frac{2}{1}$. Жавоб: 2:1.



624) [2001_02_44]
$BC=2EG=2\cdot3=6$; $AD=2GF=2\cdot7=14$.
$AD=AB'+B'C'+C'D=AB'+BC+C'D=6+2C'D=14$ дан $C'D=\frac{14-6}{2}=4$. Ундан $h=CC'=\sqrt{5^2-4^2}=$ $=\sqrt{9}=3$. $S=\frac{a+b}{2}h=\frac{BC+AD}{2}\cdot CC'=\frac{6+14}{2}\cdot3=30$.



625) [2003_09_62]
ABC учбурчакнинг ўрта чизиғи $EO=3$ бўлса, асоси $BC=2EO=2\cdot3=6$. ACD учбурчакнинг ўрта чизиғи $OF=7$ бўлса, асоси $AD=2\cdot OF=2\cdot7=14$. Трапеция тенг ёнли бўлгани учун $AH=DG$. $HG=BC=6$ лигидан $AH=(AD-BC):2=(14-6):2=4$. ABH тўғри бурчакли учбурчакда $BH=\sqrt{AB^2-AH^2}=\sqrt{5^2-4^2}=\sqrt{9}=3$. У ҳолда трапеция юзи $S=\frac{a+b}{2}\cdot h=\frac{6+14}{2}\cdot3=30$.



626) [1996_09_96]
Трапециянинг диагоналлари уларнинг кесишиш нуқтасида асосларига пропорционал бўлакларга ажралади. Демак, иккинчи диагонал ҳам $10:8$ нисбатда бўлинади:
$10x+8x=27 \Rightarrow 18x=27 \Rightarrow x=1,5 \Rightarrow 10x=10\cdot1,5=15$;
$8x=8\cdot1,5=12$. Жавоб: 12 ва 15.

627) [2004_01_526]
Олдинги тест ечимига қаранг.

628) [1996_10_46]
Трапециянинг диагоналлари уларнинг кесишиш нуқтасида асосларига пропорционал бўлакларга ажралади:
$6x+18x=12 \Rightarrow 24x=12$; $x=12:24=0,5$; $6x=0,5\cdot6=3$ см.
$18x=0,5\cdot18=9$ см.

629) [1998_06_35]

$S=\frac{1}{2}d_1d_2\sin\gamma$ формулага кўра, диагоналлари перпендикуляр бўлганда трапеция юзи энг катта бўлади: $S=\frac{1}{2}d_1d_2=0{,}5\cdot10\cdot12=60.$

630) [2005_01_319]

$S=\frac{1}{2}d_1d_2\sin\gamma$ формулага кўра, диагоналлари перпендикуляр бўлганда трапеция юзи энг катта бўлади: $S=\frac{1}{2}d_1d_2=0{,}5\cdot10\cdot24=120.$

631) [2003_02_47]

ACF учбурчакда $\angle CAF=30^\circ$; $AC=8\sqrt{3}$. У холда $AF=AC\cdot\cos30^\circ=8\sqrt{3}\cdot\frac{\sqrt{3}}{2}=4\cdot3=12.$ Трапециянинг ўрта чизиғи $\frac{a+b}{2}=\frac{a+l+a+l}{2}=l+a=AE+EF=$ $=AF=12.$



632) [2003_12_42]

$\Delta DOC\sim\Delta BOA$ бўлиб, $AB=2CD$. Ундан $AO=2OC$. $AO+CO=12$ дан $AO=8$. AON тўғри бурчакли учбурчакда

$AN=\sqrt{AO^2+ON^2}=\sqrt{8^2+15^2}=\sqrt{64+225}=\sqrt{289}=17.$



633) [1997_09_103]

Бурчаклардан бирини x билан белгиласак, иккинчиси $4x$ га тенг бўлади. Уларнинг йиғиндиси 180° га тенг бўлгани учун

$x+4x=180\Rightarrow5x=180\Rightarrow x=180:5=36^\circ\Rightarrow$

$\Rightarrow4x=4\cdot36=144^\circ$. Жавоб: 36° ва 144°.

634) [2004_01_513]

Олдинги тест ечимига каранг.

635) [1996_07_43]

ABE тўғри бурчакли учбурчакдан трапеция баландлигини топамиз: $AE=\frac{AD-BC}{2}=\frac{13-7}{2}=\frac{6}{2}=3.$

$\angle A=180^\circ-\angle B=180^\circ-135^\circ=45^\circ,$

$\frac{BE}{AE}=tgA\Rightarrow BE=AE\cdot tgA=3\cdot tg45^\circ=3\cdot1=3.$

У холда $S=\frac{AD+BC}{2}\;BE=\frac{13+7}{2}\cdot3=10\cdot3=30.$



636) [1997_03_43]

Трапециянинг баландлигини топамиз:

$c=\frac{b-a}{2}=\frac{20-10}{2}=\frac{10}{2}=5;$

$\frac{h}{c}=tg\alpha=tg60^\circ;\;h=c\cdot tg60^\circ=5\cdot\sqrt{3}.$

У холда $S=\frac{a+b}{2}\cdot h=\frac{10+20}{2}\cdot5\sqrt{3}=15\cdot5\sqrt{3}=75\sqrt{3}.$



637) [1997_07_43]

Трапециянинг баландлигини топамиз:

$c=\frac{b-a}{2}=\frac{16-8}{2}=\frac{8}{2}=4.$

$\frac{h}{c}=tg\alpha=tg30^\circ\Rightarrow h=c\cdot tg30^\circ=4\cdot\frac{1}{\sqrt{3}}.$

У холда $S=\frac{a+b}{2}h=\frac{16+8}{2}\cdot\frac{4}{\sqrt{3}}=\frac{48}{\sqrt{3}}=16\sqrt{3}.$



638) [1997_10_43]

Трапециянинг баландлигини топамиз:

1) $x=\frac{16-12}{2}=2;$ 2) $\frac{x}{h}=tg60^\circ;\;h=2\sqrt{3};$

У холда $S=\frac{16+12}{2}\cdot2\sqrt{3}=28\sqrt{3}.$

639) [1997_06_38]

Трапециянинг баландлигини топамиз:

$2c=b-a\Rightarrow c=\frac{b-a}{2}=\frac{5{,}4-4{,}2}{2}=\frac{1{,}2}{2}=0{,}6.$

$\frac{h}{c}=tg45^\circ\Rightarrow h=c\cdot tg45^\circ=0{,}6\cdot1=0{,}6.$

$S=\frac{a+b}{2}h=\frac{5{,}4+4{,}2}{2}\cdot0{,}6=\frac{9{,}6}{2}\cdot0{,}6=4{,}8\cdot0{,}6=2{,}88.$

640) [1999_01_45]

$b=a+2x$ бўлсин. $\frac{x}{1}=cos60^\circ$ дан $x=1\cdot cos60^\circ=0{,}5$.

У ҳолда $a=b-2x=2{,}7-2\cdot0{,}5=2{,}7-1=1{,}7$.



641) [2002_02_39]

$b=x+a+x$ бўлсин. $b=2a$ дан $x=\frac{b-a}{2}=\frac{2a-a}{2}=$
$=\frac{a}{2}$. $\frac{x}{c}=cos60^\circ$ дан $c=\frac{x}{cos60^\circ}=\frac{a/2}{1/2}=a$. У ҳолда $P=a+b+2c=a+2a+2a=5a=50;$ $a=50:5=10$ ва $b=2a=2\cdot10=20$.



642) [2001_01_55]

$x=\frac{b-a}{2}=\frac{6-2}{2}=2.$ $c=\frac{x}{cos60^\circ}=\frac{2}{0{,}5}=4.$

$P=a+b+2c=2+6+2\cdot4=16.$



643) [1999_07_37]

$x=\sqrt{5^2-4^2}=\sqrt{9}=3;$ $a=b-2x=9-2\cdot3=3.$

$e=\frac{a+b}{2}=\frac{3+9}{2}=6.$



644) [1997_11_38]

Аввал трапециянинг баландлигини, сўнг юзини топамиз:

1) $x=\frac{14-8}{2}=3;$ 2) $h^2=5^2-3^2;$ h=4;

3) $S=\frac{14+8}{2}\cdot4=44.$ Жавоб: 44.

645) [1998_05_38]

Пифагор теоремасидан фойдаланамиз: a=41; h=40; d=45, $a_c=\sqrt{a^2-h^2}=\sqrt{41^2-40^2}=\sqrt{1681-1600}=$
$=\sqrt{81}=9 \Rightarrow c=d+a_c=45+9=54.$



646) [2005_01_295]

Пифагор теоремасидан фойдаланамиз: a=41; h=40; d=51, $a_c=\sqrt{a^2-h^2}=\sqrt{41^2-40^2}=\sqrt{1681-1600}=$
$=\sqrt{81}=9 \Rightarrow c=d+a_c=51+9=60.$

647) [1996_10_45]

Трапециянинг асослари йиғиндиси ўрта чизиқнинг иккиланганига тенглигидан ва ён томонлари ўзаро тенглигига кўра, $\frac{(36-2\cdot10)}{2}=\frac{36-20}{2}=\frac{16}{2}=8$ см.

648) [2004_01_507]

Олдинги тест ечимига қаранг.

649) [1999_02_47]

$x=\sqrt{5^2-4^2}=\sqrt{9}=3.$ $b=a+2x=5+2\cdot3=11.$

$S=\frac{a+b}{2}\cdot h=\frac{5+11}{2}\cdot4=8\cdot4=32.$ $S-12=32-12=20.$

650) [2002_09_55]

$h=b\cdot sin\alpha;$ $x=b\cdot cos\alpha;$ $a=b+2bcos\alpha.$

$S_{тр}=\frac{a+b}{2}h=\frac{2b+2bcos\alpha}{2}\cdot bsin\alpha=b^2(1+cos\alpha)\cdot sin\alpha=$

$=2b^2cos^2\frac{\alpha}{2}sin\alpha.$



651) [1997_04_51]

$\frac{a}{c}\neq\frac{b}{c}$ аниқлаб бўлмайди.



652) [1997_09_111]

Жавоб: ҳисоблаб бўлмайди, бу ерда BCD учбурчакни ўзгартирмасдан, AB узунлигини ихтиёрий ўзгартириш мумкин.

653) [1997_12_25]
Тўғри бурчакли учбурчакда $h^2=c_a c_b$ лигидан: $BE^2=AE\cdot ED=4\cdot 9=36 \Rightarrow BE=6$. Жавоб: 6.

654) [2004_01_534]
Олдинги тест ечимига қаранг.

655) [2001_05_39]
Шартга кўра, BCE тенг томонли учбурчак. У ҳолда $\angle BEC=60°$. $\angle AEB=\angle DEC$ лигидан $\angle AEB=\angle DEC=$ $=\dfrac{180°-\angle BEC}{2}=\dfrac{120}{2}=60°$. $AE=BE$ лигидан $\angle BAE=$ $=\angle ABE=\dfrac{180-\angle AEB}{2}=\dfrac{180-60}{2}=60°$. Шунга ўхшаш, $\angle EDC=60°$. У ҳолда $\angle B=\angle C=180°-\angle A=120°$. Жавоб: 60°; 120°; 120°; 60°.



656) [2003_10_54]
Трапеция тенг ёнли бўлгани учун $b=l+a+l=a+2l$ дан $l=0,5(b-a)$. $c=b-a$ га кўра, ABE тўғри бурчакли учбурчакда $cosA=\dfrac{l}{c}=\dfrac{1}{2}$ ёки $A=60°$. У ҳолда $\angle B=180°-\angle A=180°-60°=120°$



657) [1997_03_48]
Параллелограммнинг қўшни бурчаклари йиғиндиси 180° га тенглигидан:
$\alpha+20°+50°=180° \Rightarrow \alpha=180°-20°-50°=180°-70°=110°$.



658) [2004_01_537]
Олдинги тест ечимига қаранг.

659) [1997_07_48]
Параллелограммнинг қарама-қарши бурчаклари бир-бирига тенг бўлади. $2\alpha+2\beta=360° \Rightarrow 2\beta=360°-2\alpha=360°-$ $-100°=260° \Rightarrow \beta=260:2=130°$.



660) [2004_01_529]
Олдинги тест ечимига қаранг.

661) [1997_05_44]
Параллелограмм бурчакларидан бирини x десак, иккинчи $x+70$ га тенг бўлади: $x+x+70=180° \Rightarrow 2x=180°-$ $-70° \Rightarrow x=110:2=55° \Rightarrow x+70=125°$. Жавоб: 55° ва 125°.

662) [1997_09_44]
Тест шартига кўра, $\begin{cases}\alpha+\beta=180°\\ \beta-\alpha=50°\end{cases} \Rightarrow 2\beta=230° \Rightarrow$
$\Rightarrow \beta=115° \Rightarrow \alpha=\beta-50=115-50=65°$.

663) [2001_01_54]
Параллелограмм бурчакларидан бири x десак, иккинчиси $3x$ бўлади $x+3x=180°$ дан $x=180:4=45°$ ва $3x=3\cdot 45°=135°$.

664) [1999_02_45]
$\angle DAE=\angle EAF-90°=130°-90°=40°$. $\angle ADE=180°-$ $-90°-\angle EAD=90°-40°=50°$. $\angle C=\angle EDA=50°$.



665) [1997_08_37]
Параллелограмм юзини ҳисоблаш формуласига кўра, $S=absin\alpha \Rightarrow 4\cdot 8\cdot sin\alpha=16 \Rightarrow sin\alpha=0,5 \Rightarrow \alpha=30°$ ёки $\alpha=150°$. Жавоб: 150°.

666) [1996_09_100]
Параллелограмм юзини $S=absin\alpha$ формула орқали топиш мумкин.

667) [2003_12_34]
Берилганлар етарли эмас.

668) [2002_09_54]
$S=\dfrac{d_1\cdot d_2}{2}sin\alpha$ формулага кўра, диагоналлар орасидаги бурчак 90° бўлганда параллелограмм юзи энг катта бўлади. Бунда $b=a=\sqrt{(\frac{d_1}{2})^2+(\frac{d_2}{2})^2}=$ $=\sqrt{8^2+6^2}=\sqrt{100}=10;\ P=2(a+b)=4a=4\cdot 10=40$.

669) [2004_01_571]
Олдинги тест ечимига қаранг.

670) [1996_01_45]
Тест шартига кўра, $S=144;\ h_1=8;\ h_2=12$.
$S=ah_1=bh_2$ бўлгани учун
$a=\dfrac{S}{h_1}=\dfrac{144}{8}=18$ см, $b=\dfrac{S}{d_2}=\dfrac{144}{12}=12$ см.
У ҳолда параллелограмм периметри
$P=(a+b)=2\cdot(18+12)=2\cdot 30=60$ см. Жавоб: 60.

671) [1996_09_97]
Параллелограмм юзини ҳисоблаш формуласига кўра, $S=\dfrac{1}{2}d_1\cdot d_2\cdot sin\alpha=\dfrac{1}{2}\cdot 6\cdot 8\cdot\dfrac{1}{2}=12$.

672) [2005_01_312]
$S=\dfrac{d_1 d_2}{2}sin\varphi=\dfrac{6\cdot 32}{2}sin30°=6\cdot 8=48$.

673) [2003_11_28]



$AO = d_2/2 = \sqrt{32} : 2 = \sqrt{8}$; $BO = d_1/2 = 4 : 2 = 2$.

Косинуслар теоремасига кўра, $b^2 = AO^2 + BO^2 -$
$- 2 \cdot AO \cdot BO \cdot cos45° = 8 + 4 - 2 \cdot 2\sqrt{2} \cdot 2 \cdot \frac{\sqrt{2}}{2} = 4$ ёки

$b=2$. $S_п = b \cdot h_b = \frac{d_1 \cdot d_2 \cdot sin45°}{2}$ дан

$$h_b = \frac{d_1 d_2 sin45°}{2 \cdot h_b} = \frac{4 \cdot \sqrt{32} \cdot \frac{\sqrt{2}}{2}}{2 \cdot 2} = \frac{4 \cdot \sqrt{64}}{8} = 4.$$

674) [2005_01_299]

$S = ah_1 = bh_2$ га кўра, $\frac{a}{b} = \frac{h_2}{h_1} = \frac{3}{2}$. $a = 3x$ десак, $b = 2x$ ва $3x + 2x = 20$. Ундан $x = 20 : 5 = 4$, $3x = 12$.

675) [1997_01_30]

Аввал параллелограмм томонларини топиб олиб, сўнг унинг юзини ҳисоблаймиз:

$$\begin{cases} 2x + 2y = 48 \\ \frac{x}{y} = \frac{3}{5} \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} x + y = 24 \\ x = 0{,}6y \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} x = 9 \\ y = 15 \end{cases} \Rightarrow$$

$$\Rightarrow S = xysin120° = xysin60° = 15 \cdot 9 \cdot \frac{\sqrt{3}}{2} = 67{,}5\sqrt{3}.$$

Жавоб: $67{,}5\sqrt{3}$.

676) [1997_06_30]

Аввал параллелограмм томонларини топиб олиб, сўнг унинг юзини ҳисоблаймиз: $a = 4b$;

$P = 2(a + b) = 2 \cdot (4b + b) = 2 \cdot 5b = 10b = 20\sqrt{2} \Rightarrow b = 2\sqrt{2}$;

$a = 4b = 8\sqrt{2}$.

$$S = absin\alpha = 2\sqrt{2} \cdot 8\sqrt{2} \cdot sin45° = 16 \cdot 2 \cdot \frac{\sqrt{2}}{2} = 16\sqrt{2}.$$

677) [1997_11_30]

Аввал параллелограмм томонларини топиб олиб, сўнг унинг юзини ҳисоблаймиз:

$2 \cdot (2x + 3x) = 60 \Rightarrow 5x = 30 \Rightarrow x = 6 \Rightarrow 2x = 12$; $3x = 18$.

$S = ab \cdot sin\alpha = 12 \cdot 18 \cdot sin30° = 216 \cdot 0{,}5 = 108$.

Жавоб: 108.

678) [2001_06_50]

$S_п = 2S_{ABD} = 2 \cdot 4S_{AEF} = 8 \cdot 32 = 256.$



679) [1999_01_33]

$AB + AD = \frac{P}{2} = \frac{10}{2} = 5$. $P_{ABD} = AB + AD + BD = 5 +$
$+ BD = 8$. Ундан $BD = 8 - 5 = 3$.

680) [2003_04_48]



Параллелограмм диагоналлари кесишиш нуқтасида тенг иккига бўлинади: $BO=OD$. Шунинг учун P_1-
$-P_2=(AD+DO+OA)-(AB+BO+OA)=(AD-AB)+(DO-OB)=$
$=a-b=2$ ёки $a=b+2$. Параллелограмм периметри $P=2\cdot(a+b)=2\cdot(b+2+b)=4b+4=44$ дан $b=40:4=10$ ва $a=b+2=12$.

681) [2000_03_80]

$P = 2(AB + AD) = 30$ дан $AB + AD = 15$. ABD учбурчакнинг биссектрисаси BD томонни AB ва AD ларга пропорционал бўлакларга ажратади. $AB = 3{,}2x$ десак, $AD = 8{,}8x$ бўлади. $AB + AD = 15$ дан $3{,}2x + 8{,}8x = 15 \Rightarrow 12x = 15 \Rightarrow x = 1{,}25 \Rightarrow 8{,}8x = 8{,}8 \cdot$
$\cdot 1{,}25 = 11$.

682) [2000_07_41]

$\angle A = 30°$; $\angle B = 180° - 30° = 150°$; $\angle BAE = \frac{30}{2} = 15°$.

ABE учбурчакда
$\angle E = 180° - \angle B - \angle BAE = 180° - 150° - 15° = 15°$. Демак, ΔABE тенг ёнли ва $AB = BE = 4$. $BC = BE + EC =$
$= 4 + 2 = 6$ дан $S_п = absin\alpha = 4 \cdot 6 \cdot sin30° = 24 \cdot \frac{1}{2} = 12$.

683) [2000_06_42]

ΔABE ва ΔCDF лар тенг ёнли эканлигидан $BE = AB = 5$; $FC = CD = 5$. У ҳолда $EF = BC - BE -$
$- FC = 12 - 5 - 5 = 2$.



684) [1996_03_102]

$AD \perp BD$ бўлгани учун

$S = AD \cdot BD \Rightarrow BD = \frac{S}{AD} = \frac{12}{3} = 4$;

Пифагор теоремасига кўра,

$AB = \sqrt{AD^2 + BD^2} = \sqrt{3^2 + 4^2} = \sqrt{25} = 5$;

Бундан $S = AB \cdot DE \Rightarrow DE = \frac{S}{AB} = \frac{12}{5} = 2{,}4$ см.

685) [1996_09_36]

$AD \perp BD$ бўлгани учун

$S_{ABCD} = AD \cdot BD = AD^2 = 32 \Rightarrow AD = \sqrt{32} = 4\sqrt{2}$

Пифагор теоремасига кўра,

$AB = \sqrt{2AD^2} = \sqrt{2 \cdot 32} = \sqrt{64} = 8.$

У ҳолда $S = AB\cdot DE = 8\cdot DE = 32 \Rightarrow DE = \frac{32}{8} = 4.$

686) [1996_13_44]
$AD \perp BD$ бўлгани учун
$S = ah = AD\cdot BD = AD^2 = 32 => AD = \sqrt{32}$;
Пифагор теоремасига кўра,
$AB = \sqrt{AD^2+BD^2} = \sqrt{32+32} = \sqrt{64} = 8.$

687) [1996_12_106]
Тест шартига кўра,
$S = AD\cdot BD = 4\cdot AD = 12 => AD = 3.$
$AB = \sqrt{AD^2+BD^2} = \sqrt{4^2+3^2} = 5$

688) [1997_10_44]
Тангенснинг ва синуснинг таърифидан фойдаланиб, параллелограмм томонларини ва периметрини топамиз:
1) $\frac{4}{a} = tg45^o$; $a=4$; 2) $\frac{4}{b} = sin45^o$; $b=4\sqrt{2}$;
$P = 2a+2b = 8+8\sqrt{2}$. Жавоб: $8(1+\sqrt{2})$.

689) [2000_01_51]
ACD тўғри бурчакли учбурчакда CE баландлик $CE=\sqrt{AE\cdot ED}=\sqrt{16\cdot 4}=8.$ $S_{ACD}=\frac{1}{2} AD\cdot CE = \frac{1}{2}(16+4)\cdot 8=80.$ У ҳолда $S_n = 2S_{ACD} = 2\cdot 80=160.$

690) [1998_09_44]
OC диагонал параллелограммни иккита бир хил учбурчакка ажратади.
$S = 2\cdot S_{ABC} = OB\cdot(AO+OC) = 4\cdot(8+6)=4\cdot 14=56.$

691) [2001_05_42]
$S_n = ah = 3h\cdot h = 3h^2 = 48$ дан $h=\sqrt{48:3}=4$ ва $a = ah = 12.$

692) [1999_04_41]
Параллелограммнинг баландликлари орасидаги бурчак унинг томонлари орасидаги бурчакка тенг.
$a=\frac{S}{h_1}=\frac{S}{12\sqrt{3}}$; $b=\frac{S}{h_2}=\frac{S}{4}$. $S = absin\alpha = \frac{S}{12\sqrt{3}}\cdot\frac{S}{4}\cdot sin60^\circ = \frac{S^2}{48\sqrt{3}}\cdot\frac{\sqrt{3}}{2} => S=\frac{S^2}{96} => S^2=96S => S=96.$

693) [2000_03_82]
Параллелограммнинг диагоналлари $4x$ ва $6x$, ярим диагоналлари $2x$ ва $3x$ бўлсин. Диагоналлар орасидаги бурчак α бўлсин. Косинуслар теоремасига кўра, $a^2=(2x)^2+(3x)^2-2\cdot 2x\cdot 3xcos\alpha$ ва $b^2=(2x)^2+(3x)^2+2\cdot 2x\cdot 3xcos\alpha$. Улардан $a^2=13x^2-12x^2cos\alpha$; $b^2=13x^2+12x^2cos\alpha$. Уларни қўшамиз: $a^2+b^2=26x^2$. Ундан $x^2=\frac{a^2+b^2}{26}=\frac{11^2+23^2}{26}=\frac{121+529}{26}=\frac{650}{26}=25$ $=> x=5 => d=6x=30.$



694) [2001_02_45]
Косинуслар теоремасига кўра,
$a^2=3^2+4^2-2\cdot 3\cdot 4\cdot cos60^\circ=25-12=13.$
$a=\sqrt{13}$. $b^2=3^2+4^2-2\cdot 3\cdot 4\cdot cos120^\circ=25+12=37$;
$b=\sqrt{37}$. У ҳолда $P=2(a+b)=2(\sqrt{13}+\sqrt{37})$.

695) [2001_11_47]
$a^2+b^2=\frac{d_1^2+d_2^2}{2}$ дан $2(a^2+b^2)=d_1^2+d_2^2=6^2\cdot 2+8^2\cdot 2=100\cdot 2=200.$

696) [2000_05_57]
$S_n = absin\alpha$ дан $sin\alpha=\frac{S}{ab}=\frac{24}{5\cdot 6}=\frac{4}{5}$. Ундан $cos\alpha=\sqrt{1-(\frac{4}{5})^2}=\sqrt{\frac{9}{25}}=\frac{3}{5}$. Косинуслар теоремасига кўра, $d^2=a^2+b^2-2abcos\alpha=5^2+6^2-2\cdot 5\cdot 6\cdot\frac{3}{5}=61-36=25.$ $d=\sqrt{25}=5.$

697) [2002_01_70]
Косинуслар теоремасига кўра, $4^2=3^2+5^2-2\cdot 3\cdot 5cos\alpha$. Ундан $cos\alpha=\frac{34-16}{30}=\frac{3}{5}$. У ҳолда $sin\alpha=\sqrt{1-cos^2\alpha}=\sqrt{1-(\frac{3}{5})^2}=\sqrt{\frac{16}{25}}=\frac{4}{5}$. $S=absin\alpha=3\cdot 5\cdot\frac{4}{5}=12.$

698) [2002_12_59]
$\begin{cases}a+b=10\\a-b=6\end{cases} => \begin{cases}2a=16\\2b=4\end{cases} => \begin{cases}a=8\\b=2\end{cases} => d_1^2+d_2^2 = 2(a^2+b^2)=2\cdot(8^2+2^2)=136.$

699) [1999_02_46]
$b=\sqrt{a^2+h_a^2}=\sqrt{8^2+6^2}=\sqrt{100}=10.$ $S=a\cdot h_a=8\cdot 6=48.$
$h_b=\frac{S}{b}=\frac{48}{10}=4{,}8.$

700) [1998_02_49]
Параллелограммнинг кичик диагонали уни иккита тўғри бурчакли учбурчакка ажратади. Шунинг учун,
$a=20$; $b=acos60^\circ=20\cdot\frac{1}{2}=10$;
$h=bsin60^\circ=10\cdot\frac{\sqrt{3}}{2}=5\sqrt{3}$; $S=ah=20\cdot 5\sqrt{3}=100\sqrt{3}.$



701) [2003_05_55]
Параллелограммнинг ўткир бурчаги 60° бўлса, ўтмас бурчаги 180–60=120° бўлиб, диагонал уни 30° ва 90° ли бурчакларга ажратади. У ҳолда ABD тўғри бурчакли учбурчакда $AD=AB\cdot cos30°=AB\cdot 0{,}5$ ва $P=2(AB+AD)=2\cdot(AB+0{,}5AB)=2\cdot 1{,}5AB=3AB=60$ дан $AB=60:3=20$.



702) [1997_09_109]
Айланага ташқи чизилган тўртбурчакнинг қарама-қарши томонлари йиғиндиси ўзаро тенг бўлади: $AB+CD=BC+AB$ бўлгани учун $ABCD$ – ромбдир $AD=6$; $BC=6$; Жавоб: 6.

703) [1996_07_44]
Параллелограммнинг иккинчи томонини Пифагор теоремасини қўллаб топамиз:
$a=\sqrt{12^2+5^2}=\sqrt{144+25}=\sqrt{169}=13$.
У ҳолда параллелограмм периметри
$P=2(a+12)=2\cdot(13+12)=2\cdot 25=50$ га тенг бўлади.



704) [1997_03_44]
Параллелограммнинг иккинчи бурчагини топамиз:
$\alpha=180°-150°=30°$. Синуснинг таърифига кўра,
$\dfrac{d}{a}=sin30°$ ёки $a=\dfrac{d}{sin30°}=\dfrac{6}{0{,}5}=12$. $\dfrac{b}{a}=cos30°$;
$b=acos30°=12\cdot\dfrac{\sqrt{3}}{2}=6\cdot\sqrt{3}$. Параллелограммнинг периметрини топамиз:
$P=2(a+b)=2\cdot(12+6\sqrt{3})=24+12\sqrt{3}=12(2+\sqrt{3})$.



705) [2003_12_31]



Параллелограммга ташқи айлана чизиш мумкин бўлса, унинг бурчаклари тўғри бурчакка, ўзи тўғри тўртбурчакка айланади. Тўғри тўртбурчакка ички айлана чизиш мумкин бўлса, у квадратга айланади. $d^2=a^2+a^2$ дан квадрат юзини топамиз:
$S=\dfrac{d^2}{2}=\dfrac{8^2\cdot 2}{2}=64$.

706) [2003_02_51]
Айланага ташқи чизилган параллелограмм ромбга айланади: $P=4a$. ABE тўғри бурчакли учбурчак $BE=2r=2\cdot 3=6$ ва $\angle A=45°$. У ҳолда $\dfrac{BE}{AB}=cos45°$ дан $a=AB=\dfrac{BE}{cos45°}=\dfrac{6}{\frac{\sqrt{2}}{2}}=6\cdot\dfrac{2}{\sqrt{2}}=6\sqrt{2}$. ва $P=4a=$ $=4\cdot 6\sqrt{2}=24\sqrt{2}$.



707) [2003_12_86]



AB томон айлана уринмаси CD га параллеллигидан AB томон ABD га ташқи чизилган айлана диаметрида ётиши келиб чиқади, яъни ABD тўғри бурчакли учбурчак. Бундан ташқари, $\angle A=\angle C=45°$ лигидан $\angle ABD=180°-\angle A-\angle ADB=180-45-90=45°$, яъни ABD тенг ёнли: $AD=BD=2$. У ҳолда $S_n=a\cdot h=AD\cdot BD=2\cdot 2=4$.

708) [2003_05_54]
Параллелограмм барча томонлари квадратлари йиғиндиси энг кичик бўлиши учун у квадратга айланиши керак. У ҳолда

$$2(a^2+b^2)=2\cdot(2a^2)=2d^2=2\cdot\left(\frac{8}{2}\right)^2=2\cdot 4^2=32.$$

Ҳақиқатдан ҳам, косинуслар теоремасидан фойдаланиб, диагоналларни томонлар орқали ифодалаймиз: $d_1=a^2+b^2-2abcos\alpha$; $d_2=a^2+b^2-2abcos(180°-\alpha)=$ $=a^2+b^2+2abcos\alpha$. Бу икки тенгликни қўшиб, $d_1^2+d_2^2=2(a^2+b^2)$ га эга бўламиз. Ундан
$d_1^2+d_2^2=d_1^2+(8-d_1)^2=d_1^2+d_1^2-16d_1+64=$
$=2(d_1^2-8d_1+32)=2((d_1-4)^2+16)=2(d_1-4)^2+32$.
Демак, $2(a^2+b^2)$ энг кичик қийматга эришиши учун $d_1^2+d_2^2$ энг кичик қийматга эришиши керак. Бунинг учун эса, $(d_1-4)^2=0$ ёки $d_1=4$ бўлиши керак.

709) [2003_05_56]
$S=ah_1=bh_2$ формулалардан $S^2=ab\cdot h_1h_2=10ab$ ва $S=absin\varphi$ дан $ab=\dfrac{S}{sin\varphi}$ ва $S^2=10ab=\dfrac{10S}{sin\varphi}$. У ҳолда $S=\dfrac{10}{sin\varphi}$ ва $\varphi=30°$ да параллелограмм юзи энг катта бўлади.

710) [2004_01_572]
Олдинги тест ечимига қаранг.

711) [2003_06_74]
Параллелограмм асоси AF учбурчак асоси a нинг λ қисмини ташкил қилсин: $(0\le\lambda\le 1)$. У ҳолда

параллелограмм баландлиги учбурчак баландлиги h нинг $1-\lambda$ қисмини ташкил этади. Параллелограмм юзи $S=\lambda a\cdot(1-\lambda)h=(\lambda-\lambda^2)ah$ дан λ бўйича ҳосила олиб, унинг максимал қийматини топамиз: $S'=(1-2\lambda)ah=0 \Rightarrow 1-2\lambda=0 \Rightarrow \lambda=0,5$. Демак, параллелограмм асоси учбурчак асосининг ярмига тенг: $\frac{a}{2}$.



712) [1996_07_48]
Ромбнинг диагоналлари уни бир-бирига тенг бўлган тўртта тўғри бурчакли учбурчакка ажратади.
$\beta=2\cdot(90°-25°)=2\cdot 65°=130°$.

713) [1997_10_48]
Ромбнинг диагоналлари уни бир-бирига тенг бўлган тўртта тўғри бурчакли учбурчакка ажратади. Бу бурчаклардан бирини $2x$ десак, иккинчиси $7x$ га тенг бўлади: $2x+7x+90=180 \Rightarrow 9x=180-90 \Rightarrow x=90:9=10$.
$2x=2\cdot 10=20°$. Жавоб: 40°.

714) [2004_01_530]
Олдинги тест ечимига қаранг.

715) [2002_02_37].
$5x+4x=90°$ дан $x=90°:9=10°$. $10x=10\cdot 10°=100°$.

716) [2001_10_43]

$$tg\frac{\alpha}{2}=\frac{d_1/2}{d_2/2}=\frac{6}{8}=\frac{3}{4}.$$

$$tg\alpha=\frac{2tg\frac{\alpha}{2}}{1-tg^2\frac{\alpha}{2}}=\frac{2\cdot\frac{3}{4}}{1-\frac{9}{16}}=\frac{\frac{3}{2}}{\frac{16-9}{16}}=\frac{3}{2}\cdot\frac{16}{7}=\frac{24}{7}.$$



717) [2005_01_298]

$$tg\frac{\alpha}{2}=\frac{d_1/2}{d_2/2}=\frac{d_1}{d_2}=\frac{5\frac{1}{3}}{16}=\frac{\frac{16}{3}}{16}=\frac{1}{3}.$$

$$tg\alpha=\frac{2tg\frac{\alpha}{2}}{1-tg^2\frac{\alpha}{2}}=\frac{2\cdot\frac{1}{3}}{1-\frac{1}{9}}=\frac{\frac{2}{3}}{\frac{9-1}{9}}=\frac{2}{3}\cdot\frac{9}{8}=\frac{3}{4}.$$

718) [2002_06_50]

$$ctg\frac{\beta}{2}=\frac{d_1/2}{d_2/2}=\frac{16}{12}=\frac{4}{3};$$

$$ctg\beta=\frac{ctg^2\frac{\beta}{2}-1}{2ctg\frac{\beta}{2}}=\frac{\frac{9}{16}-1}{2\cdot\frac{3}{4}}=-\frac{7}{16}:\frac{3}{2}=-\frac{7\cdot 2}{16\cdot 3}=-\frac{7}{24}.$$



719) [2001_05_36]

$\angle BOC=90°$; $\angle OCB=\frac{\angle A}{2}=\frac{31°}{2}=15,5°$;
$\angle BCO=90°-15,5°=74,5°$.



720) [1997_07_44]
Пифагор теоремасидан фойдаланиб, ромб томонини ва периметрини топамиз:

$$a^2=\frac{a^2}{4}+h^2 \Rightarrow 4a^2=a^2+4h^2 \Rightarrow 3a^2=4\cdot 9\cdot 3 \Rightarrow$$

$$\Rightarrow a^2=36 \Rightarrow a=6 \Rightarrow P=4a=4\cdot 6=24.$$



721) [2003_05_60]

$$S=a^2sin\varphi=ah \text{ дан } h=\frac{a^2sin\varphi}{a}=asin2\alpha=\frac{P}{4}\cdot sin2\cdot 75°=$$

$$=\frac{24}{4}sin150°=6\cdot\frac{1}{2}=3.$$



722) [1997_09_104]
Ҳосил бўлган ромбнинг учлари берилган ромбнинг ярим диагоналларининг ўртасида бўлади. Демак, ўхшашлик коэффициенти $\frac{1}{2}$ га тенг ва янги ромб периметри аввалгиси периметрининг ярмига тенг.
$P_{A_1B_1C_1D_1}=\frac{1}{2}\cdot P_{ABCD}=\frac{1}{2}\cdot 14=7$. Жавоб: 7.

723) [1998_01_45]

Учбурчакнинг катта катети b унинг 60° бурчаги каршисида ётади ва $b=d+c$. $\frac{c}{a}=tg60^o$ ва $\frac{d}{a}=sin60^o$ дан $b=d+c=asin60^o+atg60^o=a\left(\frac{\sqrt{3}}{2}+\sqrt{3}\right)=$

$=\frac{\sqrt{12}}{5}\cdot\frac{3\sqrt{3}}{2}=\frac{3\cdot\sqrt{36}}{10}=\frac{3\cdot 6}{10}=1,8.$



724) [1998_08_45]

$b=\frac{2+\sqrt{2}}{5} \Rightarrow d^2+d^2=a^2 \Rightarrow d=\frac{\sqrt{2}}{2}a \Rightarrow a+d=b \Rightarrow$

$\Rightarrow a+\frac{\sqrt{2}}{2}a=\frac{2+\sqrt{2}}{5} \Rightarrow \frac{2+\sqrt{2}}{2}a=\frac{2+\sqrt{2}}{5} \Rightarrow \frac{a}{2}=\frac{1}{5} \Rightarrow$

$\Rightarrow a=\frac{2}{5}=0,4.$



725) [1996_10_49]

Ромб юзини $S=a^2\cdot sin\alpha$ формула билан топиш мумкин.

726) [2000_05_58]

$S=a^2sin\alpha=10^2\cdot sin150^\circ=100\cdot\frac{1}{2}=50.$

727) [2003_10_64]

Ромб бурчакларидан бири x бўлса, иккинчиси $3x$ бўлади ва $x+3x+x+3x=360^\circ$ дан $8x=360^\circ$ ёки $x=360:8=45^\circ$. У холда $P=4a$ дан $a=P:4=20:4=5$ ва

$S=a^2sin\varphi=5^2\cdot sin45^\circ=\frac{25}{2}\sqrt{2}=12,5\sqrt{2}.$

728) [2001_08_39]

$S=ah=10h.\ \ 1,5S=10(h+4) \Rightarrow 10(h+4)=1,5\cdot 10h \Rightarrow$

$\Rightarrow 15h-10h=40 \Rightarrow h=8.\ \ S=10\cdot 8=80.$

729) [1998_06_36]

Пифагор теоремаси ва $a=3+2=5$ га кўра,

$h=\sqrt{a^2-3^2}=\sqrt{25-9}=\sqrt{16}=4.$

У холда ромб юзи $S=ah=5\cdot 4=20$ бўлади.



730) [1997_02_38]

Ромбнинг юзини хисоблаш формуласи

$S=a^2sin\alpha \Rightarrow sin\alpha=\frac{18}{36}=\frac{1}{2} \Rightarrow \alpha=30^o;\ \ \alpha=150^o.$

731) [2000_09_3]

$\alpha=180^\circ-\beta=180^\circ-120^\circ=60^\circ$. Косинуслар теоремасига кўра, $d^2=a^2+a^2-2a\cdot acos60^\circ \Rightarrow 8^2\sqrt[4]{3^2}=$ $=2a^2-a^2 \Rightarrow a=8\sqrt[4]{3}.\ \ S=a^2\cdot sin\alpha=8^2\cdot\sqrt[4]{3^2}\cdot sin60^\circ=$

$=64\cdot\sqrt{3}\cdot\frac{\sqrt{3}}{2}=32\cdot 3=96.$

732) [1999_09_40]

Косинуслар теоремасидан

$d^2=a^2+a^2-2a\cdot a\cdot cos120^\circ \Rightarrow d^2\sqrt[4]{3^2}=3a^2 \Rightarrow a^2=$

$=\frac{d^2\sqrt{3}}{3} \Rightarrow a=\frac{d}{\sqrt[4]{3}} \Rightarrow S=a^2sin120^\circ=\frac{d^2}{\sqrt[4]{3^2}}\cdot\frac{\sqrt{3}}{2}=\frac{d^2}{2}.$

733) [1999_04_45]

$S=\frac{d_1\cdot d_2}{2}$ дан $d_2=\frac{2S}{d_2}=\frac{2\cdot 1,5}{\sqrt[4]{3}}=\frac{3}{\sqrt[4]{3}}=\sqrt[4]{3^3}.\ \ tg\frac{\beta}{2}=$

$=\frac{d_2}{d_1}=\frac{\sqrt[4]{3^3}}{\sqrt[4]{3}}=\sqrt[4]{3^2}=\sqrt{3} \Rightarrow \frac{\beta}{2}=60^\circ \Rightarrow \beta=2\cdot 60^\circ=120^\circ.$

734) [1998_10_23]

Ромб юзи унинг диагоналлари кўпайтмасининг ярмига тенглигидан: $d_1\cdot d_2=2S=2a^2\cdot sin30^o=2\cdot 6^2\cdot\frac{1}{2}=36.$

735) [2005_01_297]

Ромб юзи унинг диагоналлари кўпайтмасининг ярмига тенглигидан: $d_1\cdot d_2=2S=2a^2\cdot sin\alpha=2\cdot 6^2\cdot\frac{1}{4}=18.$

736) [1997_09_114]

Ўхшашлик коэффициенти k га тенг бўлган ромблар юзларининг нисбати k^2 га тенглигидан: $\frac{b}{a}=3$;

$\frac{S_1}{S_2}=\left(\frac{b}{a}\right)^2=3^2$. Жавоб: 9.

737) [1997_07_47]

Ромбнинг ярим диагоналларини d_1 ва d_2 билан белгиласак, у холда тест шартига кўра, $d_1=3x$; $d_2=4x$.

$d_1^2+d_2^2=10^2 \Rightarrow (3x)^2+(4x)^2=100 \Rightarrow 25x^2=100 \Rightarrow$

$\Rightarrow x^2=4 \Rightarrow x=2.$

$S=2d_1\cdot d_2=2\cdot(2\cdot 3)\cdot(4\cdot 2)=2\cdot 6\cdot 8=96.$

738) [1996_07_47]

Ромб диагоналларидан бирини $3x$ десак, иккинчиси $4x$ га тенг бўлади. Ромб юзи диагоналлари кўпайтмасининг ярмига тенглигидан:

$3x\cdot 4x=384\cdot 2$; $12x^2=384\cdot 2$; $12x^2=768$; $x^2=64$; $x=8$.

$d_1=3\cdot 8=24$; $d_2=4\cdot 8=32$.

$a=\sqrt{\left(\frac{d_1}{2}\right)^2+\left(\frac{d_2}{2}\right)^2}=\sqrt{\left(\frac{24}{2}\right)^2+\left(\frac{32}{2}\right)^2}=\sqrt{12^2+16^2}=$

$=\sqrt{144+256}=\sqrt{400}=20.$



739) [2003_07_45]
Ромб диагоналларидан бири x бўлса, иккинчиси $0,75x$ га тенг. У ҳолда $S=\frac{d_1d_2}{2}=\frac{0,75x\cdot x}{2}=24$ дан $x^2=48:0,75=64$ ва $x=8$. Демак, $d_1=8$ ва $d_2=0,75d_1=$ $=0,75\cdot8=6$. Пифагор теоремасига кўра, $4a^2=d_1^2+d_2^2=8^2+6^2=100$ дан $a^2=100:4$ ва $a=\sqrt{25}=5$.

740) [2003_03_60]
$S=\frac{d_1d_2}{2}=\frac{(2x)\cdot(4x)}{2}=4x^2=12$ дан $x^2=3$ ва $x=\sqrt{3}$. У ҳолда Пифагор теоремасига кўра, $a^2=x^2+(2x)^2=5x^2=5\cdot3=$ $=15$ ва $a=\sqrt{15}$.



741) [1997_09_115]
Тест шартига кўра, ромбнинг диагоналларидан бири 1,1 марта ортса, иккинчиси 0,85 қисмигача камаяди:
$S=\frac{d_1\cdot d_2}{2}$;
$S'=\frac{1,1d_1\cdot0,85d_2}{2}=\frac{0,935\cdot d_1d_2}{2}=0,935\cdot S;$
$(1-0,935)\cdot100\%=6,5$. Жавоб: 6,5% камаяди.

742) [1998_02_50]
Ромбнинг юзини ҳисоблаш формулаларига кўра, $S=\frac{d_1d_2}{2}=\frac{80}{2}=40$. $S=ah\Rightarrow a=\frac{S}{h}=\frac{40}{5}=8$;
$P=4a=4\cdot8=32$.



743) [1999_07_39]
$d_1^2+d_2^2=2\cdot2a^2=4\cdot(\frac{P}{4})^2=4\cdot(\frac{12}{4})^2=4\cdot3^2=36$; $S=$ $=\frac{d_1d_2}{2}$ дан $2d_1d_2=4S=4\cdot16=64$. $d_1^2+d_2^2+2d_1d_2=$ $=(d_1+d_2)^2=36+64=100\Rightarrow d_1+d_2=10$. томони 3 га тенг ромблар ичида энг катта юзлиси квадратдир: $S=a^2=3^2=9$. Тест нотўғри тузилган, юзи 16 га, периметри 12 га тенг ромб мавжуд эмас.

744) [1999_02_49]
$d_1^2+d_2^2=4a^2=4\cdot4^2=64$; $S=\frac{d_1\cdot d_2}{2}$ дан $2d_1d_2=4S=$ $=4\cdot9=36$. $(d_1+d_2)^2=d_1^2+d_2^2+2d_1d_2=64+36=10\Rightarrow$ $\Rightarrow d_1+d_2=10$.

745) [1997_03_47]
Ромбнинг ярим диагоналларини d_1 ва d_2 билан белгиласак,
$S=\frac{(2d_1)\cdot(2d_2)}{2}=2d_1\cdot d_2=24\Rightarrow d_1\cdot d_2=12$.
$d_1=\frac{6}{2}=3\Rightarrow d_2=\frac{12}{d_1}=4\Rightarrow a=\sqrt{d_1^2+d_2^2}=\sqrt{3^2+4^2}=$
$=\sqrt{25}=5$.



746) [1996_06_38]
Ромб юзини ҳисоблаш формуласидан унинг номаълум диагонали d_2 ни топамиз:
$S=\frac{1}{2}d_1\cdot d_2\Rightarrow d_2=\frac{2S}{d_1}=\frac{2\cdot18}{9}=\frac{36}{9}=4$.

747) [2001_11_45]
Косинуслар теоремасидан $d_1^2=a^2+a^2-2a\cdot a\cdot cos\alpha\Rightarrow$ $\Rightarrow cos\alpha=\frac{2a^2-d_1^2}{2a^2}=\frac{2\cdot10^2-12^2}{2\cdot10^2}=\frac{200-144}{200}=0,28$. У ҳолда $d_2^2=a^2+a^2+2a^2cos\alpha=2\cdot10^2+2\cdot10^2\cdot0,28=$ $=256\Rightarrow d_2=16$. $S=\frac{d_1d_2}{2}=\frac{12\cdot16}{2}=96$.

748) [2002_12_60]
Олдинги тест ечимига қаранг.

749) [2000_01_52]
Олдинги тест ечимига қаранг. Жавоб: 24.

750) [1997_10_47]
Ромбнинг ярим диагоналларини d_1 ва d_2 билан, томонини a билан белгиласак,
$d_1^2+d_2^2=a^2\Rightarrow d_2^2=a^2-d_1^2=20-4=16\Rightarrow d_2=4$.
Ромб юзини $S=2d_1\cdot d_2$ формула билан топамиз: $S=2d_1\cdot d_2=2\cdot2\cdot4=16$. Жавоб: 16.

751) [2003_11_35]
Ромбнинг томони $a=\frac{P}{4}=\frac{52}{4}=13$. Пифагор теоремасига кўра, $\left(\frac{d_1}{2}\right)^2+\left(\frac{d_2}{2}\right)^2=a^2$. $d_1+d_2=34$ дан $d_1^2+(34-d_1)^2=4\cdot13^2$. Бу тенгламадан
$d_1^2+d_1^2-68d_1+1156=676\Rightarrow2(d_1^2-34d_1+240)=0$
$\Rightarrow d_1\cdot d_2=240$. $S=\frac{d_1d_2}{2}=\frac{240}{2}=120$.

752) [1998_05_40]

Тест шартига кўра, $b+c=m$; $4a=2p$ ва $S=\frac{bc}{2}$. Пифагор теоремасига кўра, $b^2+c^2=(2a)^2$. У ҳолда $(b+c)^2=m^2$ дан $b^2+2bc+c^2=m^2 =>$

$=> 2bc=m^2-b^2-c^2=m^2-4a^2=m^2-p^2$. Демак, $S=\frac{bc}{2}=\frac{m^2-p^2}{4}$.



753) [2003_08_1]

$NC=x$ десак, $AN=4x$ ва $x+4x=12$ дан $x=12:5=2{,}4$ ва $AN=4x=4\cdot 2{,}4=9{,}6$. AND учбурчак баландлиги $h=\frac{d_1}{2}=\frac{5}{2}=2{,}5$ бўлиб, юзи $S=\frac{1}{2}ah=$

$=0{,}5\cdot 9{,}6\cdot 2{,}5=4{,}8\cdot 2{,}5=12$.

754) [1998_09_48]

Ромбга ички чизилган айлана диаметри унинг баландлигига тенг бўлади: $2r=h=>r=h:2=28:2=14$. $S=\pi r^2=\pi\cdot 14^2=196\pi$.

755) [1996_09_101]

Тест шартига кўра, $L=2\pi R=2\pi => R=1$

$OE=AO\cdot sin15°$; $AO=AB\cdot cos15° => OE=$

$=AB\cdot sin15°\cdot cos15°=\frac{AB}{2}\cdot sin30°=\frac{AB}{2}\cdot\frac{1}{2}=\frac{AB}{4} =>$

$=> AB=4\cdot OE=4\cdot 1=4$. $P=4a=4\cdot 4=16$.

756) [2002_05_49]

$S=\frac{1}{2}a^2 sin\alpha=\frac{1}{2}\cdot 16^2\cdot sin30°=\frac{1}{4}\cdot 256=64$. $S=\frac{1}{2}rP$

дан $r=\frac{2S}{P}=\frac{2S}{4a}=\frac{S}{2a}=\frac{64}{2\cdot 4}=8$.

757) [2003_11_40]



AOB учбурчакда $\frac{AB}{AO}=\frac{OB}{OE}$ дан $OE=\frac{AO\cdot OB}{AB}$ ёки

$r=h=\frac{0{,}5d_1\cdot 0{,}5d_2}{a}=\frac{0{,}5d_1d_2}{2a}=\frac{S_r}{2a}$. Ундан

$S_d=\pi r^2=\pi\frac{S_r^2}{4a^2}$ ёки

$\frac{S_d}{S_r}=\frac{\pi S_r}{4a^2}=\frac{\pi a^2 sin30°}{4a^2}=\frac{\pi\cdot 0{,}5}{4}=\frac{\pi}{8}$.

758) [1996_13_47]

Ромбга ички чизилган айлана диаметри унинг баландлигига тенг бўлади: $sin\alpha=\frac{d}{a}=\frac{2R}{a}=\frac{2\cdot 1}{6}=\frac{1}{3}$.

759) [2005_01_291]

Ромбга ички чизилган айлана диаметри унинг баландлигига тенг бўлади:

$$sin\alpha=\frac{d}{a}=\frac{2R}{a}=\frac{2\cdot\frac{3}{4}}{6}=\frac{6}{6\cdot 4}=\frac{1}{4}.$$

760) [1996_03_105]

Ромбнинг ўткир бурчагини α билан белгиласак, у ҳолда тест шартига кўра, $OA=OB\cdot cos\frac{\alpha}{2}$; $OE=OA\cdot sin\frac{\alpha}{2}$.

$OE=OA\cdot cos\frac{\alpha}{2}\cdot sin\frac{\alpha}{2}=\frac{OA}{2}sin\alpha =>$

$=> sin\alpha=\frac{2OE}{OA}=\frac{2\cdot 1}{4}=\frac{1}{2}$.



761) [2005_01_289]

Ромбнинг ўткир бурчагини α билан белгиласак, у ҳолда тест шартига кўра, $OA=OB\cdot cos\frac{\alpha}{2}$; $OE=OA\cdot sin\frac{\alpha}{2}$.

$OE=OA\cdot cos\frac{\alpha}{2}\cdot sin\frac{\alpha}{2}=\frac{OA}{2}sin\alpha =>$

$=> sin\alpha=\frac{2OE}{OA}=\frac{2\cdot\frac{\sqrt{3}}{2}}{4}=\frac{\sqrt{3}}{4}$.

762) [1996_09_40]

Ромбнинг ўткир бурчагини α билан белгиласак, у ҳолда тест шартига кўра, $AO=AB\cdot cos\frac{\alpha}{2}$;

$OE=AO\cdot sin\frac{\alpha}{2} => OE=AB\cdot sin\frac{\alpha}{2}\cdot cos\frac{\alpha}{2} =>$

$=> 1=4\cdot\frac{1}{2}sin\frac{\alpha}{2} => sin\alpha=\frac{1}{2}$; $\alpha=30^o$. $cos30^o=\frac{\sqrt{3}}{2}$.



763) [2005_01_292]

Ромбнинг ўткир бурчагини α билан белгиласак, у ҳолда тест шартига кўра, $AO=AB\cdot cos\frac{\alpha}{2}$;

$$OE = AO\cdot sin\frac{\alpha}{2} \Rightarrow OE = AB\cdot sin\frac{\alpha}{2}\cdot cos\frac{\alpha}{2} \Rightarrow$$

$$\Rightarrow \frac{2\sqrt{7}}{3} = 4\cdot\frac{1}{2}sin\alpha \Rightarrow sin\alpha = \frac{\sqrt{7}}{3};$$

$$cos\alpha = \sqrt{1-\frac{7}{9}} = \frac{\sqrt{2}}{3}.$$

764) [1996_12_109]
Ромбга ички чизилган айлана диаметри унинг баландлиги h га тенглигидан ва унинг ўткир бурчаги синуси $sin\alpha = \frac{h}{a}$ лигидан: $sin\alpha = \frac{h}{a} = \frac{2r}{a} = \frac{2}{6} = \frac{1}{3}$ ва

$$cos\alpha = \sqrt{1-sin^2\alpha} = \sqrt{1-\frac{1}{9}} = \frac{\sqrt{8}}{3} = \frac{2\sqrt{2}}{3}.$$

765) [2005_01_290]
Ромбга ички чизилган айлана диаметри унинг баландлиги h га тенглигидан ва унинг ўткир бурчаги синуси $sin\alpha = \frac{h}{a}$ лигидан: $sin\alpha = \frac{h}{a} = \frac{2r}{a} = \frac{2\cdot 2}{6} = \frac{2}{3}$ ва

$$cos\alpha = \sqrt{1-sin^2\alpha} = \sqrt{1-\frac{4}{9}} = \frac{\sqrt{5}}{3}.$$

766) [2003_02_13]

$S = \frac{Pr}{2} = a^2 sin\varphi$ дан $sin\varphi = \frac{Pr}{2a^2} = \frac{96\cdot 6}{2\cdot(96:4)^2} =$

$= \frac{24\cdot 4\cdot 6}{2\cdot 24^2} = \frac{1}{2}$ дан $\varphi = arcsin\frac{1}{2} = 150°$.

767) [2002_03_62]

$$d = a \Rightarrow \alpha = 60° \Rightarrow S = a^2\cdot sin60° = 4^2\cdot\frac{\sqrt{3}}{2} = 8\sqrt{3}.$$

$$r = \frac{2S}{P} = \frac{S}{2a} = \frac{8\sqrt{3}}{2\cdot 4} = \sqrt{3}.\ \ S_d = \pi r^2 = \pi\cdot(\sqrt{3})^2 = 3\pi.$$



768) [1997_02_30]
Тест шартига кўра, ромбнинг кичик диагонали уни иккита мунтазам учбурчакка ажратади, яъни ромбнинг ўткир бурчаги 60° га тенг. Ромб бурчаги синуси унинг баландлигининг томонига нисбатига тенглиги ва ички чизилган айлана диаметри ромб баландлигига тенглигидан:

$$r = \frac{d}{2} = \frac{h}{2} = \frac{a\,sin\alpha}{2} = \frac{18\sqrt{3}}{2}\cdot\frac{\sqrt{3}}{2} = \frac{54}{4} = 13{,}5.$$

769) [2000_06_40]

$$a^2 = (\frac{d_1}{2})^2 + (\frac{d_2}{2})^2 = 6^2 + 8^2 = 100 \Rightarrow a = 10 \Rightarrow$$

$$\Rightarrow P = 4a = 4\cdot 10 = 40.\ \ S = \frac{d_1 d_2}{2} = \frac{12\cdot 16}{2} = 6\cdot 16 = 96.$$

$$r = \frac{2S}{P} = \frac{2\cdot 96}{40} = \frac{96}{20} = 4{,}8.$$

770) [1999_06_17]
Олдинги тест ечимига қаранг. Жавоб: 2,4.

771) [2002_09_53]
Олдинги тест ечимига қаранг.

Жавоб: $\pi r^2 : S = \pi\cdot 2{,}4^2 : 24 = \frac{2{,}4\pi}{10} = \frac{12\pi}{5\cdot 10} = \ = \frac{6\pi}{25}.$

772) [2002_11_59]

$$S = a^2 sin30° = 2a\cdot r \Rightarrow \frac{a^2}{2} = 6a \Rightarrow a^2 - 12a = 0 \Rightarrow$$

$$\Rightarrow a = 12 \Rightarrow S = 2ar = 2\cdot 12\cdot 3 = 72.$$

773) [1999_08_50]

$$S = a^2 sin30° = 2ar \Rightarrow \frac{a^2}{2} = 10a \Rightarrow a^2 - 20a = 0 \Rightarrow$$

